



NASIM
KUTUB

ISBN: 978-9943-8365-4-9

© 2022 Nasim Kutub Nashriyoti

UO'K 821.512.161-32

KBK 84(5Turk)-44 D 87

nasimkutub.com

Nasim Kutub: 06

Қисса



Муҳаррир

Одилжон Муҳаммад Шариф

Мусаҳҳиҳ

Гулнора Паттахова

Муқова дизайнери

Ҳорун Тан

Саҳифаловчи

Нилгун Сўнмас

1. НАШР

Декабрь 2022

«Nasim Kutub» нашриёти

Стир: 309539183

Тошкент шаҳри

Яккабоғ МФЙ, Ҳосилот,

3-торкўча, 39-уй 2022-05-27

Тел: +99897 432 54 32

info@nasimkutub.com

Чоп этиш ва муқовалаш хизмати

Matsis Matbaa босмаҳонаси

San. ve Tic. Ltd. Şti

Sertifika No: 40421

Tevfik Bey, Mahallesi, Dr. Ali Demir

Cd No:51, 34295

Küçükçekmece/İstanbul, Türkiye

2. НАШР

Февраль 2023

© Ушбу китобга тегишли барча ҳуқуқлар «Akdem Translation and Copyright Agency» корҳонаси билан тузилган шартномага кўра «Nasim Kutub» нашриётига тегишлидир. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Рухсатсиз чоп этиш тақиқланади.

Иқтибос келтирганда манбани кўрсатиш шарт.

Китобнинг асл номи «Sıg - Aşiklar Ölmez», муаллифи Fatih Duman.

ФОТИХ ДУМАН

СИР
ОШИҚЛАР ЎЛМАС



*Турк тилидан
Умида Адизова
таржимаси*



◆ МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Фотих Думан 1987 йил Туркиянинг Сивас вилояти, Шаркишла туманида туғилган. 2010 йил Измирдаги ДокузЭйлулу университетининг илоҳиёт (теология) факультетини тамомлаган. Бир муддат Иордания давлат университетида ҳам таҳсил олган.

Бир қатор газета ва журналларда чоп этилган мақолалари билан ўқувчилар меҳрини қозонган Фотих Думан Туркия бўйлаб семинар ва суҳбатлар ўтказиш билан бирга радио (Mogal FM) ва телевидение (24 TV) каналларида маданий-маърифий дастурлар тайёрлаб, тингловчилар ва томошабинлар эътиборига ҳавола этиб келмоқда.

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Ўқигувчим!

Сиз учун ёзиш – дардимга шерик топишим, сиримни кимгадир ишонишим демақдир. Айтишга кўрққанларимни сўзларнинг бағрида сиз учун яширмоқдир.

Сиз учун ёзиш – аллазамондан қолган чойхонада кичкина курсида ўтирганча чой ичиб, кўнгиладан кечганларни бир дўстга гапириб бераётгандек уялмасдан, тортинмасдан, бекитмасдан ва бекинмасдан тўкиб-сочишдир.

Нималар учун шукр қилишингизни билмайман, ўқигувчим, лекин мен борлигингиз учун шукроналар айтаман.

«Дард дегани бунча кўп бўлмаса!» дейман баъзида. Дард шунчалар кўп эканки ичимда, хали-хануз сўзларнинг адоғи йўқ. Сизга ёзмоқчи бўлганларим битмади. Тугамасин дея дуо қиляпман. Зеро, ёзолмасам сиримдан маҳрум бўламан, гунг ва кўр бўлиб қоламан.

Бу сафар сизга бошқача ахволотдан сўз очай. Истанбулда яширинган ишқ тилсимларидан бири ёдимга тушди. Бешиктош соҳилида вақт ҳам қарита олмаган бир маконда туйқусдан мозий томон етаклади хаёлларим. Бу

гал тушларимда Яҳё афандининг исмини такрорладим. Кўнгилини унинг тилидан сўзга ўгирдим. Авваллари ҳарфлар узра кўз ёши тўкардим, бу гал ҳарфларни кўзларга жо қилдим. Сизга бир сирни айтмоқ учун тунларни кундузга уладим ва мозийга қараб учди тушларим. Кўҳна замонга бориб қолдим ва Яҳё афанди хонақоҳига сирли эшиқдан қадам ташладим...



Ўлимдан кўрқасизми, ўқиғувчим? Ўлиб қолиш сизни даҳшатга соладими? Мен кўрқаман ва ҳамма ҳам кўрқади деб ўйлайман. Балки адашаётгандирман. Зеро, кўркувим ўз нафсим туфайлидир. Дарвоқе, биз ўлишга мажбур бўлиб турилганларданмиз. Лекин мен ўлишга мажбур бўлишдан эмас, ўлгандан кейин уялиб қолишдан кўрқаман.

Сизга бу гал ўлим ҳақида гапиришни ният қилдим. Қийин бўлди, юрагим симиллади, ўлганларни, ўлдирилганларни ва ўлимни эсладим. Менга нотаниш дарёда йўл кўрсатгувчиси бўлмаган қайиқда суздим. Зеро, ўлим ҳақида сўзламоқ кўзлари ожиз одамга қуёш ҳақида сўзламоққа ўхшайди. Бироқ англадимки, жон бермаган ўликлар ҳам бор экан. Ўлим кимларгадир байрам, кимлар учундир тўй экан. Яна шуни англадимки, қалби ишқдан мосуволар ўлишдан кўрқар экан.

Неча йиллардан бери «Ишқ нима?» дея сўрайман. Ҳар нени ўқисам, шу саволимга жавоб излайман. Кўп ҳолларда тополмайман. Лекин шуни билдимки, таърифлаб бўлмайдиганни ишқ дейдилар. Ошиқ бўлиб, ишқидан ўлим топганни ўлик деб ҳисобламайдилар. Биз кабилар ишқни тўксон тўққиз гўзал исмга жо қилган. Шундай экан, қайси юракда У бўлса, ўша юракни ўлим йўқламас дея хотиржамман. Балки хато қилаётгандирман,

адашаётгандирман. Лекин хато ҳам, қусур ҳам, ишонинг,
мендандир.



Абадий ишқ хохласангиз, ҳеч қачон Ўлмайдиганга ошиқ
бўлинг. Зеро, жисм ўлиб тупроқ бўлур, жон бадандан
йироқ бўлур, ҳатто дунё ҳалок бўлур. Бироқ қалбда ишқ
бўлса, ўлим висолдир, ўлим ёр демақдир.

Юнус* айтганидек, ошиқлар ўлмайди. Лекин ўлмаган
ўликларни кўришга кучимиз етмаяпти...



Ишқ бўлсин, ўкигувчим. Ҳар доим ишқ бўлсин...

Фотих Думан

Истанбул, 2015 йил, март

* Юнус Эмро (1238-1328) – турк мутасаввифи ва шоири



ЁҚУБ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

Яшамоқ бироз хайратга тушиш дегани ҳамдир. Зеро, яшашнинг ўзи хайратланарли ҳол. Тасодифга ишонганлар ишонаверсин, бироқ менинг эътиқодимга кўра, дунёда ҳатто чанг зарраси ҳам тасодиф билан кўзгалмайди. Ишончим комилки, Аллоҳ бор – тасодиф йўқ.

Мен – Ёқуб. Умримнинг ниҳоясига аввалидан яқинроқман. Ажал қай вақт келишини ёлғиз Роббим билади, албатта. Лекин олтмиш ёшни тўлдирганимга уч йил бўлди. Эҳтимол, бир инсон ҳаётида бошидан ўтказадиган ҳамма нарсани кўрадим. Бу дунёнинг кетишини ҳам, келишини ҳам, баландию пастини ҳам.

Отам ёшлик чоғларида Онадўлининг бирқишлоғидан кўчиб келиб, Бешиктош мавзесида ўрнашиб қолган экан. Ўзи хоҳлаб бу ерни танладими ёхуд қисмат шуни хоҳлаганми, билмайман. Аммо шу сабаб бўлиб Бешиктошнинг тор кўчаларидан биридаги хонадонда дунёга келдим.

Бутун умрим Истанбулда ўтди. Бутун хотираларимда Истанбул бор. Яхшиям бор. Зеро, Истанбул билан боғлиқ

хотираси бўлмаганнинг, менинг назаримда, хотири йўқ. Истанбул фақат мен эмас, дунёда инсон зоти борки, бари хайратдан лабини тишлаб қарайдиган шаҳардир. Истанбул – орзулар шахри. Менинг шахрим.

Отам эътиқоди мустаҳкам киши эди. Ҳеч нарсадан Аллоҳдан кўрққанчалик кўрқмас, канчалик кўркса, Уни шунчалик севарди. Отам учун иймон кўп ҳолларда уялиш дегани эди. Қайси ишга қўл урмасин, Аллоҳнинг олдида уялиб қолишдан кўрқарди.

Онам ҳақиқий Онадўли аёли эди. У билан боғлиқ хотираларимнинг бари уй ичида кечган. Умрини мен учун фидо қилди. Мен ёлғиз фарзанд эдим, онам мен учун яшади десам ёлғон бўлмайди.

Инсон кексайгани сари хотираларга бурканиб яшай бошлайди. Кўзлари эски пайтлардаги таниган-билганларини излаб қолади. Менинг ҳам бутун хотираларим шу ер билан, Яхё афанди хонақоҳи билан боғлиқ. Отам ҳаёти давомида ҳар куни бомдод намозига шу ерга келди. Соатлаб қолиб кетарди. Пайшанба оқшомлари алламаҳалгача хонақоҳнинг ичида гўё гойиб бўлиб қоларди. У чоғлардан ҳаёлимда қолганлар – зикр, дуо, суҳбат, ҳазрат деган сўзлар. Отам хонақоҳда эшитганларини эртаси куни менга айтиб берарди. Имкон топди дегунча қўлимдан ушлаб, мени ҳам у ерга олиб борарди.

Боламан-да, ўшанда унчалик тушунмасдим. Мен учун шунчаки кўнгилахушлик эди, ёғочдан қурилган кичкина масжидда у ёқдан-бу ёққа югурардим. Темир панжаралар ортидаги тахта саркофаларни* эса бешик деб ўйлардим. Қандай ғалати-я, одамзод ёш чоғида ҳам ҳақиқатни англайди, тобутни бешикка ўхшатади. Тўғри-да, тобут

* Саркофа – саркофаг, тобут

хам бешиқдай гап. Ўлим – абадиятга очилган эшик. Ўшанда буни билгандим, лекин ҳақиқий маънода англаб стишим учун бутун бошли умрни яшаб ўтишимга тўғри келди. Яна шуни билдимки, мен бешик деб ўйлаганим Яхё афандининг саркофаси экан. Отам айтди.

Ақлим тўлиша бошлаганидан кейин мен ҳам ҳар пайшанба оқшоми отам билан хонақоҳга борадиган бўлдим. Нуроний одамлар, охири фақат «Аллоҳ» билан тугайдиган гаплар... Ҳаммасини тинглардим. Эшик олдида мушуклар бўларди, улар билан ўйнардим баъзан. Онам бироз қизишган пайтлар бўларди.

– Кеч бўлди, болани олиб кетманг! – дерди отамга.

Аmmo отам эътироз билдирарди:

– У ернинг хавосидан нафас олса ҳам етади.

Адашмасам, масжиднинг ичидаги саркофа Яхё афандига тегишли эканини билган оқшомим эди. Масжид ичида мозор борлигидан хайрон бўлгандим.

– Отажон, – дедим, – Яхё афанди ким?

Падари бузрукворим юзимга жилмайиб каради. Не тонгки, бу саволни беришимни бир неча йилдан бери кутаётган экан. Ҳар доим менга гапириб бергиси келар, лекин мен сўрамаганим учун сўз очмас экан. Ўз хоҳишим билан сўрасамгина тинглашимга ишонар экан.

Ўшандан кейин ҳар пайшанба оқшоми мени рўпарасига ўтқазиб олиб, Яхё афанди ҳақида гапириб берадиган бўлди. Мен ҳам бутун дунёни унутганча тинглардим. Отам хикоя қилавергани сайин Аллоҳ йўлида юрадиганларга муҳаббат қўявердим. Яхё афандини отамдек, бобомдек, аждодимдек севдим.

Охир-оқибат ҳар ҳафта отам айтмасданоқ Яхё афанди хонақоҳига борадиган бўлдим. У ерни маконим билдим,

хонадоним дедим, нима ўрганган бўлсам, ўша ерда ўргандим.

Отам вафот этганидан кейин у каби йўл тутдим. Мен ишонган ҳақиқат шуки, фарзанд отасининг ярим қолган одимини бутун қилмоғи лозим. Ҳар куни сахарлаб хонақоҳга келдим. Ҳар пайшанба куни кўнглимга хузур бағишлаган сўзларни тингладим. Муболаға эмас, бир фарзанд отасининг ярмичалик бўлолса, демак, бутун бўлибди. Балки шунинг учун ҳам отам юрган йўлдан юришни, унинг оёқ изларини босишни хоҳлагандирман. Шундай қилиб, умримни Яхё афанди хонақоҳида ўтказдим.

Ўша кеча тушимда отамни кўрдим. Эгнида яшил чопон, атрофида мен олдинлари ҳеч кўрмаган одамлар бор. Отамга қараб боргим келяпти, лекин қадам ташлолмаяпман. Қаердамиз, бу ер қандай жой, билолмаяпман. Отамдан ташқари ҳеч кимнинг юзи аниқ-тиниқ эмас.

– Ота, ёнингизга боролмаяпман, – дедим.

Ҳеч нарса демади, бошқа томонга ўгирилди. Мен ҳам отам қараган томонга қарадим. Яхё афандининг мақбарасига кўзим тушди. Бироқ қандайдир бошқача. Ёруғроқ, атрофи гавжумроқ. Сўнг отамнинг овози қулоғимга чалинди:

– Сендан ким Яхё афандини сўраса – мажнунми, мазжубми*, гариб ёки мужримми** – паст назар билан қарама, у киши ҳақида гапириб бер...

Шу ерда уйғониб кетдим. Тушимни яхшиликка йўйдим. Дархол турдим ва таҳорат олиб, масжидга равона бўлдим. Хаёлим кўрган тушимда эди ва шу ахволда сафга турдим. Намозни адо этиб бўлиб, отамнинг ҳақиға дуо қилдим.

* Мазжуб – илохий ишқдан маст киши

** Мужрим – айбдор, гуноҳкор

Ёшим бир жойга бориб қолгани сезиди. Отамга ўхшаб бораётганимдан хурсанд бўлдим.

Намоз тугаб, ҳамма хонақоҳдан чиқди. Фақат анави бурчақда бир ёшроқ йигит қолди. Бошини ҳеч ердан кўтармаяпти. Уни аввал, хонақоҳ таъмирланаётганида узоқдан бир неча бор кўрганимни эсладим. Лекин бирор марта гаплашмаганмиз, танишмаганмиз. Нега бундай аҳволда, билмайман. Чехраси ғамгин, ғалати йигит. Икки букилиб ўтирибди. Титраётганга ўхшайди.

Мен чўккалаган кўйи дуо қиляпман, у эса алаҳсираётгандек, гапларини тушуниб бўлмайди. Ўрнимдан кўзгалмоқчи бўлган эдимки, йигит билан кўзларимиз тўқнашди. Ўтирган жойида қотиб қолди. Гўё нафас олмаётгандек, дағ-дағ қалтираяпти. Нима бўлаётганини тушунмадим. Индамасдан, мен томонга чопгудек бўлиб келди. Қўлоғимга ёпишди. «Сизни топдим!» дея йиғлай бошлади.

Бу йигит ким?

Мени излаётганмиди?..



Ярим соатча уни тинчлантиришга уриндим, лекин қор қилмади. Ҳикиллагани учун гапиролмаяпти, лекин нималарнидир айтишга уриняпти. Қўлимни тутган қўли титраяпти, тинмай терлаяпти.

Нихоят, ўзига келгандек бўлди. Тинчланаётганга ўхшайди, йиғиси тўхтади. Хавотирга тушдим. Кимлигини билмайман, лекин ичимдан бир овоз «Қўлини қўйиб юборма» деяпти.

– Ўғлим, мени кимгадир ўхшатдинг чоғи. Мен сени танимамайман.

– Йўқ, – деди қўлимни янада маҳкамроқ сиқиб, – йўқ, мен сизни танийман. Сизни тушимда кўрдим.

– Аввалдан тушларнинг
қўлидан кўзларини олиб олган, эсини оундай ҳолатга илк бор дуч
келдимиз. Ниродасинини билолмай қолдим.

– Сир сизда, – деди менга тикилиб.

Йиғидан қизарган кўзларига қараб раҳмим келди.
Чидолмадим. Хайратга, хавотирга тушдим. Бироқ бу йигит
ёлгон гапирмаяпти, кўзларидан кўриниб турибди. У нима
хақида гапиряпти ўзи?..

– Қандай сир экан у, болам, аввал шунни айт-чи!

– Айтаман, сизга ўз ҳикоямни гапириб бераман. Сиз менга
Яҳё афанди хақида гапириб берасиз.

Энди йиғлаш навбати менга келди. Йиғламай бўладими,
тушим ўнғидан келиб турибди ахир. «Мазжубми, гарибми,
ким сендан Яҳё афанди хақида сўраса, гапириб бер»
деганди отам тушимда. Мана бу йигит сўраяпти.

Ҳам эшитдим, ҳам гапирдим, ҳам йиғладим.



Исми Халил экан. Шундай деди, сўраб-суриштириб
ўтирмадим. Унга ишондим ва билганларимни гапириб
бердим. Мен унга Яҳё афанди хақида гапирдим, у менга ўз
хаёти хақида гапирди.

Қуйида бир ой давомида ўша йигит билан ҳар куни
бомдоқ намозидан кейин бир-биримизга йиғлай-йиғлай
сўзлаганларимизни ҳикоя қиламан.

Тушунтириш учун сўз керак, бироқ тушуниш учун сўзга
ҳожат йўқ. Йиғлаш кифоя.

Йиғладим ва тушундим...

*Мавти аҳмар**

*Нафсининг орзу-истакларига,
ҳою ҳавасга мухалиф бўлиш демакдир.
Нафсини ўлдирмаган инсон тирик бўлса-да, ўликдир.*

* Қизил ўлим, қонан ўлим, ўлдирариш маъносини билдиради. Тасаввуфда нафсга қарши чиқишни ифодалайди.

Handwritten text on the right margin, possibly a page number or reference mark.

ХАЛИЛ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

Ўликдек яшаган эканман...

Ҳозир айтмоқчи бўлганларимга кўп ҳолларда ўзим ҳам ишаноламайман. Шу боис бошкаларнинг ишонишини ҳам кутмайман. Бироқ энди иложи йўқ деган нарсага мутлақо ишончим қолмади. Қалбим ва фикрларимга чекловлар қўймайман. Тушундимки, ўрганганларим, билганларим ва эшитганларим аслида ўзимга қўйган чегараларим экан, ана шу тўсиқларни онгимдан суғуриб оляпман. Бўлиши мумкин эмас дейилганлар ҳам рўёбга чиқар экан, иложсиз деб ўйланганларнинг ҳам иложи бор экан. Яшашнинг ўзиёқ мўъжиза-ю, одамзод нафас олаётганига ҳайрон бўлмас экан, айтмоқчи бўлганларимдан нега ҳайратга тушсин? Шундай дейманку-я, барибир ўз гапларимга ўзим ҳайрон қоламан.

Ҳақиқат кўзимиз билан кўрганларимизми, билмайман, аммо бутунгача мудом шунга ишониб яшадим. Кўраётган

бўлсам, демак, бор дедим. Кўзим кўрмаса, йўк. Эътиқодсиз эмасман, ҳар доим Аллоҳга ишонганман. Аслида мени ташвишлантирган нарса – бу дунёда яшашга кўникиб қолиш. Кўрганларимнинг ортидаги сирни яширган нарса ҳам бу дунёга ўрганиб қолганим эди. Лекин адашган эканман, каттиқ адашибман. Инсон кўрмаган, кўролмаган ҳақиқатлар ҳам бор экан.

Айтмоқчи бўлганларимни кимдир ёлгон, яна биров рўё десин, кимлардир мени ақлдан озган деб ўйласин. Лекин мен барига ишондим ва баъзи ўликларнинг ўлмаганини тушундим. Ўлим ҳаммани ҳам ўлдирмаслигини, баданнинг ўлими аслида ўлим эмаслиги ва баъзи кишиларнинг ўлмаслигини англадим.

Шу пайтгача ақлимга суяниб яшадим. Ақлим билан билдим, ақлим билан ўргандим. Ҳисларимга эса ишонмадим, ҳеч қачон ҳис-туйғуларим билан яшамадим. Қаттиқ янглишган эканман. Мен ва менга ўхшаганлар бу дунёнинг сирини англолмаганлар экан.

Биз ақлимизни кўнглимиздан устун қўйганимиздан бери кемтик бўлиб қолаверибмиз. Ақлимиз қалбимизни бўғибди, қалбимиздан келган овозни тилимиз бостирибди, ҳар бир ҳақиқатни ақлимиз билан биламиз деб ўйлабмиз. Лекин ақл изоҳлай олмайдиган, кучи етмайдиган, сўзини ўткази олмайдиган нарсалар бор экан. Ақл ягона ҳақиқат эмаслигини англадим. Мия бир бўлак эт бўлса, ақл англашни қайдан билсин?.. Ваҳоланки, кўнгли дегани ҳам бор экан, билиш эмас, ҳис этиш муҳим экан.

Англадим, билдимки, олдинлари сўқир бўлган эканман, ҳеч нарсани кўролмабман. Қулоқларим битган экан, ҳеч қандай овозни эшитолмабман. Тилим айланмай қолган экан, дудукланганча тушунарсиз овозлар чиқараверибман. Бугунгача рўё ичра яшабман. Ёлгонни ҳақиқат деб

билибман. Алданибман, ўзимни алдабман. Алдаган ҳам ўзим, алданган ҳам ўзим... Кўз олдимда содир бўлганларни ҳечам пайқамабман, биламан деб ўйлаганларимни ҳеч қачон билмаган эканман. Уйқуда яшабман, гафлат билан яшабман. Тушларимни ўнг деб билибман. Аллоҳим, бу қандай нодонлик!.. Тирик мурдадек яшабман...

Аммо ўргандим. Уйқудан уйғонолмасам-да, ақалли улар билан амал қилиб бўлмаслигини, бунга ишониб яшашнинг иложи йўқлигини ўргандим. Кўзларимни қаттиқ юмиб, дунёга эмас, юрагимга қарашга уриниб кўрдим.

Ҳаммаси бундан беш йил аввал рўй берди. Мен бу гафлат уйқусидан уйғонолмаган бўлардим, нима бўлса, ўша пайтда рўй берди.

Истанбулнинг Бешиктош мавзесидаги, ҳатто Истанбулдаги энг сўлим гўшаларидан бирида, Яхё афанди хонақоҳида уйғондим бу уйқудан.

Вақфлар бош бошқармаси тендер ташкил қилибди ҳамда Яхё афанди хонақоҳи, макбараси ва атрофидаги қабристон реставрацияси бир ширкатга топширилибди. Лекин ишчиларнинг масъулиятсизлиги боис қабристон вайрон бўлаёзибди. Қабртошларни устма-уст йиғишибди, экскаватор билан қабрларни очиб ташлашибди. Аслида булардан хабарим бор эди, лекин ўша пайтгача у ерга ҳеч бормагандим. Вақти-соати энди экан. Бу хабарлар овоза бўлгач, мени масъул қилиб жўнатишди. Эски битиклар, қабртошлар, китоблар – менинг ишим. Буларни мен тушунаман.

Бешиктошдаги Яхё афанди хонақоҳи... Номини кўп эшитгандим-у, фурсат бўлиб, йўлим ўша томонларга тушмаганди. Жуда чиройли жой, бўғоз* соҳилида эмас,

* Босфор бўғози кўзда тутиляпти

худди денгизнинг ичида тургандек. Лекин ўз ҳолига ташлаб қўйилган, қаровсиз қолган. Илк бор борганимда мен ҳис қилган ягона туйғу махзунлик бўлди. Шундай жой унутилган. Қабрлар хароб, деворлар хароб... Денгиз томонида тупроқ ўпирила бошлабди.

Мен борганимда таъмирлаш ишлари бошланганига бир йил бўлганди. Вазифам – хонақоҳ билан деярли ичма-ич бўлган қабрларга зарар етишининг олдини олиш ва аввал ўқилмаган қабртошлардан исмларни ўқиб, кимга тегишли эканини қайд қилиш. Аслида мендан тажрибалироқлар бор эди, бу иш менга топширилишини ҳеч кутмагандим. Шошилиндрами ёки бошқа бировни тополмаганлари учунми, аввал тажрибасиз ва ёш дея унутилган мендек одам эсларига тушиб қолдим.

Бутун сирларни шу ерда ўргандим. Тириклардан ололмаган сабоқни ўликлардан олдим. Айтмоқчи бўлганларимнинг ҳаммаси ҳам ўлимга тааллуқли эмасдир, бироқ ҳаммаси ўликлар ҳақида.

Ишонмоқчи бўлсангиз, сизга айтадиган гапларим кўп. Ёлгон эмас, рўё эмас, хаёл ҳам эмас. Лекин ҳақиқатми? Билмайман...

ШАҲЗОДА САЛИМНИНГ САРОЙИ

ТРАБЗОН, 1495 ЙИЛ

Вақт деганлари кергига* ўхшайди, толалари орасидан илмоқли игна эмас, умр ўтади. Қаерда тутилиш, кимдан туғилиш ва кимдан бўлишни танлаш ҳуқуқини сенга бермайди. Мажбуран туғиласан ва мажбуран яшайсан. Яшамоқ – юрмоқдир, қайси йўлдан борсанг-да, манзилнинг тайин. Йўлинг ҳамма билан бир бўлмаса ҳам, охириг бир хил. Бу йўлни кимдир кошонадан, кимдир вайронадан бошлайди.



Трабзонга баҳор келди, ёмғирлар фасли бошланди.

Яшил тоғларида туманли ёпинчикни кўрганлар уни рўёлар диёри деб ўйлаши мумкин. Баҳори нуқул кечикади, ёғингарчилик тўхтамайди, Қора денгиз сир бой бермайди. Куляпти деб ўйлаганигда йиғлайди, кўз ёши тўкади. Бу замин ниятини ошкор этмайди, бир сир у, сир бўлиб яшайди.

* Керги – каштачилик асбоби; чамбар, чамбарак

Бу юртининг одамлари ҳам туироғига ўхшайди. Ахир инсоннинг асли ҳам туироқ эмасми?.. Дунё одамзодни ўзига ўхшатиб қўяди. Эҳтимол шунинг учун ҳам одамлар туғилиб ўсган шаҳарларини эслатади. Бу заминда, яъни Трабзонда туғилганлар ҳам Қора денгизга, ёмғирларга, дарахтларга ўхшаб кетади.

Пойтахт Истанбулни ҳамма билади, бироқ шахри Трабзон – жаннатсифат макон. Кўрганларни ҳайратда қолдиради. Чиройли деб таъриф этилиши мумкин бўлганларнинг бари шу ерда акс этгандек, минорани эслатувчи дарахтлари ўзлари хоҳлаб шу ерда ўсгандек. Муҳаббат шу заминда пайдо бўлган, Мажнун Лайлисини шу ерда топган, Фарҳод Ширин учун шу тоғларни тешган. Шунчалар гўзал, шунчалар машаққатли бу замин. Инсон севиши мумкин бўлган ҳар нарсани худди шу ерда севган, жаннат гўё шарбатга айланган-у, дунё аталмиш етим ундан шу ерда қониб-қониб ичган.

Денгиз... Бу замин учун ҳаёт, нафас, сасдир. Денгизи бўлмаган, дарёни кўрмаган, уммонни билмаган шаҳарларнинг бир ёни кемтик қолаверади. Бир томони жимжитлик, бир қулоғи сағир гўё. Қора денгиз бу ерларнинг қўли, тили, овозига айланган.

Ана шу Қора денгизнинг бир бурчагида инжудек турган Трабзонда, апрель кунларининг бирида осмон туманга бурканган, булутлардан ергача ёмғирдан тўр ташалган эди. Ҳамма уйқуда. Узоқларга тикилган бир киши худди хушхабар кутаётгандек турибди.

Узун ва кенг дераза олдида ўйга чўмган шахзода Салим ёмғирнинг ҳар томчисида бир афсонани тасаввур қилаётгандек гўё. Йигирма яшарлик пайтини эслади. Уни кўрганлар дунёнинг бутун гамини елкасига ортмоқлаб

олган, йигирма эмас, қирқ ёшда бўлса керак деб ўйлайди. Шундайин виқорли, шундайин маҳзун, шундайин маҳжуб*...

Бундан қирқ йилдан ошиқроқ вақт аввал султон Муҳаммад фатҳ этган бу замин ислом нури билан мунаввар бўлган, Шарқий Римдан кейин Понт** диёрида ҳам яшил байроқ хилпирай бошлаган ва дашт фарзандлари бир орзу, гоя йўлида бу ерларда ҳам от чоптирган эди. Истанбулни фатҳ этиб, гулзорга айлантирган султон Муҳаммад мазкур диёрни ҳам фатҳ этиш учун келган ва бу ерларни ёктириб колганди. Азонлар ёмғирларга аралашган, «Аллоху акбар» садоси Қора денгизни тўлдирган эди.

Қора денгиз асовдир, одамни ҳам ўзига ўхшатиб қўяди. Шахзода Салим ҳам ўн беш йилдан бери шу диёрда яшаб, Қора денгиздек асов, чидамли ва ҳеч қаёққа сигмайдиган бўлди. Балки шунинг учун ҳам одамлар унга келгусида «явуз»*** деган лақаб берар?..

Шахзода Салим каттагина деразанинг олдида турганча узоқларни кузатяпти, ёмғирнинг ҳар томчисида тилида дуолар айланяпти. Узун бармоқлари билан соқолсиз юзини силаб қўйди. Қизик, «Иншироҳ» сурасини ўқияптимикиан?.. Ким билади, нима ўқиётган бўлса ҳам жимгина, овоз чиқармай ўқияпти.

Деразанинг олдида анчагача туриб колди. Кейин деразани очиб, ёмғирга қўлини тутди. Қўлига томган ҳар томчи учун Роббига шукрлар айтди. Кўзлари юмук. Балки бир нималарни орзу қиляпти, эҳтимол, хаёллари уни узоқ-узоқларга олиб кетяпти. Хаяжон ва хавотирга қўмилиб дуо қиляпти.

* Хижолатли, уялган

** Кичик Осиёдаги эллинистик давлат (мил. авв. 302/301-64). Қора денгизнинг жанубий соҳилида жойлашган эди.

*** Туркчада кучли, бақувват деган маъноларни ҳам билдиради.

Бўлмади. Ичига сигмай кетяпти. Деразани очик қолдириб, лавҳнинг олдига бориб ўтирди. Қуръоннинг дуч келган саҳифасини очиб, овози титраган кўйи ўқишга тушди. Қандайдир хабар кутаётгани аниқ, қалбига таскинни Қуръондан изляпти. Ҳеч кимнинг олдида букилмаган тиззалари мусҳафнинг олдида қул мисоли букилган, кўзларининг нури сўнгандек бўлиб, киприклари титраяпти.

Лавҳнинг ёнидаги шам ёниб камайгани сари унинг ҳам юраги эриб боряпти. Кошки бутун шаҳарни шалаббо қилаётган ёмғир унинг ичига ёғсаю юрагидаги оловни ўчирса. Тинмасдан қироат қиляпти. Дуч келган саҳифадаги «Намл» сурасини худди жароҳатига малҳамдек ўқияпти.

Чамаси чорак соат ўтгач, хонанинг катта эшиги уч марта тақиллади. Сўнг эшик оғаси ичкарига кирди. Шаҳзода Салим қилат этмади, бошини Қуръондан кўтармади. Оятни охиригача ўқигандан кейингина ўгирилиб қаради.

– Шаҳзодам! Ҳарамдан келишди.

Шаҳзода индамади. Шунчаки боши билан «кирсин» дегандек ишора қилди.

Кўп ўтмай ҳарам оғаси кириб келди. Ҳурмат билан салом бергач, сўз бошлади:

– Хушхабар, шаҳзодам! Аллоҳ таоло сизга шаҳзода ато этди. Ўғили бўлдингиз!

Шаҳзода Салим хурсанд бўлди. Қайта-қайта шукр айтди. Сўнг ўқиган охирги оятни эслади: «Албатта, у Сулаймондандир, албатта, унда: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм...»* Буни бир ишора деб билди. Юзи лов-лов ёнди. Тилидан бир исм тушмай қолди, кўзларига ёш қалқди. Бошини кўтармасдан:

– Исми Сулаймон бўлсин! – деди.

Шундай бўлди ҳам.

* «Намл» сураси, 30-оят

ТРАБЗОН ҚОЗИСИ УМАР АФАНДИ ХОНАДОНИ

ТРАБЗОН, 1495 ЙИЛ

Умар афанди бомдод намозини Қалъаичи маҳалласидаги масжидда адо этгач, оғир қадамлар билан уйига қараб йўл олди. Қалин мош-гуруч соколи, ўткир нигоҳлари ўрта бўйини янада хайбатли кўрсатади, устидаги тўқ яшил чопони эса гўё баҳор шамоли билан ўйнашяпти. Йўлдан ўтган-кетганлар эҳтиром билан салом беряпти, кози ҳам буғдойранг чехрасидаги табассум билан алик оляпти.

Бу ерларга олис диёрлардан келган, отаси Онадўлига араб элидан кўчган. Падари бузруквори олим киши эди, уни ҳам олим қилиб етиштирди. Умар афанди шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезди. Ҳар борган диёрида энг таникли олимлардан сабоқ олди. Бир маскан излади вайрона кўнглига, токи фикрлари тилига кўчсину сўзлай олсин. Сўзласин ва билмаганлар ҳақиқатни тингласин. Алалоқибат, Трабзон диёрига йўли тушди. Қидирган даргоҳи шу ерлигини тушунди. Зеро, давлати олий*

* Усманийлар давлати кўзда тутиляпти.

бу ерларни фатҳ этган ва ўз худудига қўшиб олганди. Лекин ҳақиқий машаққат шундан кейин бошланди. Кўнгилларни ким фатҳ этади?.. Умар афанди бунининг вазифаси деб билди. Одамларга меҳр улашди, ўзи ҳам меҳр кўрди.

У пайтларда ёшгина воиз эди. Ваҳоланки, дарвеш бўлишни, юртма-юрт айланиб, узоқ эллардаги кўнгилларни фатҳ этишни хоҳлаганди. Лекин Аллоҳга олиб борадиган йўл битта эмас-ку! Ҳар йўл Унга бошлайди, шу боис мазкур йўлни танлади.

Ёши қирққа яқинлашиб қолди, оқ толалар сочидан соқолига ўтди. Ҳали кексайгани йўқ, лекин энди ёш воиз Умар афанди ҳам эмас. Уни Трабзон қозиси Умар афанди дейдилар. Халқнинг тилида эса шомлик Умар афанди.

Лекин бу юк унга оғирлик қилди. У пайтларда Трабзон аҳолисининг аксари румлардан* иборат бўлиб, мусулмонлар сони оз ва улар мана шу Қалъаичи маҳалласида яшар эди. Қанчалар оғир юк бор эди зиммасида! Мусулмонми, мусулмон эмасми, кимнингдир ҳақки тортиб олинса, ўзини айбдор деб ўйлар, кимнингдир кўзидан бир томчи ёш оқса, ўзини золим деб билар, кимгадир ёмонлик етса, ўзини гуноҳкор деб ҳисобларди. Шуларнинг ўзиёқ унга дард ўлароқ қифоя эди. Балки шу боис мусулмонлару румлар унинг адолатига ишонар, қаерда уни кўрсалар, ҳурмати уни жойига қўйишарди. Зеро, у билардики, ҳақ ҳақдир, динга қараб ўзгармайди. Қалблар эса фақат Аллоҳга аён.

Трабзонга келганига ўн йилдан ошди. Бу дийрни тарк этолмади. Аслида кетишга бир неча бор уриниб кўрди, лекин бўлмади. Вазифаси ниҳоятда машаққатли бўлса-да, ўзи учун муқаддас деб билди ва бу ердан кўчиб кетолмади.

* Румлар – усмонийлар давлатида яшаган юнонлар.

Ақли кет деса хам, кўнгли оёқларига ёпишиб, уни тўхтатиб қолди.

Қолаверса, энди бору йўғи Трабзонда ва бору йўғи Трабзон. Завжаси Афифани хам шу ерда учратди. Дард оташидан абгор аҳволга тушган кўнглига малҳамдек ёқди у. Холига ҳолдош, йўлига йўлдош, сирига сирдош бўлди.

Мана ҳозир, куннинг илк соатларида, қуёш Трабзоннинг булутли осмонида эндигина кўринаётган пайт аста-секин уйига қараб кетяпти. Завжаси учун тинмай дуо қиляпти. Афифа хоним ҳомиладор, кеча хуфтондан бери санчиқлардан қийналяпти. Қози Умар афанди бомдод намозига чиқишдан олдин доя хотинни унинг ёнида қолдирди. Уйидан чиқаётиб Яхё алайҳиссаломнинг отаси Закариё алайҳиссаломнинг дуосини эслади: «Эй Роббим, менга Ўз хузурингдан яхши зурриёт бергин. Албатта, Сен дуони эшитувчисан»*.

Намознинг илк ракатида имом ўқиган оятдан кўзларига ёш келди. Худди шу дуони ўқиди имом ва Умар афандининг дуосига жамоат бир овоздан омин дегандек бўлди. Ўйлари алғов-далғов бўлиб, хайрати ошди, аммо индамади.

Шу воқеа боис хаёлчан кетяпти, бироқ дуони тилидан қўймаяпти.

Юрди, юраверди ва уйига яқинлашганида туйқусдан тўхтади. Хаёлига ҳар нарса келди. Кўнгли хижил бўлди, безовталанди, бироқ ҳеч нима демади. Ичкарига кириб, ховлидаги курсига чўқди. Тилида ҳамон ўша дуо.

Кўп ўтмай уйнинг эшиги охишта гичирлаб очилди ва доянинг кичкина қизи ташқарига чиқди. Болаларга хос кулимсираб суюнчилади:

– Қози афанди, ўғил...

* «Оли Имрон» сураси, 38-оят

– Аллоҳим, Ўзинга шукр! – деди Умар афанди ва табассум қилганча болага термилди.

– Исми нима бўлади? – деди қизалоқ масъум кўзларини катта-катта очиб.

Қози Умар афанди бир муддат индамади. Аввал буни ҳеч ўйлаб кўрмаган экан. Хаёлига йўлда ўқиган дуоси, намозда эшитган ояти келди.

– Яхё. Исми Яхё бўлсин, – деди.

Шундай бўлди ҳам.

ТЎПҚОПИ САРОЙИ*, 1495 ЙИЛ

СУЛТОН БОЯЗИД

Шаҳзода Сулаймоннинг туғилиши шаҳзода Салимнинг саройида шодиёнага айланди. Ҳаммадан кўп чақалокнинг отаси хурсанд бўлди. Кичик шаҳзода Сулаймоннинг таваллуди муносабати билан факирларга садақа тарқатилди, зиёфатлар берилиб, дуолар қилинди. Трабзонда бу хушxabарни эшитмаган қолмади.

Бу муждани Истанбулга, султон Боязидга етказиш учун эртаси кун чопарлар йўлга тушди. Маҳзун султоннинг кўнглини кўтарадиган хабар... Зеро, султон туғишган биродаридан айрилганига, уни чин дунёга кузатганига ҳали йил тўлмади. Сўнги пайтларда инисининг юзини ҳам кўролмаганди. Султон бу дард боис ғамга ботди, сукутга чўмди. Изтиробни тиндириш учун жаҳон султони бўлиш кифоя қилмай қолди, хатто ҳукмдорликнинг аҳамияти ҳам қолмади. Ахир у ҳам инсон. Юрак-бағри ўртанаяпти, Аллоҳ уни жигар доғи билан синаяпти.

* Усманий подшоҳлар Истанбулда 400 йил давомида бош қароргоҳ сифатида фойдаланган сарой. 1478 йилда қурилган.

Кўпинча саройда хилват жой излаб қолади, ҳеч ким бўлмаган пайт, тунлари ҳамма туш кўраётганида ухласа босинкирашдан кўрқади ва кўлларини очганча ёшгина чоғида вафот этган иниси учун дуо қилади.

«Ох! – дейди ўзига ўзи қоронғи кечаларда кўз ёшлари соқолини ҳўл қилар экан. – Ох! Кошки султон бўлмасам эди, умримни бир вайронада ўтказсам ҳам майлийди. Пул, мол-мулк, давлату иззат – ҳеч бири бўлмасайди, лекин Жамим, қондошим, жонажон йўлдошим бўлсайди ва жон куши қафасидан учириб кетмасайди. Аллоҳим, инимни мағфират айла, гуноҳларини кечир...»

Уқасининг вафотидан кейин султон Боязид ўзгариб қолди. Энди на аввалгидек гапиради, на кулади.

Ҳамма нарса ўзгарди, ҳар ҳолат ўзгача тус олди. Охириги пайтларда Жамнинг ўлими учун султон ўзини айблаетти. Тўғри, Жам қизиққон, қайсар, қаттиққўл эди, лекин жигари эди. Айби бўлса ҳам, гуноҳи бўлса ҳам, иниси эди. Султон Боязид дардини айтолмайди, лекин қайгуларини шеърларга тўқади, фарёдини қофияларда акс эттиради.

«Аллоҳим! – дейди ҳар намозидан кейин. – Аллоҳим, бизга давлат насиб қилдинг. Биламан, давлат мустақкам бўлмоғи лозим. Бироқ бу кўнгил тарозиси бунчалар юкни тортолмайди. Кошки бунча давлатим бўлмасайди, падари бузрукворимнинг кўз нури, жигарим озор кўрмаса эди. Шунини тушундимки, султонлик гавғоси бемаъни экан. Султон бўлишнинг қиймати йўқ экан. Султонлик мен ғарибнинг елкасига оғирлик қияпти. Зеро, шу гавғо жигарпорам, биродаримни куйдирганидан юрак-бағрим ўртанмоқда.

Ўлим келди, тақдир экан. Қарши чиқиб бўлмайди, биламан. Лекин иним кофирнинг, душманнинг қўлида, азон овозига

муштоқ, юртининг тупроғига зор, ёроннинг дийдорига интизор бўлиб қолиб кетди*.

Мени ҳам кечир, Аллоҳим! Хатоларимни афв эт, гуноҳларимни юзимга солма! Ғамбода юрагимга бир катра бўлса-да, шодлик насиб айла!..»



Султон Боязид Тўпқопи саройида ғамга чўкиб, хаёлга ғарк бўлган пайт эшик тақиллади. Ўтирган жойида бир чўчиб тушди. Аввал эгнини тузатди, кейин соқолини силади. Каллапўшини ҳам тузатди. Ўз ихтиёрида бўлса, бу саройда бир лаҳза ҳам ўтирмайди, дарвеш бўлиб, ўзини тоғу тошларга уради. Бироқ бундай қилолмайди, бунинг иложи йўқ. Кўнгли вайрон бўлса-да, султонликнинг иззатини жойига қўймоғи лозим.

Қаддини кўтариб, ҳукмдорларга хос салобат билан ўтирди.

Ичкарига вазири аъзам Довуд пошшо кирди. Бошини эгиб салом берди, султон жавоб қайтармагунча бошини кўтармади.

– Сўйланг, Довуд пошшо! – деди султон.

– Султоним! Чопарлар Трабзондан, шахзодамиз Салимдан хабар олиб келди, мужда келтирди. Султоним! Набирангиз, яна бир шахзодамиз дунёга келибди. Исмини Сулаймон деб қўйибдилар.

Ҳукмдор ўтирган жойида илкис бошини кўтарди. Севингани аён. Қулишни унутиб қўйган чехрасига табассум қўнди, гўё ичида ўлаёзган кушга бирдан жон кирди. Мозийдаги барча масрур хотиралари эсига тушди.

* Ақаси Боязид билан тахт талашган шахзода Жам 1495 йилнинг 25 февралда Италияда вафот этган. Унинг хоки кейинчалик Бурсага олиб келиб қўмилаган.

– Яхши, – деди султон қисқа ва аниқ қилиб. Гапириш қийинлик қилаётганга ўхшади. – Тезда совға-саломлар юборинг, зиёфатлар беринг, ақчалар тарқатинг. Аҳолига «Шаҳзода Сулаймон туғилди!» дея хушxabар ёйинглар.

Довуд пошшо бошини қуйи солиб хос хонадан чиқаётганида султоннинг кўзлари хурсандчиликдан порлаётган эди. Лекин бу ҳолат узоқ давом этмади, хурсандчилик ўрнини ҳузун эгаллади.

– Эй, жажжи Сулаймон! – деди ўтирган жойида. – Мана, сен ҳам бу талатўпга келдинг. Истайманки, Роббим табас-сумингни ўлдирмасин! Сен ҳам имтиҳони оғирларнинг наслидансан. Умринг узоқ бўлсин!

Сўнг чуқур хўрсинди. Бу шундай хўрсиниқ эдики, нафасидан гўё олов ловулади. Ёнида кимдир бўлганида, овозингиздан тутун чиқяпти деган бўларди. Алам уни қўйиб юбормаяпти, қайғуси қувончидан яна оғир келди.

– Энди сен ҳам бу дунё билан машғул бўлиб кўр, жажжи Сулаймон. Сен ҳам озроқ овора бўл...

Кейин жим бўлиб қолди.

Лабларида ҳамон ўша табассум. Ғамни енголмаган, синиқ ва ҳорғин табассум...

ХАЛИЛ

ИСТАНБУЛ; 2015 ЙИЛ

Истанбулни бу ерга яширишибди деб ўйлабман...

Ёз кунларидан бирида, июлнинг жазирамасида илк бор Яхё афанди хонақоҳига бордим. Бешиктош мавзесида, Чирагон саройининг* шундоқ рўпарасидаги тор, тик тепалиқда машинани аранг хайдадим. Пастак кўприкнинг остидан ўтдим. Машинамни юқорига қараб кетган йўлнинг энг бошида турган юк машинасининг орқасига қўйдим.

Қуёш пешонамни куйдираётганга ўхшайди, иссиқдан кўзларимдан олов чиқаётгандек. Бу тепалиқдан тушиш ҳам жуда қийин. Одам йиқилиб тушгудек, сал қолса думалаб кетгудек бўлади. Бир неча одимдан кейин, чап томонга қараб кетган тор йўлдан юриб, хонақоҳнинг эшигига бордим. Цемент тўла халталар, тошу тупроқ ташқаригача тошиб чиқибди. Уларни оралаб ўтдим. Негадир кўнглим хотиржам эмас. Бу бетартиблик, эътиборсизлик юрагимни

* XIX асрда қурилган усмоний подшоҳлар саройи

сиқди. Ишлар қанчалик қийин бўлса-да, бу кўриниш кишини ранжитади, ҳатто қайғуга солади.

Қаршимда катта ёғоч дарвоза. Ортида нималар бўлиши мумкинлигини тасаввур қилолмадим. Аслида ташқаридаги бетартиблик ичкарида ортиги биландир деб ўйлагандим, бироқ илк қарашда ундай бўлмади. Дарвозадан ичкарига кирганимда, ортимда жуда кўп нарсани қолдиргандек ҳис қилдим. Бунчалик чиройли, тенгсиз жой қандай қилиб пулга тўймас касларнинг эътиборидан четда қолибди? Қандай қилиб бу маконнинг атрофига, яқинларига, шундоққина бўғознинг биқинида кўкка бўй чўзган, бироқ юракни сиқадиган руҳсиз биноларни куришмабди? Ҳайронман.

Гўё бу дарвоза ортига жаннат яшириб қўйилгандек, гўё бу дарвозадан ўтиш билан бошқа диёрга кадам қўйдим. Бу ер бутунлай ўзгача. Бу ерга кадам қўйган киши умуман кутилмаган нарсаларга дуч келади. Биноларнинг орасида, хайхотдек шаҳарнинг гала-говуридан холи, унутилиб қолдирилган сирли боғга ўхшайди. Қанчалик гўзал бўлса, шунчалик хувиллаган...

Аста-секин юра бошладим. Йўл мени тўппа-тўғри масжидга олиб борди. Сабабини билмайман, лекин ўйламасдан ва иккиланмасдан ичкарига киргим келди. Бу ер қандайдир галати. Ёки менга шундай туюлдими, билмайман. Худди ўз хоҳишим билан юрмайпман, кимдир мени масжид томонга тортқилаяпти. Атрофга қаролмадим ҳам. Нималар бор, нималар бўлган, кўролмадим. Кўкқисдан исмимни эшитиб, ўзимга келдим:

– Халил бей! – деди кимдир.

Орқамга ўгирилиб қарамадим. Тўғрироғи, қарай олмадим шекилли.

– Халил бей! – яна ўша овоз келди. Шундагина овоз келган томонга ўгирила олдим.

– Хуш келибсиз! – деди ўрта ёшлардаги, озгингина киши жилмайиб қараганча. Сўнг қўлини узатди: – Мен масъул ширкатнинг ходимиман, исмим Мустафо. Биз сизни кутаётгандик.

– Хушвақт бўлинг! Хурсандман, – деёлдим холос. Кўзим эшик устидаги ёзувга тушди. Катта ҳарфлар билан «Адабли бўл!» деб ёзилган экан. Нега бу ерда эди, нима учун эътиборимни тортди, билмайман.

Мустафо бей олдинда, мен эса унинг ортидан таъмирлаш ишлари бўлаётган жойга қараб кетдик. Масжиднинг ўнг томонидан, бир-бирига қапишиб кетган қабрлар орасидан орқа тарафига қараб илгариладик.

Ёнма-ён, елкама-елка ётган одамлар. Оталар, оналар, болалар. Пошшолар, амалдорлар, шоирлар, ишчилар... Ҳаммаси шу ерда, ҳаммасининг сармояси бўйи барабар тупроқ. Ким бўлгани, қандай лавозимда ишлагани аҳамиятсиз, пул, мол-мулк, шуҳрат ва обрўдан махрум ётган одамлар. Ким билади тирикликларида нималарнинг эгаси эдилар, ким билади қандай режалар тузаётганларида ўлим фариштаси тўсатдан эшикларини қоққан?.. Ёшларига, қилаётган ишларига қараб ўтирмай уларни бу ерга олиб келган...

Дарахтлар орасида қабртошлар гулга ўхшайди. Бу ерда елкама-елка ётганлар шунчалик кўпки, худди қабрлар дарахтлар орасида эмас, аксинча дарахтлар қабрларнинг орасига қўйилгандек. Қабрлар жуда ҳам кўп.

Юраёғиб Мустафо бей кўп нарсаларни айтди, лекин деярли ҳеч нарса кирмади қулогимга. Кўзим ағанаб кетган, эгилиб қолган, синган қабртошларда. Уларнинг кўпини вақт ағанатган, бироқ аллақанчасини таъмирлаш ишларини бажараётганлар ҳеч ачинмасдан, бепарволарча,

уялмасдан чилпарчин қилган. Ичим оғриди, бироқ бир нима деёлмадим.

Яна бироз юргач, орқа томонда, қабрлар сал сийраклашган жойда хонақоҳ биноси кўринди. Ишчиларнинг бари ўша ерга тўпланибди, мени тафтиш учун келган деб ўйлашган чоғи, бир текис бўлиб тизилиб олишибди. Ҳаммаси билан бир-бир таништиришди мени. Аслида улар ёмон ниятли кишилар эмас ёхуд мен яхши ният билан шундай ўйладим. Лекин билмасликлари, буларнинг қийматини тушунмасликлари аниқ. Эҳтимол, кун келиб ўзлари ҳам шундай қабртошлар остида ётишларини ўйлаб кўришмайди.

Мен гувоҳи бўлганлар чиңдан ҳам юракни ўртагувчи ҳолатлар. Ўликларга ҳам иззат-ҳурмат кўрсатган боболаримизнинг қабртошларини вайрон қиладиган набиралармиз биз. Уятдан юзим ловуллаётганини сездим. Бу ҳолатимни бошқалар кўришини истамайман. Уялишдан ҳам уяламан.

Яна бир неча қадам қўйдим. Узоқроққа кетишни истадимми ёки бошқа бир нарса кўрмоқчи бўлдимми, билмайман. Бўлаётган ишларни тафтиш қиладигандек атрофга кўз югуртирдим.

Хонақоҳнинг орқа томонига ўтдим. Ана шунда «Истанбулга бир бор қарашимни бутун дунёга алмашмам» деган ғарблик ёзувчи нима демоқчи бўлганини тушундим. Кўз олдимда ўша қадим замонлар, хаёлотдаги диёрлар, неча асрлар аввалги саодат макони, шаҳарлар сарвари Истанбул намоён бўлди. Манзара жуда гўзал. Менимча, Истанбулни кўриш учун келиш мумкин бўлган ягона жой мана шу ер.

Юрагимни тушуниксиз севинч эгаллади, ҳайратдан хатто киприк қоқолмаяпман. Аждодларимиз бунчалар мафтункор жойга нима учун қабристон қуришганини тушунолмадим. Денгиз пойимга тўшалган, вақт тўхтаб қолган, жаннат ерга туширилгандек гўё. Истанбул худди шу ерда. Ҳайрат билан ўзимга ўзим дедим:

– Истанбулни шу ерга яшириб қўйишган экан...



Трабзон, 1495 йил

ЯҲЁ АҒАНДИ

Бир кучоқда икки арслон...

Кунлар физиллаб ўтяпти. Шунчалик тез ўтяптики, гўё кунлар от чоптиряпти-ю, қай бири келиб, қайсиси ўтиб кетаётганини одам билолмай қоляпти. Шахзода Сулаймоннинг таваллуди муносабати билан тантаналар уюштирилди, тўрт томондан совға-саломлар келди, табриклар йўлланди. Ҳамма хушнуд, бироқ бир мушкулот бор ва унинг ечимини топиш учун жажжи шахзоданинг бувиси Гулбахор хотун неча кундан бери овора.

Шахзода Сулаймон туғилганидан бери тузук-куруқ эмолгани йўқ, онаси Ойша Ҳафса хотуннинг сути етмаяпти. Шўрликнинг юраги қон йиғлаяпти, ахир онада, болани тўйдиролмаётганини ўйлаб эзиляпти, тунлари кўзига уйқу келмаяпти, кундузлари эса ўғлининг ёнида кўз ёш тўкяпти.

Сути кўпайиши учун шарбатлар ичди, тансиқ егуликлар еди, кошки бирортасининг нафи тегса. Бир қараса,

жориялар кичитки ўти қайнатмасини олиб келади, унинг фойдаси бўлмаганини кўриб, арпабодиён дамламасини ичиришади. Барибир бўлмади. Нима қилинса ҳам, шаҳзоданинг йиғиси тинмади, Ойша Ҳафса хотуннинг изтиробни битмади.

Шундан кейин шаҳзодани эмиздира оладиган аёл қидиришга тушишди. Жарчилар уйма-уй, кўчама-кўча кезди. Бироқ келганларнинг ҳеч бири шаҳзоданинг дардига дармон бўлолмади, ҳеч бирининг бир қултум сути шаҳзодага насиб қилмади. Трабзондаги эмизикли аёлларнинг деярли барчаси келса ҳам, мушкулот ҳал бўлмади, шаҳзода Сулаймон йиғидан тўхтамади.

Қози Умар афанди бир куни қош қорайган пайт хонадонига хавотирланган ҳолатда қайтди. Эшигини тез-тез қоқди. Хотини эшикни очиши билан ичкарига тезгина кирди.

– Хотин, бу ёққа кел, – деди ва чорпоёга ўтирди. Афифа хоним безовталанди.

– Лаббай, хожам! Тинчликми ишқилиб?

– Тинчлик, хотин, тинчлик.

Умар афанди шундай дея чуқур тин олди. Бошидан салласини ечиб, бир четга қўйиб гап бошлади:

– Биласан, ўғлимиздан бир ҳафтача кейин шаҳзода Салимнинг ҳам ўғли дунёга келди. Аллоҳ умрини узок қилсин. Лекин онасининг сути етмаётган экан. Эшикма-эшик юриб шаҳзодани эмизадиган аёл излаётган эканлар. Қанча эмизикли хотин бўлса, бирма-бир саройга олиб боришибди. Шаҳзода ҳеч биридан бир қултум ҳам сут эммабди. Биз ҳам борайлик, балки дардининг дармони биздадир демоқчи эдим...

Афифа хоним ўйланиб қолди. Ҳеч нарса демади, бешиқда ётган ўғли Яҳёга термилди. Унинг ризқини бошқа бола

билан бўлишадими? Иккилангандек бўлди. Шахзода бўлса ҳам, саройларда туғилса ҳам Аллоҳ насибасини кийса, ҳеч ким чора бўлолмас экан дея хаёлидан ўтказди. Бир гўдакнинг чорасиз қолишига юраги чидай олмади. Ўз фарзанди, Яхёсини шахзоданинг ўрнига қўйиб кўрди. Жигарпораси шундай аҳволга тушса, у ҳам эшикма-эшик кезган бўларди. Чорани кимда топса, қўлларига ёпишарди.

Нигоҳини Яхёдан узиб, эрига қаради.

– Майли, холам. Балки Аллоҳ унинг насибасини олиб, бизнинг кўксимизга жо қилгандир. Агар шундай бўлса, бир томчи сут ҳам бизга омонат. Омонатни ўз эгасига топшириш керак, тўғрими?

Шундай деб жилмайиб қўйди. Умар афандининг кўзига эса ёш келди, рафиқасининг сўзлари юрагини ўртаб юборганди. Шундай аёлни насиб этгани учун Аллоҳга ҳамду санолар айтди.

У ҳам рафиқасига қараб жилмайди. Дарҳол ўтирган жойидан турди:

– Унда тезроқ шахзода Салимнинг саройига борайлик ва омонат бизда бўлса, эгасига топширайлик! – деди.

Биргалашиб уйларида чиқишди. Қози Умар афанди тинимсиз шукроналик келтираётган эди:

– Аллоҳим, Сенга шукрлар бўлсин! Бир нарса ишташ учун эмас, исталганни бериш учун йўлимни салтанат томон туширдинг!..



Афифа хоним саройнинг ҳарам қисмига қадам босди. Эри уни ичкарига киритди-ю, ўзи ташқарида қолди. Афифа хоним ҳам сабабини сўраб ўтирмади. Зеро, Умар афанди сарой эшигида кутиб, бирор манфаат

умид қиладиганларни хуш кўрмайди, мажбур бўлмаса, саройнинг ҳатто остонасига ҳам яқинлашмайди. Шаҳзода Салимни яхши кўради, хурмат қилади, ниҳоятда кадрлайди, бироқ бу манфаат учун эмас. Манфаат учун кадрлаш зиллат эканини жуда яхши билади.

Умрида биринчи бор шаҳзоданинг саройига кирди Афифа хоним. Кўрганларидан ҳайратга тушмади, ҳатто ҳавас ҳам қилмади. Бу ердан кўра ўз хонадони чиройлироқ туюлди.

Уни бир хонага олиб киришди, кучоғида Яхё билан кута бошлади. Кўп ўтмай аввал хизматкор аёллар, кейин шаҳзода Салимнинг онаси Гулбаҳор хотун ва кўлида шаҳзода Сулаймон билан Ойша Ҳафса хотун ичкарига киришди. Афифа хоним ўтирган жойидан одоб билан кўзгалди. Гулбаҳор хотун ва Ойша Ҳафса хотунга бошини қуйи солиб салом берди. Сўнг бошини ердан кўтарди. Иккисининг ҳам юзи сўлгин, кўзларида қайғу.

– Хуш келибсан! – деди Гулбаҳор хотун кекса юзига чўккан хузунни аритган табассум билан.

– Хушвақт бўлинг, хонимойим! – жавоб қайтарди Афифа хоним тавозе билан.

– Шаҳзодамиз неча кунлардан бери яхши эммаяпти. Кимни олиб келмайлик, қор қилмади, ҳеч бирининг бир қултум сутини эммади. Иншааллоҳ, чораси сендадир, – деди ва боши билан енгил ишора қилди.

Ойша Ҳафса хотун бу ишорани кутаётгандай дархол ўрnidан турди ва бағрида шаҳзода билан Афифа хонимнинг ёнига келди.

Икки она юзма-юз келди. Иккиси ҳам оғиз очмади, лекин иккиси ҳам тушуниб, билиб турибди, миқ этмаётган бўлса-да, кўп нарсаларни сўзлаётгандек.

Худди олдиндан келишиб олгандек кучокларидаги

гўдакларини бир-бирларига узатди. Шаҳзода Сулаймон Афифа хонимнинг, Яхё эса Ойша Ҳафса хотуннинг бағрида.

Афифа хоним жажжи шаҳзодани бағрига босиб, курсига ўтирди. Атрофдагиларнинг бари дуо қиляпти. Афифа хоним ҳам ёрдам беролмаса, кичик шаҳзода нобуд бўлишидан қўркишяпти. Хавотир билан қараб туришибди.

Афифа хоним кичик шаҳзоданинг кўзларига қаради. Жуда чиройли, бегубор эди чақалоқнинг кўзлари. Шаҳзодага қараб юрак-бағри эзилди. Кўллари билан бошини силади.

«Бисмиллоҳ» деди ва термилиб қолди. Шаҳзода ҳам унга тикилди, кейин эса эма бошлади. Гўё ўз онасини эмаётгандек, худди аввалдан уни танийдигандек бамайлихотир эма бошлади.

Хонадаги аёлларнинг кўзлари чакнаб кетди, бари шукрона келтиришга тушди. Бироқ нима бўлди-ю, бу гал Яхё йиғлай бошлади. Чиркиллаб, томоғи йиртилгудек бўлиб йиғлади. Овутишлар қор қилмади. Ойша Ҳафса хотун ўпди, хиллади, дуолар қилди, кошки йиғидан тўхтаса. Йиғлайверганидан юзи қип-қизариб кетди. Овутолмагач, онасига беришга мажбур бўлишди. Яхё ўша захоти жимиб қолди, кўз ёшлари тинди. Афифа хоним икки болани ҳам маҳкам қучиб олди. Болалар қондош бўлмаса-да, энди эмиқдош бўлди.

Биров пайқамади, лекин Афифа хоним қучогидаги икки гўдакка термилганча дуо қилаётган эди:

– Аллоҳим! Бири мулкка султон бўлса, иккинчиси кўнгиларга султон бўлсин. Қучоғимда икки шер, икковини ҳам Ўзинг асра!

Аллоҳим! Сен ҳар нарсага қодирсан! Сен истасанг, келмайдиган ҳам келади, кўрмайдиган ҳам кўради, ўлмайди дейилганлар ўлади ва бўлмайдиган дейилганлар амалга

ошади.

Афифа усмоний шахзодалардан бирини эмизади, унга она бўлади деса, ким ишонарди?..

Аллоҳнинг ишини кўрки, бир қучоғимда ўз болам, иккинчисида давлати олий усмонийнинг нуридийдаси, шахзодаси. Иккиси ҳам қучоғимда, иккови ҳам беғубор, беғунох, беайб.

Менга бу сир анча олдин хабар қилинган эди, лекин гафлатда қолдим, билолмадим. Яхёга ҳомиладорлигимда бу қутлуғ йўлда юрганимни тушларимда кўргандим. Лекин ёлғиз эмасдим, икки ўғил бола икки қўлимдан ушлаб олганди. Бири «Мен дунёман», иккинчиси «Мен уқбومان*» деганди. Қайга борсам ҳам, улар қўлимни қўйиб юбормади. Иккови ҳам мени «Она» деб чақирди. Эгизакларга ҳомиладор бўлсам керак деб ўйладим, тушларимни шундай таъбир қилдим. Бироқ энди тушларимнинг маъносини тушуниб турибман. Икки қўлимдан тутган икки бола кимлигини энди биламан.

Мен – Афифа хоним. Трабзон қозиси Умар афандининг завжаси Афифа, Яхёнинг онаси Афифа.

Аллоҳ менга шундай фарзанд бердики, гўё хонадонимизда қуёш балқди деб ўйладим. Фарзандимга ини ҳам берди. Қони бир бўлмаса-да, ота-онаси бўлак бўлса-да, қардош, жигар берди.

Бири – Яхё, иккинчиси – Сулаймон.

* Уқбо – охират, нариги дунё

ТРАБЗОН, 1502 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Айро бўлганлар бирлашолмас.

Ўша кундан кейин икки боланинг йўллари ҳеч қачон айрилмади. Бир-бирини оға-инидек кўришди. Тиллари чиқиб, гапира оладиган бўлганида иккиси ҳам бир аёлни «она» деди. Афифа хоним икковини ҳам ўз фарзандидек бағрига босади, аксар вақтини ўз хонадонида эмас, саройда ўтказади. Сарой аҳли унинг ҳурматини жойига қўяди. Зеро, Афифа хоним кўпчилик омад қуши деб атаган бу вазиятни ақалли бир бор суиистеъмол қилмади. Ҳатто бир дона тарик тама қилмайди, шаҳзоданинг саройида шарбат ҳам ичмайди. Талаби ва истаги фақат Аллоҳдан, ҳар нени Ундан умид қилади.

Афифа хоним ҳар икки бола учун нафақат сутини, жонини ҳам беришга тайёр. Бирини иккинчисидан ортик кўрмайди, унисини бунисидан кизганмайди. Икковини ҳам фарзанди деб билади. Бир ўғил туққан, лекин икки ўғилга оналик қиляпти.

Болалар бурро-бурро гапира бошлади. Шахзода Сулаймон Яхёни «ака» деб чақиряпти. Ҳеч ким ўргатгани йўқ, тили шундай чиқди. Сарой ховлисида бирга ўйнашади, хоналарда бирга чопқиллашади. Бир пайтда гапириб, бир пайтда йиғлашади.

Шахзода Салим ўғлидан кўз узмайди. Боласини эмизган аёлнинг кимлигини, оиласи, насл-насабини биринчи кундан оқ билган. Бу покиза сулоладан ўзи ва ўғлига зарар келмаслигига ишончи комил. У ҳам Яхёни ўз фарзандидан кам кўрмайди. Шахзода Сулаймонга нима олинса, нима берса, Яхёга ҳам ўша нарса олинади ва берилади. Шахзода Сулаймон қанча эркалатилса, Яхё ҳам шунча эркалатилади. Сулаймонга нима ўргатилса, ўша нарса Яхёга ҳам ўргатилади. Шахзода Салим синаш учун бир неча бор Умар афандининг хонадонига совға-саломлар жўнатди, бироқ Умар афанди биттасига ҳам қўлини теккизмасдан қайтариб юборди. Шахзодани эмизгани учун на Афифа хонимнинг ўзи, на эри бирор нарса тама қилди, на нимадир сўради.

Шахзода Салим буларнинг барини яхши билади. Ташқаридан қаттиққўл кўринса-да, аслида унинг учун ёлғизлик маъқул. Қози Умар афандини хурмат қилади, ҳатто унга хаваси келади, лекин буни тилига чиқармайди.

Болалар бироз улғайиб, ўқийдиган ёшга етганида, қози Умар афандига чопар юбориб, рухсат олди. Яхё ҳам саройда Сулаймон билан бирга таълим олишини, унга биродар бўлишини хохлади.

Бу масалани Умар афанди кунлаб ўйлади, тунлари кўзига уйқу келмади. Хотини шахзодага она бўлди, уни эмизди, лекин буни Аллоҳ розилиги учун қилишди, эвазига бирор нима кутишгани йўқ. Шунинг учун ҳам шахзода Салимнинг илтимоси Умар афандининг ичини хижил

қилди. Аммо шахзодага йўқ деб ҳам бўлмайди. Кечалари ўйлашиб чиқди. Ўйлади, мулоҳаза юритди. Ниҳоят бу илтимосни хайрга йўйиб, розилик билдирди.

Тақдир бу икки болани бир-биридан айирмаётган эди. Шахзода Салим Яхёнинг кўзида ўзгача бир нур илғанди, шунинг учун уни ўғлидан узоқлаштиришни истамади. Афифа хоним икки болага бир хилда оналик қилганидек, шахзода Салим ҳам ўғлига нимани раво кўрса, Яхёга ҳам шуни илинди.

Болалар етти ёшгача саройдаги мураббийдан сабоқ олди. Баъзан Куръон ўқидилар, гоҳида камон отдилар, баъзан ҳадис тингладилар. Етти ёшга тўлишганида шахзода Салим Кастамону яқинидаги Дадай шахарчасида истиқомат қиладиган, ҳам кўнгил, ҳам ақл тарбиясини биладиган Авҳад ўғли Хайриддин исми олимни олиб келди. Икковлон бир устознинг қаршисида тиз чўқди.

Хайриддин афанди болаларга диний ва дунёвий илмларни ёшларига мослаштириб бера бошлади. Қаерда бўлишмасин, қирдами, саройдами, уларга нимадир ўргатишга ҳаракат қилади.

Бир куни икковини ҳам ёнига чақирди. Худди кичик болалар билан эмас, норғул йигитлар билан гаплашаётгандек сўз бошлади:

– Болалар, дунё яшаш учун эмас, кексайиш учун берилган. Бу йўлдаги сафарингиз эндигина бошланди. Сўзларимни яхшилаб уқиб олинглар, ўлгунингизча унутманглар. Мендан ҳеч нарса ўрганмаган бўлсангиз ҳам, ақалли шу гапларим қулогингизда бўлсин.

Иккови ҳам сукут либосини кийиб, одоб билан, жимгина ўтирибди. Хайриддин афанди уларнинг сирини англаб етган. Иккисининг ҳам кўзларида нур бор. Бироқ

Сулаймоннинг чакноқ кўзлари бу оламга, Яхёнинг маҳзун нигоҳи бошқа дунёга боқади.

– Сулаймон!

Шаҳзода дархол кўл ковуштирди, бошини хиёл кўтарди.

– Сен бу дунёга султон фарзанди ўлароқ келдинг. Султонлик сенга аждодингдан, бобонгдан мерос. Юртмаюрт, шаҳарма-шаҳар кезасан, мамлакатларни фатҳ этасан. Йўлинг машаққатлидир, Сулаймон, машаққатли. Аллоҳ бу кутлуғ вазифани сизнинг насабингизга берган.

Тин олди. Аллақанча вақт жим ўтирди, сукунатга кулок тутаётганга ўхшади. Сўнг Яхёга ўгирилди:

– Яхё!

Бола устозининг кўзларига қараёлмаётган эди. Уяляптими? Хижолат бўляптими? Балки бунинг номи одобдир?..

– Сен султонлар наслидан эмассан, лекин саройдасан. Бунинг бир сири бор ҳойнаҳой. Сен кўнгиларни ўзингга мойил қилиб, ишқ ила қалбларни забт этасан. Сенинг йўлинг янада машаққатли, ниҳоятда қийин.

Сўнг икковининг ҳам кўзларига тикилди. Бир нарсаларни биладигандек, содир бўлишидан аввал сезаётгандек, тили билан эмас, кўнгли билан сўзлаётгандек гапирди:

– Фарзанди аржумандлар, ўлкаларни эгаллаб олиш фатҳ қилиш дегани эмас. Бир диёрда якка ўзи шоҳлик қилиш – қуликдан баттар. Кўнгилар фатҳ этилмагунича ҳудуд фатҳ этилган деб ҳисобланмайди. Сизлар бир-бирингизни тўлдирасизлар. Шунини яхши билингларки, икки ёрти бир бутун бўлув. Айролик бўлса, бутунлик ҳосил бўлмас.

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

ХАЛИЛ

Ўлмаган ўликлар бор экан...

Аввалгилар Истанбул бўғозининг тўрт руҳоний мухофизлари борлигига ишонган экан. Улар бўлмаса бошимизга ёхуд юртга бало ва мусибатлар келади деб ўйлашар, шу боис нуқсонга йўл қўйишдан эҳтиёт бўлишар, бўғоздан ўтаётиб дуолар ўқишаркан. Ўликларга эҳтиром кўрсатиш қандай яхши экан...

Бу тўрт мухофиздан бири – Сарьерда*, Румелиқовоғига** бормасдан, шундоқ денгиз бўйидаги Телли ота. Уни ошиқ Абдуллоҳ ҳам дейишади. Аллохнинг дўсти, гариб одам. Аслида унинг айнан ким бўлганини биров билмайди. Одатда бу ерга турмушга чиқиш арафасидаги қизлар келар экан, ҳозир ҳам шундай.

Иккинчиси – Мармар денгизининг нариги ёқасида, Телли ота макбарасининг шундоқ рўпарасидаги хазрати Юшо.

* Сарьер – Истанбулдаги туман

** Румелиқовоғи – Сарьер туманида жойлашган мавзе

У ҳақидаги ривоятлар афсонага айланиб кетган. Чиндан ҳам яшаб ўтганми-йўқми, номаълум, бироқ одамлар ишонса, йўқ ҳам бор бўлади.

Учинчиси – Ускудардаги* Азиз Маҳмуд Худойӣ, нафс билан жангни дастуриламал деб ҳисоблаган ва подшоҳлар пойида тиз чўккан зот.

Тўртинчиси – Яхё афанди.

Булар ҳақида аввал ҳам эшитганман. Лекин бу ерга келгач, одам ўзини бошқача ҳис қилар экан. Сирли эшикдан ичкарига қадам ташлагандек, вақт эса алмашиб қолгандек бўларкан... Ўлим аслида ҳаммани ҳам ўлдиролмаганини тушунади киши, қабристонда ҳаётнинг маъносини теранроқ англайди. Ҳаётни ўлим билан англаш ғалати туюлар, бироқ ҳар бир нарса зидди билан мавжуд, шундай эмасми? Ўлим бор экан, ҳаётнинг маъноси бор. Ўлимни англаб етмаган киши учун ҳаёт азоб-уқубатдан бошқа нарса эмас.

Бу ерга биринчи келган куним ҳеч нима қилмадим. Шунчаки атрофни айландим. Тарих деган сирни ўрганган кунимдан бери бирор ерга шунчаки «жой» ўлароқ қарамаганман. Замин ҳар доим бир хил, лекин инсон у ерга қандай маъно берса, шунчалик қийматли бўлади. Яъни, аслига қаралса, олтин ҳам тош, шағал ҳам. Лекин ҳеч ким олтинни тош деб ерда қолдирмайди. Яна шунини биламанки, боқиш ва кўриш бир эмас. Шунинг учун ҳам бу ерга шунчаки қабристон деб қарамайман, балки бу дунёдаги бенуксон тенглик ва адолат ҳукмрон ягона жой деб ҳисоблайман. Ҳамма бир тупроқ остида ётибди, ёшининг ҳам, амалининг ҳам, давлатининг ҳам аҳамияти йўқ: бобо билан набира, пошшо билан ҳаммол, бой билан қашшоқ ёнма-ён кўмилган. Балки сизга ғалати

* Ускудар – Истанбулдаги туман

туюлар, лекин мен қабристонларни яхши кўраман. Тўғри, биров чўчитади мени, хатто баъзан кўрқитади ҳам, бироқ келажакни билмоқчи бўлган одам истиқболини кўриши мумкин бўлган ягона жой қабристондир. Ҳар бир қабртошга қараганимда, шубҳасиз, ўз келажакимни кўраман.

Ўша куни фақатгина шуларни кўрмоқчи бўлдим, шуларни тушуниб етишни хоҳладим. Бу ерни ҳис қилишни, бу ерга берилган маънонинг сирини топишни истадим. Қабртошларнинг хароб аҳволи юрагимни ўртагани учунми, мазористондаги ўзгача хаво боисми, биров билан гаплашгим келмади. Шундоқ ҳам одамлар билан гаплашишни, бирга вақт ўтказишни унчалик хуш кўрмайман.

Эски бир китобда «Истанбулда айланадиган, томоша қилинадиган ва чиройли дейиладиган даражада қанча макон бўлса, ҳаммаси, шубҳасиз, қабристон» деб ёзилган эди. Жуда тўғри гап. Мен айтаётганлар охириги пайтларда қурилган қабристонлар эмас, анча аввалгилар, шаҳарнинг энг чиройли жойларидаги қабристонлардир. Денгиз бўйида, дарахтзорларда, жаннатдек гўшаларда... Қабристонлар ҳаётдан ажралиб қолмаган. Аввалгилар қабристонларни кўз тушмайдиган, чекка жойларда қурмаган, улар ўликларни ҳам шаҳар бағрига қўйган. Балки мазорларни кўриб, ўлимни эсламоқчи бўлишгандир?.. Билмайман, лекин ҳар бир ишнинг бир сири бор менимча. Қабристонларга сарв кўчатларини ўтказишган, алифдай кўриниши тавҳидни, яъни Аллоҳнинг бирлигига ишорат қилсин дейишган. Бу дарахтларга қўнган қумрилар «Ху» дегандек овоз чиқариб сайраганда, Аллоҳни зикр қиляпти деб ўйлашган. Яхши инсонлар чиройли ўлимлар билан гўзал жойларга кетишибди, ҳеч бўлмаса, шундай тасаввур

қилишимизни хоҳлашибди. Тўғри, қабрдагилар ўлик, лекин қабристонлар ўлик эмас. Қабристонларда ҳаёт, ўликлардан тирикларга насихат бор.

Бутун кунимни қабртошлар орасида ўтказдим. Уларни бир-бир санаб чиқдим. Ерга чўчибгина оёқ босдим. Оёқларим бирор қабрга тегмасин дедим. Кўрқдим, уялдим.

Буни биласизми, йўқми, лекин қабртошлар ҳам сўзлайди. Уларнинг ҳам тили бор. Ҳар бирининг маъноси бор. Ҳозиргидек ҳеч нарса шунчаки эмас. Бу тошлар бир-бирига ўхшаса-да, аслида бир хил эмас. Улар тупроқ остида ётган кишиларнинг умр йўли ҳақида сўзлайди. Устига ёзилган исми ўқимай турибоқ бу ерга аёл кўмилганми, эркакми, билиш мумкин. Эркакларнинг қабртошида салла, феска*, кулоҳ ёки каллапўш бор, аёлларнинг қабртошида эса рўмол, ёпинчиқ, гулни, кўпинча атиргулни кўриш мумкин. Шундоқ бўйнидан синган атиргул айрим қабрларнинг оёқ томонидаги тошда акс этган. Синиқ атиргул турмушга чиқмай вафот этган қизлар учун. Ҳали муродига етмасдан, гул бўлиб очилмасдан, бир гўдакни кучоғига олмай ўтди деган маънони билдиради.

Ўликнинг кимлиги, қаерданлиги, нима иш қилгани ваҳатто неча ёшдалигини ҳам қабртошдаги ёзувни ўқимасдан билса бўлади. Менимча, қабристондаги энг маҳзун, энг гариб, энг сассиз қабрлар исмсиз қабрлардир. Ҳеч қандай исм ёзилмаган, кимга тегишлилиги номаълум. Улар ё жаллодларники, ёки ҳеч кими бўлмаган бечораларники.

Одам ўлимга ҳам хайрон бўладими, қабртошларга ҳам хайрат билан қарайдими?.. Қабристонни кезиб чиқар эканман, шуни ўйладим. Ҳатто ўзимни ўликларнинг ўрнига

* Усмонийлар даврида кийилган қизил рангли бош кийим

қўйиб кўрдим. Баъзи қабртошларда ўз тенгдошларимни кўрдим, айримларида мендан ҳам оз яшаганларни, мен билан адаш бўлганларни, мендек ота-онаси, ҳеч кими йўқ етимларни. Ўзимни кўргандек бўлдим. Менинг ҳам охири шундай бўлади, вақти-соати билан ҳамма шу ерга келади, қочишнинг иложи йўқ! Балки ер остида дунё йўқдир, лекин у ерда ҳам одамлар бор.

Ўша куни Яхё афанди хонақоҳининг қабристонидан шуларни мулоҳаза қилдим ва бу ўликлар ҳозир қаерда дея ўйладим. Балки улар мен каби ўлимни хаёлларига келтирмасдан яшашгандир, ҳозир жисмлари тупроқ остида, лекин ўзлари қаерда? Уларнинг фақат жисмлари ўлган, руҳлари, яъни аслиятлари ҳозир қай жойда? Бу ерда ишлаётганларнинг бепарволиги уларга озор берганмикин? Бир чеккага устма-уст йиғилган қабртошларнинг эгалари уларнинг ишидан газабландимикин? Ёхуд шунча техниканинг овози, шовқинидан безовта бўлишяптими? Менинг бу ердалигимдан хабарлари борми?..

Баногоҳ хаёлимга бир шеър келди:

*Кўз одам зотидан толди, оғритдилар бу бошимни,
Истамасман дуосин, бас, олмасин қабртошимни!**

Лекин ўғирлашибди, ҳа, қабртошини ҳам ўғирлашибди. «Қизиқ, – дея ўйлагандим бу шеърни биринчи марта ўқиганимда, – қабртошининг ўғирланишидан шоирнинг руҳи озор чекканмикин?» Менимча, ҳа, озор чеккан. Бу ерда ётганларнинг руҳлари ҳам юз берганлардан ранжигани аниқ.

Ўзимни ўликларнинг ўрнига қўйиб кўрмоқчи бўлдим. Эплолмадим. Ҳаёт деган тилсим одамни кўр қилади. Кўрмоқчи бўлганидан ва кўрсатмоқчи бўлганидан ортигини

* Шоир Ашраф (1847-1912) қаламига мансуб мисра

кўрмайди киши. Ҳаётга бунчалик ўргангандан кейин ўлим йўқ деб ўйлайди ёки уни унутади.

Шуларни ўйлаганча қабрларга бирма-бир қардим, ерда ағанаб ётган тошларни жойидан олиб қўйдим, эгилганларни тўғрилаб қўйишга ҳаракат қилдим. Ўзимча улардан узр сўрамоқчи бўлдим, афв тиладим.

Пайқамаган эканман, ишлаётганларнинг бари бу ҳаракатларимни хавотир билан кузатаётган экан. Балки мени ғалати деб ўйлашгандир, қилган ишларимдан ҳеч нарсани тушунишмагандир. Ҳаммасининг кўзи менга қадалган. Бу ердалигимдан безовта бўлишаётгани аён. Ҳолбуки, мен уларга эътибор бермадим, шунчаки бу маконнинг сирига ғарқ бўлганча, хаёл суриб кездим. Хафа эдим, жуда ҳам...

Тўрт-беш соат чамаси қабристонда айланиб юрдим. Қилиш керак бўлган ишлар, нималарга эътибор бериш кераклиги, хатолар ҳақида ўйладим. Ўзимча режа туздим. Эртага эрталаб келиб, қабрларнинг ҳаммасини рўйхатга оламан. Исмлари, ёшлари, касблари ва яна нимани билолсам, ҳаммасини...

Қош қораймасдан бир-икки соат аввалишлаётганларнинг ёнига бориб, эртага яна келишимни айтиб кетдим. Мустафо бей мени эшиккача кузатиб қўймоқчи эди, унамадим. Қабрлар орасидаги тор йўлакдан юриб масжид олдига келганимда азон чақирила бошлади. Кетавермоқчи эдим, аслида, бироқ намозга келаётганлар йўлимни тўсиб қўйди. Улар унчалик кўп эмасди, лекин барибир ўзимни ғалати ҳис қилдим. Ахир одамлар масжидга қараб келяпти, мен эса аксинча масжиддан чиқиб кетяпман. Алланечук бўлиб кетдим, ўзимни айбдор ҳис этдим. Хато қияпман деб ўйладим. Аммо тўхтамадим, бошимни қуйи солиб юравердим.

Бир-икки одим кўйгандим, бир мўйсафид билан юзма-юз келдик. Кўзларимиз тўқнашди. На мен бирор нима дедим, на у сўз котди. Пича вақт шунчаки термилишиб турдик.

Соқоллари узун, оппоқ. Эгнида узун чопон, бошида така, менга қараб турибди. Унга урилиб кетишимга бир баҳя қолганида тўхтагандим. Бироз хижолат чеккандай бўлдим. Нима қилишни билмаганимдан ўнг қўлимнинг кўрсаткич бармоғи билан кўзойнагимни тўғрилаб кўйдим. Эътиборлироқ қарадим, у ҳам менга қараяпти. Жилмайди.

– Ассалому алайкум, – деди.

– Ваалайкум ассалом, амаки.

– Сени чақиришяпти, ўғлим. Эшитмадингми?

Оркамга бурилиб қарадим, лекин биров кўринмади. Ҳеч қандай овоз ҳам эшитилмади.

– Ким чақирипти, амаки? Мен ҳеч кимнинг овозини эшитмадим, – дедим кўзларимни қисиб.

– Азон овозини эшитмадингми, болам? Ҳаммамизни чақиришяпти. Биз чақирилган жойга бораётганимизда, сен терс қараб кетяпсан.

Шундай дея тишлари кўринадиган даражада табассум қилди. Энди жавоб қайтармоқчи эдим, қўлтигимдан тутди. Маҳкам ушлаб олди.

– Кела қол, ўғлим. Чақирилган жойга бормаслик одобсизлик бўлади.

Ҳеч нарса деёлмадим. Одатда бирор киши шундай деса, жеркиб ташлайман, лекин негадир бу одамга ҳеч нарса деёлмадим. Гапиролмадим. Бироз уялардим ҳам. У билан бирга юра бошладим. Хижолат тортган, бироқ мажбур одамдек...

Бугунгача ҳечам буни ўйлаб кўрмаган эканман. Тўғри, чақирилган жойга бормаслик одобсизлик бўлади, азон

янграши билан биз масжидга чақириламиз. Одобга зид иш қилдим. Мўйсафиднинг гаплари тўғри. Эшиқдан кираётганимда яна ўша ёзувга дуч келдим. Лекин бу сафар «Адабли бўл!» деган ёзув нега айнан эшиқнинг тепасига илинганини тушуниб етдим.

Тахорат олиб, дарров изимга қайтдим. Мўйсафид ҳали ҳам мени эшиқ олдида кутаётган экан. Яна қўлтигимга кирди. Сабабини билмайман, бироқ мени кутгани ва қўлтигимдан тутгани ёқиб тушди. Ўзимни бобосининг қўлидан ушлаганча масжидга бораётган жажжи боладек ҳис қилдим.

Мен мутлақо танимайдиган киши билан бирга масжидга кирдим.



Яхё афандини илк бор ўшанда кўрдим. Мақбарасини демоқчиман. Ёғочдан қурилган масжиднинг қибла томонининг рўпарасида, орқа томонида темир панжаралар билан ўралган жойда ёнма-ён турган саркофалар кўзга ташланади. Энг каттаси Яхё афандиники... Худди масжиднинг ичида тургандек, худди жамоат билан бирга намозда саф тутаётгандек. Ўлим билан ҳаёт, ўлик билан тирик ёнма-ён эмас-у, бир хилдек.

Бунақасини аввал ҳеч кўрмаганман, ўлим ҳаётга бунчалик яқинлашганига ҳеч ерда гувоҳ бўлмаганман. Ўртада панжара бўлмаса, одамлар балки бу саркофалар орасида ҳам намоз ўқийди. Ўлик ва тириклар ёнма-ён саф тутади... Бу масжиднинг ташқарисида ҳам, атрофида ҳам ва ҳатто ичида ҳам қабрлар бор. Ажиб, ажиб... Одамни бошқача ўй-хаёлларга бошлайди бу ҳолат.

Масжиддан шу ўй-хаёллар билан чиқдим. Ғалати бўлиб қолдим. Бироқ чўчидим ҳам. Сабабини билмайман, лекин илк бор ўзимни ўлимга бунчалик яқин ҳис қилдим.

Шунчаки эски масжид деб ўйлагандим, янглишган эканман. Бу ер бутунлай бошқача. Агар қўркмасам, ўликлар яшайдиган жой дейман.

Эшик олдида мен билан бирга ичкарига кирган мўйсафидни кутиб турдим. Лекин чиқмади. Ўйланиб ўтирмай, аста-секин йўлга тушдим. Тўғри, хаёлларим чигал, аммо ичим сабаби номаълум хузурга тўлди.

Машинамга минганимда ўзимни ғалати ҳис қилдим. Худди бошқа юртдан қайтгандекман, тушдан уйгонгандекман. Ўзимга ўзим гапирётганимни пайқаб қолдим. Машинани ўт олдирдим ва ўша тик йўлдан пастга қараб юра бошладим. Деярли ҳеч нарса эсимда йўқ. Ҳаммасини ўша эшик ортида қолдиргандим гўё.

Машинада кетиб борар эканман, яна ғалати бўлдим. Яхё афанди хонақоҳининг катта дарвозаси олдидан ўтаётиб, беихтиёр бошимни буриб ўша тарафга қарадим ва менга қараб, хатто тикилиб турган бир жуфт кўзни пайқадим. Ўша мўйсафид, қўлимдан тутиб мени масжидга олиб кирган одам эшик ортида менга қараётган эди. Кутилмаганда қўл-оёғим бўшашиб кетди. Қўркмадим десам ёлгон бўлади. Қўркдим, лекин тўхтамадим. Олдингга қараб, машинани ҳайдаб кетдим.



Ўша куни англадимки, умри тугаганнинг тупроқ остига кириши шубҳасиздир, бироқ айримлар ўлмайди. Шунга амин бўладимки, орамизда тирик мурдалар ҳам бор, ўлмаган ўликлар ҳам бор.

ТРАБЗОН, 1505 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Яхё кўнгил эди, Сулаймон – ақл.

Кундан кунга улгайишмоқда. Бир жойда ўсаётган, бир хил нарсаларни ўрганаётган, бир онани эмаётган бўлишса-да, бир хил эмаслар. Буни Хайридин афанди ҳам пайкади. Тасаввуф мавзуларини тушунтирганида, Яхёнинг кўзлари бошқача порлайди, ёнгандек бўлади. Устозини алоҳида иштиёқ билан тинглайди, буткул ўзгача мароқ билан термилади кўзлари.

Яхё кўпинча мулоҳазали ва камгап, Сулаймон шошқалок ва журъаткор. Яхё сукут бўлса, Сулаймон – сўз, Яхё ботин бўлса, Сулаймон – зоҳир, Яхё сир бўлса, Сулаймон – ошкор, Яхё кўнгил бўлса, Сулаймон – ақл. Яхё осонгина тушуниб олади, кўп тафаккур қилади, Хайридин афанди айтган оятларни деярли бир мартадаёқ ёд олади, Сулаймон жанговар баҳодирдек, туғилганиданок биладигандек қўлидаги тахта қиличини ўйнатади. Бу икки бола гўё бир-бирини тўлдиради.

Яхё эмикдоши Сулаймондек яхши камонбоз эмас, тойчоғини у каби чоптиролмайти, ўзида ўзгача бир ҳолат борлигидан ҳали хабари йўқ.

Хайриддин афанди кўпинча икки талабасини қаршисига ўтқизиб олиб:

– Сулаймон, – дейди, – сен шахзодасан. Сен ҳам шахзодасан, Яхё. Бирингиз султоннинг, бирингиз шайхнинг ўғли...

Усманийлар хонадонининг яна бир анъанаси – шахзодалар ўқишни ўрганадиган ёшга келганида, уларга бирор хунар ўргатилади. Шахзода Салим ўзи ҳам заргарликда мохир бўлгани учунми, ота-онаси бошқа бу икки ака-укага Трабзоннинг энг машхур, маҳоратли заргарларидан бирини, Константин исмли рум устани устозликка танлади.

Энди болалар заргарлик санъатини ҳам ўрганишяпти, маъдандан қандай қилиб чиройли жавохир ясалишига гувоҳ бўлишяпти. Иккови ҳам мохир, бу ишга қўллари яхшигина келиб қолди. Иккисининг ҳам қўлида бир хил маъдан бўлса-да, хаёлларида бошқа-бошқа нарсалар бор. Сулаймон ўзига кумушдан узуклар ясашни, тақиб юришни хоҳлайди. Яхё эса вазмиң, унинг ёшидаги боладан кутилмайдиган сўзларни айтади.

Бир куни Константин уста дастгоҳда ҳар хил маъданларга қандай ишлов берилишини кўрсатаётган эди, Яхё ўй-хаёллар гирдобига гарқ бўлган. Дам қўлларига қарайди, дам дастгоҳ устидаги маъданларга.

– Ажиб! – деди ногоҳ.

Сулаймон ва Константин устанинг кўзлари унга қадалди.

– Нимаси ажиб, болам? – сўради уста.

– Мана шулар, – жавоб қайтарди Яхё қўлига олтин, кумуш, мис ва бошқа маъданларни олар экан. Сулаймон ва Константин уста унга индамай қараб туришарди.

– Ажиб. Булар ҳам одамларга ўхшаб ҳар хил. Биз қўлимизга олмасдан, ишлов бермасдан олдин ҳеч нарсага ярамайди. Оддий тошни эслатади. Бироқ оташда ёндириб, эритиб, сўнг қолипга қуйиб, шака берилса, ниҳоятда чиройли бўлади. Одам ҳам шундайми? Ёнса гўзаллашадими?

Сулаймон Яхёнинг нима демоқчилигини тушунмади. Балки Яхёнинг ўзи ҳам англамади оғзидан чиққан сўзларни, бироқ Константин уста хайратдан донг қотди, хатто қўлини ўтга тутиб кўрди. Кичкинагина бола унга сабоқ беряптими, ё ундан сабоқ оляптими, билолмади.

Вақт шундай ўтяпти, икки бола ҳам бир нималарга ҳозирланаяпти, аммо нимагалигини ҳозирча ўзлари ҳам билмайди.

Бир куни эрта тонгда икки бола кирда ўйнаётган эди. Сулаймоннинг қўлидан тахта қиличи тушмаяпти, балки отасидай бўлгиси келаётгандир. Яхё эса қаердадир эшитган дуони тинмай такрорлаяпти. Гоҳ у гулнинг ёнига боради, гоҳ бунисининг. Уларга тикилиб қоляпти.

Сулаймон Яхёнинг ёнига чопқилаб келди. Эгнида яшил-жигарранг чопон, кўзлари юдуздек чакнаган.

– Ога, шу гуллардан териб Афифа онамга олиб борамизми? Яхё хурсанд бўлди.

– Майли.

Гуллар оралаб юришди. Сулаймон кўзи тушган гулни узиб олаверди, Яхёнинг қўлида эса битта ҳам йўк. Турган жойида қотиб қолган. Йиғлагудек бўлди. Бир неча кадам наридаги шахзодага сўз қотди:

– Сулаймон! Сулаймон, эшитяпсанми?

– Нимани, ога?

– Қўлимни қайси гулга узатсам, мени узма дея ёлворяпти, эшитяпсанми?..

ХАЛИЛ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

Инсон унутганини эслайди. Мен эса унутганим йўқ...

Эртаси куни Яхё афанди хонақоҳига вақтлироқ келдим. Ёнимда фотоаппаратим бор, қабртошларни ўқиш билан бирга суратга олиб, архивга қўйишни мақсад қилганман. Шляпа ҳам олиб келдим, июль жазирамасида очик майдонда ишлаш қийин бўлади. Албатта, ўзим билан ёндафтарча ҳам оводдим, топган маълумотларимни қайд этиб бораман.

Ишчиларнинг ёнига келганимда чой ичишаётган экан. Масжиднинг орка томонида, хонақоҳ биносининг шундоқ олдида бўғоз кўприги кўриниб турадиган олди очик майдон бор. Кимдир тошга, кимдир челақни тескари ўгириб ўтириб олган, яна бири чордона курганча чойхўрлик қияпти. Истанбул бунчалар чиройли кўринадиган жойда кишининг ишлагиси келармиди. Бу ерда чой хўплаётиб шаҳарнинг ҳам юраги бор экан

дея ўйлаш мумкин. Мен ҳам уларнинг ёнига ўтирдим. Ишчилардан бири дарҳол бир стакан чой олиб келди. Чойга аввалдан шайдоман, хатто мубталоман десам бўлади, бироқ ҳеч қачон бундай чиройли манзаранинг қаршисида ўтириб чой ичмаганман. Қабрлар орасида бунчалик хуштаъм чой ичишим мумкинлиги хаёлимнинг бир чеккасига ҳам келмаган.

Чойимни қултумлаётиб ишчиларнинг юз-қўзларига разм солдим. Аксарияти йигирма ёшлардаги йигитлар, кўпчилиги Онадўлидан Истанбулга ишлагани келган ҳойнаҳой. Ҳатто айримлари биринчи марта келганга ўхшайди, рўпарадаги манзарани суратга термилгандай томоша қияпти.

Улар бир муддат Истанбулни томоша қилди, мен эса уларни кузатдим. Сўнг ишчиларнинг бари шу ерда йиғилган экан, фурсатдан фойдаланиб қолай дедим.

– Дўстлар!

Ҳаммаси бирданига менга қараб, гапиришимни кизиқиш билан кута бошлади.

– Дўстлар, ёзнинг жазирамасида бу оғир ишни бажариш қийин, биламан. Балки ота-онангиз, хотин, бола-чақангизни, туғилган жойингизни ташлаб, нон топиш учун бу ерларга келгансизлар. Тушунаман. Лекин сизлар ҳам тушунишингиз керак бўлган бир нарса бор. Бу ерда қилаётган ишингизни шунчаки иш деб ўйламанг. Бу ерни аввал ишлаган жойларингиздаги одатий, оддий бинолар ёхуд маконлар билан бир тутманг. Зеро, бу ер – қабристон. Қўйган қадамингизга эътибор беришингиз, бу ерда ётган кишиларга озор беришдан сақланишингиз зарур. Ана, қаранглар, шундоқ ёнгинамизда бир авлиёнинг қабри бор. Аслида бу вазифа сизларга топширилганидан севинишингиз керак, чунки ҳаммага ҳам nasib

бўлавермайди. Қолаверса, бу ердаги кишиларга, яъни ўликларга қилган яхшилигингиз сизга нафақат пул, балки савоб ҳам келтиради.

Гапирдим у ўзим ҳам хайрон қолдим, айтганларим ўзимга ҳам таъсир қилиб кетди.

Хамма мени диққат билан тинглади. Гапларимга парво қилмаганлар ҳам бўлгандир, лекин мени маъқуллаганлар ҳам борлиги шундоқ юз-кўзларидан билиниб турибди.

– Халил бей, сиздан бир нарсани сўрасам бўладими? – деди ишчилардан бири. Ҳойнаҳой энг ёш ишчи шу.

– Марҳамат, эшитаман!

– Авлиё дедингиз-ку, халиги... Яхё афанди... Ким ўзи у одам?

Бошимдаги шляпани бироз орқароққа итардим. Сўнг бир хўплам чой ичдим.

– Билишимча, – дедим-у, билишимга ишончим комил эмас, – султон Сулаймон Қонунийнинг эмиқдоши бўлган. Аллохнинг дўсти, кароматгўй зот бўлган дейишади. Шу ён-атрофдаги қабрларга қараб, унинг қанчалик хурматли киши бўлганини билиш мумкин. Одамлар унга яқин бўлиш учун шу ерга кўмилишни афзал кўришган, вақт ўтиши билан бу ер қабристонга айланган экан.

Сўзимни тугатгач, кўп нарса билмаслигимни пайқадим.

– Биз томонларда ётир* дейишади, шунақа нарсами? – деди йигитча бегубор нигоҳини менга қадаб.

Жилмайиб тасдиқладим:

– Ҳа, ётир десак ҳам бўлади.

– Хўш, сен... – деганди, шу заҳоти ёнидаги ишчи уни туртди. Йигитча хатосини сезгандек сўзини тузатиб гапирди: – Сиз... Сиз бу ерда нима қиласиз?

* Гайритабиий ҳислатга эга ва хоҳласа, одамларга ёрдам беришига ишониладиган авлиё кўмилаган қабр ёки шундай қабр жойлашган жой.

Бу гаал ҳамма унга тикилди. Огизларини очишмади, бироқ нигоҳлари йигитчани айблаётгандек, у ҳам ўзини айбдор ҳис қилаётгандек эди.

– Менинг ишим тириклар билан эмас, ўликлар билан боғлиқ. Бу қабристондаги қабрлар нечта, ўлганлар кимлар, нима иш билан шуғулланишган, қачон ўлишган, шуларни бирма-бир ёзаман.

Бошқа ҳеч нарса сўрамади, уялди шекилли. Мен ҳам яна саволинг борми демадим. Улар билан яна беш дақиқача ўтирдим. Кейин ҳаммамиз бирга қўзғалдик. Улар ўз ишига кетди, мен эса ўз ишимга.

Аввало қабристоннинг энг чеккасидан бошлаб қабрларни рўйхатга олишим керак эди. Ўша томонга қараб, қабрларнинг орасидан ўтиб бордим. Хаёлимда боя гапирган гапларимни ўйлаяпман. Аввалдан тайёрланганим йўқ, ўша пайт шундай гапиришим кераклигини ҳис қилдим. Шунча гапни қайси журъат билан гапирганимни ҳам билмайман. Айтганларим тўғрими ўзи? Яна бир савол мени тинч қўймапти: қизик, қилган бу ишларим учун менга савоб ёзилармикин?..



Ишни қабристоннинг энг қуйи қисмидан бошладим. Аввалига умумий фотосуратлар олдим. Эҳтимол, умри давомида мутлақо суратга тушмаган одамларнинг қабртошларини суратга туширдим.

Сўнг энг пастдаги қабртош турган жойга қараб юрдим. Куёш дарахт шохлари орасидан эркаланиб қараб, олдимда турган қабртошнинг шундоқ устига тушяпти. Қабрга яқинлашиб, чўккаладим. Бу ерда ётган кишининг рухига бағишлаб дуои фотиҳа қилдим. Қабртошни силадим. Ушлаб кўрдим, ҳис қилгим келди. Қабрнинг устида ёввойи ўтлар ўсиб ётган экан, юлиб ташладим. Ўша жойда, улкан

дарахтнинг ёнига, ўтларнинг устига чўқдим ва қабртошда ёзилганларни қайд қила бошладим.

«Хувал боқий» деб ёзилган экан қабртошда. Қабртошларнинг кўпида шундай ёзилган. «У – боқий, абадий, барҳаёт» деган маънони билдиради. «У» – Аллох дегани. У боқий, инсон эса фоний.

1135 йилда туғилиб, 1181 йилда бу дунёдан рихлат қилган экан. Яъни милодий 1723 йилда туғилиб, 1769 йилда, 46 ёшида вафот этган. Аллох гуноҳларини кечирсин, исми Умар экан. Умар Ҳасан ўғли... Қабртошида қаламнинг сурати бор. Уламолардан, балки мударрис бўлгандир. Ким бўлса ҳам, энди бу ерда ётибди. Яъни ўлик...

Нимани кўрган, нимани тушунган бўлсам, ёндафтаримга ёзиб қўйдим. Сўнг Умар афандининг қўшнисига ўтдим. У ҳам ёш ўтиб кетган экан. Дунёдан истаганларини олганми-йўқми, билмадим, бироқ йигирма ёшларида умри охирига етган экан. Бу дунёда шу қабртошидан бошқа нарсаси қолмабди.

Бир неча соатда қабртошлардан ўн-ўн бештасини рўйхатга олдим. Лекин ҳаммасининг бошида дуо ўқидим. Балки узоқ пайдан бери уларни йўқлаб биров келмагандир, биров орқаларидан дуо қилмагандир деб ўйладим. Ёзнинг жазирамасига эътибор бермай қабртошларни бирма-бир ушлаб кўрдим. Сўнг ўзимни бир дарахтнинг соясига отдим. Кўзларимни юмдим. Шунчаки қулоқ тутдим. Истанбулда шундай сокин жой борлигига шукр қилдим. Енгил шабада ўйнаётган япроқларнинг шитирлаши, шохларга қўнган қушларнинг сайраши... Қабрда ётганлар бу овозларни неча асрдан бери тинглаяпти, балки улар шу билан ором олаётгандир...

Аввалгилар ўликларни нима учун «индамас» деб атаганини тушунгандай бўлдим. Ўлмоқ жим бўлмоқ дегани, сўзламоқ

эса яшамоқдир. Аммо сўзламоқ ҳар доим ҳам маъноли бўлавермайди, айрим пайтларда сукут сақлаётган киши сўзлаётган кишидан кўра кўпроқ нарсани тушунтиради. Ҳозир шунинг гувоҳи бўлиб турибман. Ўликлар, яъни индамаслар менга бирор тирик жон айта олмайдиган нарсаларни сўзлаяпти. Ҳаммасини хаёлимдан ўтказдим. Бир-бирини балки ҳеч қачон кўрмаган, умуман танимаган юзлаб одам бу ерда ёнма-ён ётибди. Мен ҳам уларнинг орасидаман, лекин улардан бошқачаман. Ҳали ажални тотмаганман, яъни тирикман...

Қабристонга келган одамнинг хаёлида фақат ўлим бўлади. Балки шунинг учун ҳам тириклар қабристонларга бориши керакдир? У ерда ётганларни таниса-танимаса, барибир бориши зарур. Мен шундай қиялман дейишим мумкин. Мен суяниб ўтирган шу дарахт мендан кўпроқ яшайди, мендан кўра кўпроқ қолади бу дунёда. Дарахт бўлганимда, тагида ошиқ-маъшуқлар учрашадиган жой эмас, қабрлар тизилган дарахт бўлишни маъқул кўрардим. Хаёт сирини англамоқ учун, дунё қанчалик маъносиз эканини, беқадрлигини ҳар куни такрор ва такрор англамоқ учун...

Тўғри, кўрқдим, ёлғони йўқ! Ҳатто қаттиқ кўрқдим, лекин ўша лаҳзаларда англадимки, одамзод ўлимдан кўрққани учун ўликлардан кўрқар экан. Бу дунёни тарк этишга, ҳамма нарсасини орқасида қолдириб кетишга кўрққани боис ўликлардан кўрқар эди. Хўш, ўлгандан кейин нима бўлади?.. Ўтирган жойимда бир қалқиб тушдим. Буни ўйлашни ўзиёқ кўрқитади. Шунча ўликнинг ичида ҳам ўлишимга ишонгим келмаяпти. Бу қандайин гафлат?!

Шуларни ўйлаб ўтирсам, сал нарироқда бир қабрнинг ёнида турган кишига қўзим тушди. Орқаси мен томонга ўтирилган. Аввалига қабр зиёратига келган ёки шу ерда ишласа керак деб ўйладим. Яхшилаб тикилиб, бу одам мен

кеча кўрган мўйсафидлигини пайқадим. Устида ўша чопони, бошида салла. Безовталандим, хатто кўрқдим десам ёлгон бўлмас. Зеро, кеча эшик ортидан кўзларимга қарагани ҳалиям эсимда, шунинг ўзи кўркишим учун етарли.

Мен томонга қараяпти. Ўзимни кўрмаганга олсаммикин деб ўйладим. Хатто нарироққа кетмоқчи ҳам бўлдим. Бироқ воз кечдим. Қабристонда бўлганим учун шунақа ваҳима қиялман шекилли деган хаёлга бордим. Худди ишлаётгандек бир қабртошнинг устига эгилдим. Нигоҳларимни у киши турган томондан олиб қочишга уринялман. Эпломадим. У эса менга қараяпти. Нима қияпти, билмайман. Лекин худди мен кўришим учунгина ўша ерда тургандек. Куёш нурлари фақат унинг боши узра сочилаётгандек атрофи ёруғ, шамол эса мени у томонга улоктиришга уринаётгандек.

Бўлмади, чидолмадим, сабабини билмадим-у, у томонга бир неча кадам ташладим. Тўрт томонимда вақт рангига бўялган қабртошлар... Қабристон ўртасида мен танимайдиган, хатто кўрқадиган кишининг ёнига қараб ўйламай-нетмай, сабабини билмаган ҳолда юриб борялман. Йўқ, юрмаялман, гўё қандайдир куч мени у томонга тортқилапти.

Ўртамизда иккита каттагина қабртош бор. Кўрқаялман. Қабристоннинг қоқ ўртасида ғалати киши ва биргина мен. Бу ҳолат яна бир бор юз берса, эҳтимол қочиб қоламан, лекин ҳозир бундай қилолмаялман. Қадамларимни тўхтатолаялман.

Яқинига боришимга бир неча кадам қолганида мен бирор нарса демай туриб ёхуд дейишга улгурмасдан жуссасини эмас, фақат бошини ён томонга ўгирди. Менга қарамади, лекин менга гапирди:

– Сени безовта қилмоқчи эмасдим, болам.

Ҳеч нарса дея олмадим. Гапирганидан ҳайрон қолдим шекилли. Турган жойимда донг қотдим. Одамзод кўрқув гирдобига фарқ бўлса, хаёлидан ўзини чўчитадиған нималар ўтмайди-я. Ҳозир худди шундай аҳволдаман. Мўйсафиднинг хатто гапиришидан ҳам ҳайрон бўляпман.

Бир муддат нима дейишни билмай туриб қолгач, ниҳоят тилга кирдим:

– Ундай деманг, амаки. Бу ердалигингизни билмагандим.

Бошини мен томонга бурди. Кўзларимга қараб жилмайди. Хотиржам тортганимни сездим. Юзи шунчалар чиройли кўриндики, ранги худди оппоқ, узун соқоли билан бир хил. Кўзлари чехрасига кўмилган икки дона инжудек порлаяпти.

– Мен ҳар доим шу ердаман, болам.

Бирдан ичим титраб кетди. Чўчидим. Ҳар доим шу ердаман дегани нимаси? Пешонамдан совуқ тер чиққанини ҳис қилдим. Нима қилишни билмаяпман. Жойимда туравердим. Олдинга қадам ташлай олмадим, лекин орқага ҳам кетолмадим. Михлангандек турардим. Бир оғиз гапиролмадим.

– Мен бу ерга ҳар қуни келаман. Намозни масжидда ўқиб, кейин қабристонни айланаман. Ўлимга яқинлашиш дунёдан узоқ бўлиш демақдир, бу ер дунёдан холи жой. Одам эса дунёни севади, шунинг учун қабристонни ёқтирмайди...

Ғапини тугатиб, менга кулимсираб қаради. Бироз ўзимга келишга уриндим. Кўрқиб нимаси? Қап-қатта одам бўлсам. Хаёлимдан ўтганларга ҳайрон бўлдим, ўйларимдан уялдим. Журъатимни тўпладим.

– Жуда яхши-да, амаки. Мен ҳам бир муддат шу ерда бўламан. Тез-тез учрашиб турар эканмиз-да? – дедим хижолат аралаш табассум билан.

– Учрашамиз.

Шундай деди-да, орқасини ўгириб, кета бошлади.

Нима қилишни билмай туриб қолдим. Янглиш сўз айтдимми деб ўзимдан шубҳаландим. Йўқ, ёмон гап гапирмадим-ку!

Бу одамга қизиқишим янада ортиди. Ортидан овоз бердим:

– Амаки! Исмингизни ҳам айтмадингиз...

Тўхтади. Яна бошини ён томонга бурди.

– Исмин Маҳмуд.

– Мени эсладингизми? Кеча масжидга бирга...

Сўзимни тугатишимга имкон бермади:

– Эсламоқ учун аввал унутиш керак. Одамзод унутганини эслашга уринади. Мен эса унутганим йўқ.

Шундай деб кетиб қолди.

ТРАБЗОН, 1510 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Қўлларингиз бир-бирдан айрилмасин...

Ақллари тўлишадиган ёшга етиб қолишди. Иккови икки хил дунё. Бирининг ботини, иккинчисининг зохири ўт-олов, бирининг ақли, иккинчисининг қалби тиниқлашяпти. Сулаймон қутилмаганда Трабзондан кетиши мумкин, зеро, санжоққа* жўнатиладиган ёшга тўлди. Аввалроқ кетиши керак эди, бироқ вазият бироз чигал бўлгани боис ҳеч қаёққа юборилмади. Унга ҳалигача санжоқ берилгани йўқ. Қутяпти. Аслида Трабзондан кетгиси келмаяпти.

– Мен дарёси йўқ шаҳарда яшолмайман, оға, – дейди Яхёга.

Яхё жилмайиб кўяди. У ёшига нисбатан анча улғайиб қолгандек кўринади. Дунёда кўпдан бери яшаётгандек, юрагида ловуллаётган бир оташ бор, бироқ ҳеч кимга айтолмайди. Ҳар хил тушлар кўради-ю, қандай таъбир

* Санжоқ – усмонийларда кичик маъмурий-ҳудудий бирлик, туман. Ёш шахзодалар санжоқни бошқаришга юборилган ва ўша ерда бошқарув бўйича тажриба орттирган.

қилишни билмайди. Сулаймон жанг, қилич, фатх ҳақида қанчалик ўйласа, Яхё илм ва ҳикмат борасида шунчалик фикр юритади. Қўлига тушган китобларни албатта ўқийди, отасидан узоқлашмайди, ҳар доим нимадир ўрганиш, бирор сирнинг маъносини англаб етиш учун қуйиб-пишади. Еру кўкка сиғмайди, тоғу адирларга чиқишни хоҳлайди, шу ёшида ёлғиз қолиб тафаккур қилишни неъмат деб билади. Сулаймондан бошқа дўсти йўқ, ундан бошқасини хохламайди ҳам.

Бир куни отга миниб тоққа чиқишди. Бири олдинда, бири орқада эмас, ёнма-ён от чоптиришди. Иккови бирдек, баробардек. Охирги пайтларда шеърятга қизиқиб қолишган. Аксарият вақтларини шеър ўқиш, қофиялар топиш билан ўтказишади. Иккиси ҳам бу борада маҳоратли бўлса-да, Яхё қофияни Сулаймондек ўрнига қўёлмайди. Сухбатлашиб, шеърлар ўқиб аста-секин юриб боришди.

Бир маҳал иккиси ҳам жимиб қолди, юзларига ҳузун соя солди. Сўзлашишмаса ҳам бир-бирини яхши тушунишади. Иккови ҳам айрилиқ деган иллатдан хавотирда. Бир-бирини оға-ини деб билишади, эсларини танигандан бери биргалар, энди эса айрилиқ кўркуви кўксиларини тирнаяпти. Аммо бу қачондир юз беради, бир куни юз бериши аниқ.

Сукунатни Сулаймон бузди, иккисининг ҳам кўнглидаги гапни айтди:

– Оға, у ерлардан кетадиган бўлсам, сиз ҳам мен билан кетишингизни хоҳлайман.

– Мен ҳам... Мен ҳам шуни хоҳлайман. Лекин сен бошқа, мен бошқа...

– Бошқа-бошқа эмасмиз! Бир хилмиз. Устозимиз Хайриддин афанди нима деганини эслайсизми? Мен

қаерга кетсам ҳам, сизни ўзим билан олиб кетаман. Сизни бу ерларда қолдирмайман.

Отлари тўсатдан хуркмаганида суҳбатлари хали-бери тўхтамасди. Сулаймон дарров қиличига қўл чўзди, Яхё эса дуо ўқий бошлади. Отлар такка тўхтади, ўн кадамча нарида бир одам турганди. Бесаранжом бўлишди. Ортга қайтиш ҳақида ўйлашди. Бироқ ундай қилишмади ёки қилишолмади.

Ҳалиги одам уларга орқасини ўгирган ҳолатда, денгизга қараб турибди. Бўйи узунгина. Сал кейин юзини улар томонга бурди. Эғнида сутдай оқ чопон, соқоли ҳам оппоқ. Гўё юзи чопонидан ҳам оқроқ, икки кўзи икки қора нуқтадек. Уларга қараб, мулойимгина жилмайди.

Сулаймон от устида, қиличини қинидан чиқаришга шай. Яхё эса отдан тушди. Нима қилмоқчи?.. Сулаймон тушунолмай қолди. Тўхтатишга уринса-да, Яхёни тўхтатолмади.

Яхё нотаниш киши турган томонга қараб юрди, орқасига қарамади. Сулаймон унга бирор ёмонлик етишидан чўчиди, у ҳам отидан тушди.

Ғайриихтиёрий қадам ташлашяпти. Кимдир уларни ўша томонга тортиб кетаётгандек. Қуёш нури юзларига тушяпти, бироқ рўпарадаги одамнинг юзидан таралаётган нур қуёш нурина сўндиргулик.

Мўйсафиднинг ёнига келишди. Яхё бир қадам олдинда, Сулаймон орқасида. Сулаймоннинг кўнгли халиям нотинч, қўлини қиличининг соқидан олгани йўқ.

Ёнма-ён туриб олишди. Ҳеч нарсага қарашмади, ҳатто бир-бирларига ҳам. Шунчаки мўйсафиднинг тим қора кўзларига тикилишди. У эса икки қўлини йигитларга чўзди. Ҳали ҳам юзида билинар-билинамас табассум. Қўз

қароқларига бутун олам жо бўлгандек гўё. Яхё ўзини унутиб қўйди, Сулаймон эса нима қилишни билмаяпти. Чўзилган қўлларга қарашди. Бир жуфт оппоқ қўл. Ўйлаб ўтирмай, беихтиёр улар ҳам қўлларини чўзди.

Мўйсафид иккисининг ҳам қўлини ушлади. Юраклари титради. Чолнинг қўллари ёняпти гўё. Қуш патидек енгил, бироқ чўғдай қайноқ. Қўллари текканида туш кўраётгандек, бошқа дунёларга кетиб қолгандек бўдилар. Кўзлари очиқ ҳолда туш кўришаётганга ўхшайди. Сулаймон қиличнинг сопини қўйиб юборди, Яхёнинг кўзларига ёш тўлди.

Ҳалиги киши икковининг қўлларини ушлаб, устма-уст қўйди. Иккови ҳам ҳеч нарса демади, оғиз очишга кучлари етмади. Кўзларини олиб қочиб, бошқа томонга қарай олишмади. Ниҳоят мўйсафид тилга кирди. Икки йигитнинг кўзларига эмас, ундан ҳам теранроққа, узоқларга тикилгандек сўзлади:

– Икки киши бир дегани эмас, бир бўлиш учун бирга бўлиш лозим. Бирингиз маъно, бирингиз каломсиз, бирингиз қилич, бошқангиз қаламсиз, бирингиз кўнги, иккинчингиз ақсиз. Қўлларингиз ҳеч қачон бир-биридан айрилмасин. Зеро, қўлларингиз бирга экан, ҳар доим бир бутунсизлар...

Шундай деди ва кетди.

*Мавти баёз**

*Очлик ва рўза демакдир...
Меъдаси тўқ бўлган эмас, кўнгли тўқ бўлган авлодир.
Рўза меъдани оч қолдирса-да, кўнглини тўйдиради.*

* «Оқ ўлим» деган маънони билдиради. Тасаввуфда ортиқча еб-ичишдан тийишлини ифодалайди.

ТРАБЗОН, 1512 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

«Ху» дегин, дарвеш!

Кун келиб, йўллари айро тушди. Сулаймон Шарқий Қорахисор санжогига ҳоким этиб тайинланди ва Трабзондан у ерга равона бўлди. Анчагача икковининг ҳам кўзидан ёш тинмади, лекин вақт инсоннинг кўзидаги ёшни ҳам қуритади. Одамзод унутмайди-ю, вақт ўтиши билан ҳамма нарсага кўникади. Сулаймон кетадиган куни кўлларини бири-биридан айирмасликка бир-бирига сўз беришди. Ўша мўйсафиднинг сўзларини унутишгани йўқ, лекин унинг кимлигини билишолмади.

Сулаймон кетгач, Яхё чин маънода ёлғиз қолди. Илмга, тасаввуфга шўнғиди. Тиббиёт, хандаса, тарих... Қўлига тушган китобни ўқийди, эшитганини ўрганади. Мутолаа билан овунади. Тобора ўзи ҳам улғайяпти, кўнгли ҳам. Тинмай Аллохни излайди, кўзларидан Аллох учун ёш оқади. Қайда илм берадиган устоз бўлса, хузурига бориб, биргина сўз бўлса ҳам ўрганиш иштиёкида ёнади.

Йигит деса бўладиган ёшга етди. Отаси қози Умар афанди ўзидан яхши ном қолдирганча вафот этганига анча бўлиб қолди. Отаси бу дунёдан рихлат қилганида юрак-бағри куйди, лекин ўлганлар йўқликка юз тутмаслигини билади. Бир куни отаси «Аллоҳни топганлар ўлмайди» деганди, ўшандан бери Аллоҳни топишга уринади. Дарвеш бўлиб, аллақачон йўлларга тушган бўларди, бироқ онаизори Афифа хонимга кўзи қиймайди. Уни дунёга боғлаб турган ҳам онаси.

Онасига бирор марта қовоқ уюб қарамаган, ҳеч қачон унинг ёнида овозини кўтармаган, бир кун бўлса-да, ундан айро қолмаган. Отасидан кейин кўнглига чўккан қайғуни онасининг меҳрига кўмган. Аммо кўнгли нотинч қушга ўхшайди, нуқул типирчилайди, хонақоҳма-хонақоҳ айланишни хоҳлайди-ю, онасини ташлаб кетолмайди. Аҳволи боис изтироб чеккан лаҳзаларда Увайс Қароний ҳазратларини ёдга олади, ул зотнинг онасига бўлган ҳурматидан қандай улуғ макомларга эришганини ўйлайди. Албатта, ўзини ул зотнинг мартабасида кўрмайди, лекин Увайс Қаронийдек бўлиш учун ғайрат қилади.

Онасини рози қилмай туриб Аллоҳнинг эшигида тиз чўколмайди. Онасининг ҳаққини қандай адо этиши мумкин?..

Ривоят қилишларича, ҳаж вақтида бир саҳоба бемор онасини опичлаб Каъбани тавоф қилдирди. Сўнг Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб:

– Ё Расулulloҳ! Онамни опичлаб тавоф қилдирдим, шу билан ҳаққини адо этдимми? – дея сўрайди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай жавоб қайтардилар:

– Йўқ, сенга ҳомиладор пайтида бир марта нафас олиб, чиқарганининг ҳаққини ҳам адо этолмадинг.

Яхё ана шуларни ўйлайди, шу боис кўнгли учиб кетишни истаса-да, кета олмайди.

Увайсийлик отлиғ бир йўл бор. Бу тариқат эмас, пири ҳам, устози ҳам йўқ. Бир ҳолатдир бу, кўнгилни ҳеч бир воситасиз Аллоҳга боғламоқ, тарбияни Яратгандан тиламоқ демақдир. Увайс ҳазратлари Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бормасдан туриб ул зотнинг тарбиясини олганидек, Яхё ҳам шундай муродга ета оламан дея умид қилади.

Ишқ билан шеърлар айтади, кофияга эмас, маънога кўнгилад боғлайди. Ўзига бир ашъор топди, уни зикр мисоли ҳар кадамида такрорлайди, ҳар гал «Ху» деганида кўнгилида бир оташ алангаланади:

«Ху» дегин, дўст, «Ху» де, дарвеш, «Ху»дан «Ху»га «Ху» келур,

«Ху» де, дарвеш, «Ху» дегин, дўст, ёрга «Ху»лар хуш келур.*

Юртма-юрт кезиб, тасаввуф водийсини сайр қилолмайди, кўнгли хотиржам эмас. Ўзини тоғу тошларга, ўрмонларга уради, якка ўзи бирор дарахтнинг тагидами, тоғнинг этагидами ўйга чўмганча сирни англамоққа уринади. Кунининг аксар қисмини тоғларда ўтказадиган бўлди. Хуржунида бироз егулик ва Куръон бор. Ҳам тиловат қилади, ҳам кезади, ҳам мулоҳаза юритади.

«Бунча гўзалликни яратган Аллохнинг Ўзи қанчалик гўзал экан? Гўзалнинг қўлидан гўзал бўлмаган нарса чиқмайди-ку! Бу яшил ёпинчик, бу мовий денгиз, бу осмон, бу замин... Кўзларимга шунчалик чиройли кўринадики!..

* Маъноси қуйидагича: Аллохни зикр қилгинки, У ҳам Сени зикр қилади ва Уни зикр қилишинг Унга манзур бўлади.

Бирок кўзларим буларнинг ортидагиларни кўрмоққа, илмим бу дугатни ўқимоққа қодир эмас. Бир ўзим удалай олмаяпман» дея тоғу тошларда кезади. У қандайдир сирни излаяпти.

Бир жой топиб олди ўзига – Трабзоннинг пурвикор тоғларидан бирида кичкинагина гор. «Ажабо, – деди горни илк бор кўрганида, – Расулulloҳ ҳам Ҳирони топганларида менингдек севинганмиканлар? Мен топган гор Ҳирога ўхшайдими?..» Ҳаяжонланди. Бирок ҳар кишининг ўз Ҳироси борлигидан хабари йўқ. Ҳа, ҳар кимнинг ҳам ўзига қулоқ тутадиган, Роббисини топадиган ва сирдан воқиф бўладиган Ҳироси бор. Яхё ҳозирча буни билмайди.

Кунлари шундай ўтяпти. Кўнгли жисмидан тезроқ улағайяпти, ичидаги оташ кун ўтган сайин сўниш ўрнига баттарроқ алангаланяпти. Трабзон тоғларида Яхё қадам босмаган жой қолмади. Нимани излаётганини билмаса ҳам, излашдан воз кечмади.

Кунларнинг бирида бир неча йил олдин Сулаймон билан отда айланиб юришганида нотаниш мўйсафид учраган жойда тўхтади. Атрофига кўз югуртирди. Мулоҳаза қилди, англашга уринди. Ўша одам ким эди? Нима демоқчи бўлганди? Мана, кўллари айрилди, Сулаймон кетди. Мўйсафид нега ўша сўзларни айтганди?..

Тим қора кўзларини зилол сувга тикканча ўйга толди, билишга, тушунишга уринди.

– Шу тоғларнинг ҳам, оқаётган сувнинг ҳам, қанот қоқаётган қушларнинг ҳам бир сири, маъноси, мақсади бор. Мен булардан-да ожизманми, ўз моҳиятимни тополмайманми?.. Фақатгина билишнинг ўзи кифоя эмас, мен ҳис этишни ҳам хоҳлайман, Аллоҳим! – дея кўнглидан ўтказди.

Хаёл уммониға шунчалик шўнғиган эдики, ёниға яқинлашган кишини пайқамади ҳам. Шунчаки, бир нуктаға тикилган кўйи ўтирибди. Қўккисдан овоз эшитилганида бир қалқиб тушди.

– Ҳар кишининг бир маъноси бўлади, ўғлим.

Яхё овоз қай томондан келаётганини билиш учун бошини ортга ўгирди. Ҳа, бир киши турибди, уни танийди. Ўша, Сулаймон билан бирга айланиб юришганида уларга дуч келган киши. Қачондан бери турибди? Бу ерда нима қиляпти? Атрофда зоғ кўринмайди, унга бирор ёмонлик қилса-чи?..

Лекин негадир Яхё бу кишидан кўрқмади. Ҳатто қалбига хотиржамлик кирганини ҳис қилди. Худди ёдида қолганидек, ўша-ўша, ҳечам ўзгармабди. Эғнидаги оппоқ чопон ҳам, юзидаги нур, кўзидаги тим қоралик ҳам ўша-ўша. Ўзи эса энди бутунлай бошқа одамга айланган.

Яхё энди бутун танаси билан ўгирилди. Кўнгли ўша томонга талпиняпти. Жисми унга қараб кетаётгандек гўё. Кўрқмаяпти, чўчимаяпти. Лекин бу одам ким? Билмайди.

– Ҳамманинг бир маъноси бор, бироқ бу маънони англаш учун ақлнинг ўзи кифоя эмас. Ақл билиш учун, кўнги топиш учундир. Билишни хоҳласанг ўйла, топмоқчи бўласанг ҳис қил. Зеро, излаганинг ҳам, топадиганинг ҳам ичингадир.

Яхё мўйсафидга хайрат билан қараб турибди. У сўзлагани сари ичидаги оловга сув сепилгандай, қалби ёришгандай бўляпти. Мўйсафид сўзлашдан тўхташини истамаяпти. Кетиб қолмасин, гапираверсин.

– Бу диёрда насибанг тугал бўлди. Сенинг ўрнинг – Сулаймоннинг ёнида. Сен бўлмасанг, у – ярим. У бўлмаса,

сен кемтиксан. Энди бу ерларда насибанг йўк. Саодат даргоҳига, пойтахтга борасан. Насибанг сени кутмоқда. Лекин шошилма. Сабр ҳам имтиҳон, энг машаққатли имтиҳондир...

– Лекин сиз... – деди Яхё титраган овозидан уялиб.

Мўйсафид жилмайди. Лаблари орасидан садафдек тишлари кўринди. Яхёнинг титраётган қўлини ушлади.

– Сен мурид бўлсанг, мен муршидман, сен талаба бўлсанг, мен мударрис, сен йўлчи бўлсанг, мен – йўлбошчи, сен қоғоз бўлсанг, мен қаламман. Сен ўрганувчи, мен эса ўргатувчиман.

– Сизни қандай топаман?

– Ҳозир қандай топган бўлсанг, шундай топасан.

Яхё уни топдими ёки у Яхёни?.. Билолмади. Қўлини тортиб ололмади ёхуд тортиб олишни хоҳламади. Кимлиги номаълум зот юрагининг туб-тубига назар солаётгандек.

Тўсатдан ниманидир эслади. Бўлиши мумкинми?.. Йўк-йўк... «Мен ким бўлибманки, Хизр келиб мен билан гаплашиб ўтирса? – дея қўнглидан ўтказди. – Мен ким бўлибман?..»

– Сен Яхёсан! – деди мўйсафид.

Яхё хайратдан донг котди. Бу нарсаларни хаёлидан ўтказганди-ку, мўйсафид қаердан билди?.. Сўрай олмади. Аммо тушунди. Кимнинг аслида кимлигини ўшанда билди.

Энди Яхёнинг устози бор. Бир умр ёнидан айрилмайди, қаршисида бош эгиб туради. Йиғлай- йиғлай уйига қараб йўл олди.

Тилида эса Хизр кетаётиб айтган сўнги сўзлар айланяпти:

– Ху де, дарвеш, Ху деки, Хуни топгайсан...

Яхё «Ху» дея юра бошлади...

Қисса

❧

УВАЙС ҚАРОНИЙ

*Онага эҳтиром кўрсатганга
пайгамбарнинг хирқаси nasib бўлгуси.*

Ривоят қилинишича, Увайс Қароний Яманда одамларнинг туясини боқиб тирикчилик ўтказар эди. Мусулмон бўлгандан кейин Мадинага келиб, Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни зиёрат қилишни хоҳлади. Лекин кексайиб қолган онасига қарайдиган ҳеч ким йўқ эди.

Ўғлининг истагини англаган она унга Мадинага боришга, у ерда Расулуллоҳни тополмаса, келишларини кутмасдан қайтиш шарти билан рухсат беради. Ҳазрати Увайс Мадинага борганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни уларидан тополмайди. Қаттиқ ғамга ботиб Яманга қайтади. Бир қанча вақтдан кейин Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтиб келиб, Ойша розияллоҳу анҳодан уйга биров келган-келмаганини сўрайдилар. Ойша онамиз Қарон мамлакатидан Увайс деган бир зот келганини ва у кетганидан кейин уйда шундай ифор пайдо бўлганини айтадилар.

Ҳабибимиз соллалоҳу алайҳи васаллам вафот этмасларидан сал олдин хирқаларини ечиб, ҳазрати Умар ва Али розияллоҳу анхумоларга берадилар, Мадинагача келиб учрашолмай кетган Увайс Қаронийга топширишни васият қиладилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўролмасдан қишлоғига қайтгани учун ғамга ботган Увайс кўп ўтмай онасидан ажраб қолади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин ҳазрати Али ва Умар розияллоҳу анхумолар васиятни бажариш учун Увайсни қидиришга тушадилар.

Ниҳоят икки улуг саҳоба Увайс қаерда яшашидан хабар топишади. Уни намоз ўқиётганида учратишади. Намозни битириб, салом бергач, ҳазрати Умар розияллоҳу анху ўринларидан туриб, Увайсга салом берадилар ва исмини сўрайдилар.

– Абдуллоҳ, яъни Аллоҳнинг қули! – дея жавоб қилади Увайс.

– Ҳаммамиз Аллоҳнинг бандаларимиз, ҳақиқий исмингиз нима?

Увайс Қароний ҳазратлари исмини айтади. Шунда ҳазрати Умар розияллоҳу анху:

– Сизга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саломи бор. Сизга муборак хирқаларини юбордилар ва «Буни кийсин, умматимни дуо қилсин!» дея васият қилдилар, – дейдилар.

Бу ҳолдан хайратга тушган Увайс шундай жавоб қайтаради:

– Эй, Умар! Мен заиф, ожиз ва гуноҳкор бир бандаман. Бу васият бошқа бировга аталган бўлмасин?

– Йўқ, – дейдилар ҳазрати Умар розияллоҳу анху. –

Эй, Увайс, биз қидираётган киши сизсиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизнинг шакл-шамоилингиз ва сифатингизни таърифлаганлар.

Шундан кейин севинчидан тили сўзга келмаган Увайс кўз ёшлари шашқатор оқиб, хирқан шарифни эҳтиром билан қабул қилиб олади ва ўпиб, хидлаб, юз-кўзларига суртади.

ХАЛИЛ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

Хар бир кишининг ўлими ўзининг рангида бўлади...

Қабристонда учрашганимиздан кейин нукул ўша ёши улуғ кишини излайдиган бўлиб қолдим. Бир жойдан чикиб келади дея безовталанаман, лекин негадир келмаслигини ўйлаб кўпроқ безовта бўламан. Келишидан чўчийман, келмаслигидан эса кўрқаман.

Ўша куни қаттиқ чарчагандим. Бир неча соат қабртошлар орасида, жазирама куёш остида ишлаб, қайдлар ёздим, фотосуратлар олдим. Вақт қандай ўтганини билмабман ҳам. Бир пайт кўз олдим қоронғилашди. Иссиқдан бўлса керак деган ўй ўтди кўнглимдан. Тин олиш учун дарахтлар тизилган тор йўлдан, қабрлар орасидан юра бошладим. Аслида соя жой излаётгандим, негадир ёлғиз қолгим ҳам келди.

Бир-икки қадам кўйгандим, гандираклаб кетдим. Кечаси кўп ухламайман, кундузлари эса бу ерда, куёш тигида ишлайман. Бу ишга оддий иш деб қарамаяпман. Нукул

шундай бўлади ўзи. Қайси ишга қўл урсам, унга боғланиб қоламан.

Бу қабристон мени биринчи кунданок таъсирлантирди. Ҳар куни кечгача шунча ўликнинг орасида кезиш ўлимдан бошқа нарсани ўйламаслик дегани, мен эса отам ўлган кундан бери ўлимдан қаттиқ кўрқаман. Ўликлардан эмас, ўлимдан кўрқаман. Балки сиз учун бемаъни туюлар, эҳтимол сафсата дея ўйларсиз, лекин ўлим мени қаттиқ кўрқитади. Ўлгандан кейин нима бўлишини билмаслик, ўлимдан ва ундан кейинидан беҳабарлик... Шунча кўрқсам-да, қабртошлар орасида иш қиляпман. Бу кўркув қабристонда бунча вақт юрганимдан кейин кучайдими ёки олдиндан шунақамиди, билмайман.

Гандираклар, бир қабртошга суяндим. Ўзимни зўрға тутиб қолдим десам тўғрироқ бўлар. Бир муддат кўзларимни очолмадим, совуқ терга ботгандекман. Қийналиб юравердим. Ям-яшил ўтлар кўзимга кулранг бўлиб кўринди.

Оғир қадамлар билан масжид эшигигача келдим ва амаллаб ичкарига кирдим. Шундоқ кираверишда ўтириб қолдим. Кўзларимни юмсам, худди дунё тескари айланаётгандек, ҳамма нарса орқага қараб кетаётгандек. Очганимда эса барчаси яна аввалгидек. Лекин кўзларимни очгим ҳам келмади. Устимда қандайдир оғирлик бор, нимадир мени ухлашга мажбурлаётганга ўхшайди. Қабокларимдаги оғирликни бутун жисмим билан ҳис қиляпман. Фируза рангли деворлар босиб қоладигандек туюляпти. Чўккалаб олганман, беихтиёр бошим олдинга эгилиб кетяпти. Уйқу бунчалар ширин нарса бўлмаса, қанчалар хоҳляпман ухлашни! Кўзларимни очолмаяпман, оёқ-қўлимни кимирлатолмаяпман. Кўзларим юмук бўлса-да, ҳамма нарсани кўриб турибман. Нимагадир кўз ўнгимдан нукул отам ўтяпти. Вафот этгандан бери қа-

чон кўзларимни юмсам, уни кўраман. Кулимсираяптими, йиғлаяптими, билиб бўлмайди.

Борган сари жисмим огирашди, овозлар буткул ўчди. Ёқимли шабада юзимни сийпалаяпти. Секин нафас ола бошладим. Борган сари бошим олдинга эгиляпти, бутун вужудимни уйку деган тилсим ўраб оляпти. Зулмат ичра отамни кўряпман, у йиғлаяпти...



Бир пайт ўзимга келдим. Бошим саждада, оёқларимни сезмаяпман. Ёноқларим ловулаяпти, ичим титраяпти гўё. Юзимни кўролмасам-да, заъфарон тусга кирганини ҳис қиляпман. Йиғлаяпман...

Бир туш кўрибман. Йўк, оддий эмас, даҳшатли туш эди бу. Тушимда ўлаётган эканман. Одамзод ўз ўлимини кўриши мумкинми? Билмайман, лекин илк бор бунчалар ҳақиқатга яқин туш кўрдим. Нотаниш кишилар мени оппоқ мато билан кафанлаб, қабрга қўйишди. Ҳатто жисмимнинг совуқлигини ҳам ҳис қилдим. Кўрқдим, жуда кўрқдим. Мен ҳеч қачон юзини кўрмаган кишилар мени бошқа қабр ёхуд одам бўлмаган қияликда ёлғиз дарахтнинг тагига кўмяпти. Мени яхши кўрадиганлар йўкми? Яқинларим, танишларим қаерда?.. Йўк, ҳеч бири йўк. Мени ўша ерда қолдириб кетишди. Сўнг фақат зулмат, қоронғилик... Фақатгина овозлар эшитиляпти. Бир-бирига аралашиб кетган овозлар. Бир пайт қулоғимга таниш товуш чалинди. Отамнинг овози! Нима деётганини тушунмаяпман, лекин овози эшитиляпти. Кўрганларимнинг бори шу. Кейин уйғониб кетдим.

Кўзимни очсам, бутун баданим жиққа терга ботибди. Ўзимга келиш учун кўзларимни очиб-юмаяпман, бироқ юганимдан кейин яна ўша нарсаларни кўришдан кўрқяпман.

Бошимни аранг кўтардим. Қўлларимни бир неча бор юзимга суртдим. Кетма-кет ва тинимсиз бисмиллоҳни такрорлардим. Умримда бунчалик кўрққанганимни эслолмайман.

Ўзимни мажбурлаб ўтирган жойимдан кўзгалдим. Оёқларим танамни аранг кўтариб турибди. Ташқарига чиқиб юзимни ювиб, ўзимга келмоқчи бўлдим. Оғир қадамлар билан юра бошладим. Бир неча одим юргандим, қоқилиб кетдим. Сал қолса йикилиб тушардим, бир қўл мени маҳкам ушлаб қолди. Бошимни буриб, яна ўша мўйсафидни кўрдим. Хоҳламайгина қўлимни тортдим. Ўзи кўрқиб турибман, бу одам қаердан пайдо бўлди? Мени баттар кўрқитиб юборди.

– Нима бўлди, ўғлим? Рангингда ранг қолмабди.

Индамадим. Шунчаки юзига қараб қўйдим ва юра бошладим. Масжиддан чиқиб, шундоқ ўнг томондаги эски ёғоч ўриндикка чўкдим. Мўйсафид ҳам келиб ёнимга ўтирди. Анчагача гапирмасдан ўтирдим. Миямда бир неча саволлар гужғон ўйнапти, ўйларимни кўрқув чирмаб олган. Ёнимдаги одамга қарадим. Негадир унга нисбатан юрагимда ишонч бор.

– Амаки, – дедим ўйлаб ўтирмай. Шу лаҳзаларда дунёда бир мен, бир шу мўйсафид қолгандек: – Ўлимдан кўрқасизми?

Кўзларимга тикилиб қолди. Сўнг қўлини ўнг қўлимнинг устига қўйди. Оппоқ бармоқлари қўлимга текканида юрагимга хотиржамлик ингандек бўлди.

– Ўлим кўрқиладиган нарса эмас, ўғлим. Одам нега ўлимдан кўрқсин?

– Якун бўлгани, йўқлик, мавҳумлик бўлгани учун кўрқмайдими?

– Ўлим якун ҳам, йўқ бўлиш ҳам дегани эмас-ку. Аслида сен билмайдиган нарса ҳам эмас. Атрофнингга қара, ҳамма жой қабр, ҳар жой ўлим. Одамзоднинг кўзи ҳар лахза ўлимга тушади, лекин уни кўришни хохламайди. Ўлимни эслагиси келмайди. Нега ўлимдан қўрқайин? Ўз ўлимимни ҳар доим ёнимда кўтариб юраман.

Гапларига унча тушунмадим. Атрофимга қарадим, ҳа, ҳамма жой ўлим билан тўлган. Балки улар ҳам менга ўхшаб ўлимдан қўрқишган, ўлимни тушунишга қийналишгандир?.. Мана, ҳаммаси ўлди. Бироқ ўлимни ўзи билан олиб юриш нима дегани?..

– Ўғлим, ўлимни эслаш яхши. Лекин ўлимдан қўрқишнинг маъноси йўқ. Зеро, яшаш ўлишдан кўра қийин. Биз бу дунёда сургунда яшаётган ғариб мусофирга ўхшаймиз. Бу ер бизнинг ватанимиз эмас. Бу ер бизнинг маконимиз, лекин мақомимиз эмас. Бу дунёга ошиқ бўлганлар ўлимни йўқ бўлиш деб билади, ўлим улар учун якун бўлади. Бироқ бу дунёни истамаганлар, унинг олтин рангидаги оддий чакмоқтошлигини билганлар, ўлимни гурбатдан манзилга қайтиш деб ҳисоблаганлар учун ўлим якун бўлмайди. Қай бирига ишонганини ўзинг билиб олавер. Шуни билки, сен қандай яшасанг, ўлим сенга шундай келади. Шуни ҳам унутмаки, ҳар бир кишининг ўлими ўзининг рангида бўлади...

Ортиқча гапирмадим. Бу кекса одамга ҳеч бир сабабсиз ишондим. Исми нимаиди? Ҳа, эсладим, Маҳмуд амаки. У билан гаплашиш менга хотиржамлик бағишлайди.

Яна олдимга келадими? Уни яна бир бор кўраманми? «Ҳар бир кишининг ўлими ўзининг рангида бўлади» нима дегани?..

ТРАБЗОН, 1521 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Яримни бутун қиласан, бутунни тўлдирасан...

Яхё энди йигирма ёшли йигит. У бошқача, тенгдошларига ўхшамайди, хатти-ҳаракатлари уларникидай эмас. Трабзон тоғидан топган ғорида соатлаб фикр юритади, ичидаги нафсни ўлдириш учун ўзини қийнайди. Кам ухлайди, кам гапиради. Узун тунлар ухламай ибодат қилганидан кўзлари киртайиб қоляпти, бироқ ҳар қанча чарчаса-да, воз кечмаяпти. Аксарият кунларини рўзадорликда ўтказади. Зеро, меъдаси оч бўлганинг кўнгли тўқ бўлишини билади. Аллоҳга элтадиган бир йўл топиш учун кўз ёш тўқади.

Кўпинча узоқларга тикилиб қолади, юрагидагиларни доводарахтларга, тоғу тошларга сўзлаб беради. Ўша нуроний кишини, Хизрни қачон изласа, ёнида пайдо бўлади. Унга ҳеч савол бермайди, фақат тинглайди. Бу ҳақда ҳеч кимга айтмади, сирни фош этмади, билганини билдирмади.

Энди у зотни устоз деб атаяпти, бу водийда нимаики бўлса, ундан ўрганияпти.

Кунларнинг бирида ўша ғорда ўзгача бир ҳолатда, ёлғизликка кўмилганча дуо қилиб йиғлади.

Шу овлоқ, хилват жойда қўлларини кўкка кўтарганча нола қилди. Зеро, дуо ёлғиз эмаслигини билиш, кимсасизликни луғатдан ўчириб ташлаш демакдир.

«Аллоҳим, Сен «Бў!» дединг, мен бўлдим. Мен бор деб билганларни ҳам, йўқ деб гумон қилганларни ҳам сен яратгансан. Ҳозир Сендан «Топ!» дейишингни сўрамоқдаман. Сен «Бўл» деганингда йўқдан бор бўлганидек, «Топ» деганингда, албатта, топилмаслар ҳам топилгусидир. Дунёдан ҳеч нарса истамасман, ўз сиримни изларман. Бу дунёга Сенга бандалик қилиш учун келдим, лекин менинг ҳеч қандай вазифам йўқми? Шу тошчалик, шу сув, шу дарахтчалик вазифам йўқми?» дея йиғлади.

Бир пайт устози келиб ёнига ўтирди. Унинг ташрифларидан хайратланмай қўйган, бироқ бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайди. Мажнунга айландими ёки мажзубга?.. Эҳтимол ақлдан озаётгандир?.. Нима бўлса ҳам ўрганияпти устозидан, уни кўрганида кўзлари чақнаб кетади. У сўзлаганида ҳамма нарса жим бўлиб қолади гўё.

Юзма-юз ўтиришди. Икки жисмда бир кўнгилдек сукутнинг сирига қулоқ тутишди. Зеро, сукут қилган сўзлайди, сўзлаган яширади. Сал кейин устози қўлини Яҳёнинг тиззасига қўйди ва савол берди:

– Ўлик устунми, ўғлим, ёхуд тирикми?

Яҳё мулоҳаза қилди, ўйлади, аммо жавоб тополмади. Балки одоб юзасидан бир оғиз сўз айтмагандир.

Устоз, – деди хижолат тортиб, – жавобини ўзингиз айтсангиз.

– Одамзод дунёда илк бор нафас олганидан бошлаб жисм кemasини тарк этишга маҳкумдир. Яъни, бу кемага минган кунинг уни тарк этишга, тугилган кунингдаёқ ўлмоққа сўз бергансан. Инсон тугилганидан кейин албатта бир куни Азроил билан учрашади. Биров буни билади, шунга кўра яшайди, биров билса ҳам унутади.

Айримлар тириклигида ўлик бўлур, баъзилар эса ўлганида ҳам тирикдир. Кўнгли ўлик кишининг жисми тирик бўлсада, у ўлик ҳисобланур. Кўнгил сиридан воқиф киши эса гарчи ўлса ҳам, тирикдир. Шу боис ўлмоқ деганлари ҳар доим ҳам бир хил эмас. Бу оламда ўликдай яшаганлар нариги дунёда тирикдай кезиб юради. Сен-чи? Сен қай бирини хоҳлайсан?

Яхё ўйлаб ҳам ўтирмади, бошини қуйи солганча дарҳол жавоб қайтарди:

– Мен бу дунёдан ҳеч нарса талаб қилмайман. Лекин бу дунёдан қандай воз кечилишини ҳам билмайман...

– Янглишяпсан, – деди муршиди, – мақсад бу дунёдан воз кечмоқ эмас, балки уни билмоқ, унга муносиб баҳони бермоқдир. Агар бир заргар чакмоқтошни олтин қийматида сотиб олса, уни аҳмоқ дейдилар. Инсоннинг ҳам ҳолати мана шу заргарнинг ҳолатига ўхшайди, дунё чакмоқтош бўлгани ҳолда уни олтин деб ўйлайди ва умрини шу тош қўйида фидо қилиб, тугатади. Аслида ҳар бир матоҳга муносиб баҳони бериш даркор. Қўлингдан келса, бутун бошли дунёни қўлга кирит, ҳеч зарари йўқ. Лекин дунё сенинг биргина хужайрангни қўлга киритса, мана шу катта зарар бўлади.

– Бунга қандай эришиш мумкин, устоз?

– Ўлмасдан аввал ўлиш билан.

– Бу қандай бўлади?

– Дунё – карвонсарой, ҳар бир ўткинчи бу ерда бироз қолади, вақт ўтказади. Сенинг сиринг ҳам, бутун одамзоднинг сири ҳам шу карвонсаройда йўловчи бўлмоқдир. Карвонсаройга эгалик қилиш инсоннинг иши эмас, аммо ўзини карвонсаройчи деб ҳисоблайди. Энг қўп мана шу масалада адашади.

Қачонки, ҳар нарсани Аллоҳдан деб билсанг ва буни ёдда тутиб яшасанг, ўлмасдан олдин ўлган бўласан. Аввало ичингдаги душманни ўлдир. Нафсинг сенга очиқ-ошкора душман, уни албатта ўлдирмоғинг зарур. Сўнгра кибрни ўлдир. Ана шунда сен ҳам, дунё ҳам аслида Унинг учунлигини кўрасан. Ҳамма нарса У хоҳлагани учунгина бор. У дунёни сен учун яратган, сени дунё учун эмас.



Давр ўзгарди, шахзода Салим энди давлати олий усмонийнинг султони ва халқ уни «Явуз» деб атайди. Қиличидан куфр аҳли ҳалок бўлиб, тўрт томонга ислом муждаси етиб бормоқда. Энди куфрнинг қаршисида ислом қўшини бор. Мисрдан то Басрагача, Қуддусдан Маккагача, Табриздан Мадинагача ва яна қанчадан-қанча юртларда усмонийлар байроғи хилпираяпти, султон Салим «халифаи рўйи замин» унвонини олиб, мусулмонларнинг халифасига айланган.

Сулаймон ҳам улғайди. Шаркий Қораҳисордан кейин Бону вилоятига ҳоким бўлди, у ердан Кефега* юборилди, сўнг отаси султон Салимга вакиллик қилиш учун пойтахт Истанбулга келди. Ундан кейин Сарухонга ҳоким этиб тайинланди. У давлати олий – усмонийнинг кўз қорачиғи, султон Салимнинг ягона шахзодаси.

* Кефе – Қримдаги Феодосия шаҳри

Вақт ўтяпти, ажал бир лаҳза ҳам кутиб тургани йўқ. Султонми, қулми, ҳамма ўлим билан юзлашади. Кимсан, султон Салим ҳам бу дунёдан бир чақа олмасдан, ёш вақтида жон қушини жисм қафасидан озод қилди. Унинг вафотидан халқ ғам-қайғуга чўмди, лекин начора...

Султоннинг ўлим хабарини эшитган Яхёнинг кўзларидан шашкатор ёш оқди, юрак-бағри ўртанди. Султонни отасидек яхши кўрарди, ундан кўп яхшилик кўрганди.

Мудҳиш хабарни олганида ичидан нимадир узилгандай бўлди. Хуфтон намозидан кейин Қуръон ўқиб, султоннинг ҳақиға дуо қилди. Бир ҳафта давомида кечаю кундуз тўхтамасдан Қуръон ўқиб, бомдод намози вақтида хатми тугатди. Султонни мағфират этишини сўраб Аллоҳға ёлворди.

Бир неча ой кейин пешин вақти уйининг эшиги тақиллади. Яхё «Тинчлик бўлсин-да!» деган хаёлда эшикка йўналди. Энди у катта киши, қоп-қора узун соқолино тим қора кўзлари ёш дарвешни эслатади.

Эшикни очганида бўсағада турган нотаниш кишига кўзи тушди. Узун бўйли, қотмадан келган. Бу ерлик эмаслиги юз-кўзидан маълум, узоқ йўлдан келганга ўхшайди, хоргин ва бемадор кўринди.

Ҳалиги одам салом бергач, сўради:

– Яхё афандининг хонадони шу ерми?

Яхё унга таажжубланиб қаради. «Яхё афанди» дедими? Қулоққа хуш ёқар экан.

– Ҳа, – деди. – Яхё менман.

– Султонимиз Сулаймон салом йўлладилар, – деди ва хуржунидан бир мактуб чиқариб Яхёга узатди. – Султонимиз буни сизга бериб юбордилар.

Яхё номани олиб ичкарига кирди.

Чопар «Султон Сулаймон» деганида хаяжонланди, ниҳоятда севинди. Аввал ҳам Сулаймондан мактублар келган, лекин чопарнинг биринчи марта «Султон Сулаймон» деганини эшитди.

Яҳё хонага ўтиб, курсининг шундоқ рўпарасидаги лавҳ олдига ўтирди ва кўлидаги мактубни лавҳга қўйди. Бир муддат шунчаки тикилди, худди қоғозга тегинса, ёниб кетадигандек туюлди. Қалбига кулоқ тутди, ажабо, Сулаймон султон бўлгани учун уни аввалгидан кўпроқ яхши кўрадимми энди? Агар шундай бўлса, бу – ёлгон севги. Ўзини тафтиш қилди. Йўқ, у султон Сулаймонни эмас, эмиқдоши Сулаймонни яхши кўради. Кўзлари чакнаб, мактубни очди. Бир бор ўкиди, кейин яна, қайта ва қайта ўкиди.

Мактуб «*Иниси Сулаймондан оғаси Яҳёга*» дея бошланган экан. Аёнки, Сулаймон султон бўлса-да, тавозедан узоқлашмабди, сўзини «султон» дея бошламабди, ўзини шунчаки ини деб атабди. Ҳали дунё титратадиган ҳукмдор бўлади, бироқ Яҳёни оғаси деб билади.

Яҳё яна бир бор севинди. Ҳа, таниди, бу султон Сулаймоннинг ёзуви.

«Иниси Сулаймондан оғаси Яҳёга салом ва дуо ила.

Бир онадан тугилган бўлмасак-да, кўнглимиз бир, умримиз бир, эмиқдош оғам! Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан соғ-саломат ва офиятда бўлишингизни сўрайман. Сиз ҳақингиздаги хабарларни олиб, севинаман. Эшитдимки, Трабзон диёрида халқ сизни гоятда эҳтиром билан тилга олар эмиш. Илм иззатини либос қилиб эгнингизга кийибсиз. Илм дарё бўлса, уни бир қултумда ичишни ният қилибсиз. Муборақ бўлсин!

Аллоҳ сизни илм дарёсига, бизни эса салтанат дарёсига ташлади. Шаҳарма-шаҳар, диёрма-диёр югуртирди. Ваҳоланки, Трабзон тоғларида от чоптириб, ўйин-кулги

қилган пайтларимизни кўп соғинаман. Қандай масрур онлар эди-я! Дунёнинг гамини билмасдик ва бу бизга ҳузур берарди. Зеро, билмоқ – жонга азоб. Энди эса елкамда улкан масъулият бор. Эту устихонимни тешаётгандек зўё. Жаннатмакон отам бу дунёдан кўчиб кетиб, барча юк менинг зиммамга тушиди, ога. Ишонингки, бу юк остида эзиляпман.

Авваллари унча тушунмасдим, лекин энди султонлик гавгосининг залворини англаб боряпман. Бу юк юрагимни қанчалар ўртаса, шунчалар нафсимга лаззатли туюлади, ога. Қиличим қаршисида ҳеч қандай душман туролмайдди, аммо нафсимга енгилишдан қўрқаман. Ўзимдан қўрқаман. Султон отам вафот этгач, қўлу қанотсиз қолдим. Қўлларимдан ушлайдиган, дардимни англайдиган, кўнгили лисонимни уқадиган ҳеч ким йўқ. Бундай пайтларда сарой ҳам торлик қилади, ога.

Эслайсизми, кичиклигимизда устозимиз Хайриддин афанди иккимизни ҳам қаршисига ўтиргизиб, «Икки ярим бир бўлади, бир бўлсангиз бутун бўласизлар» деганди. Бу гапни ҳеч қачон унутмадим, ога. Тогда от чоптириб юрганнимизда бир гаройиб кишини кўрган эдик. Қўлларимизни устма-уст қўйиб, қўлларимиз айрилмаслигини тилаб дуо қилганди. Буни ҳам унутганим йўқ.

Хулласи калом, муродим улдирки, Афифа онамни ҳам ўзингиз билан олиб пойтахтга келсангиз. Келсангизу мен инингизнинг ёнида турсангиз, қўли-қаноти бўлсангиз. Ўнқир-чўнқир йўлларда оёғи тойса, қўлидан ушлаб кўтариб қўйсангиз. Инингизга нафснинг ҳийлаларини билдирсангиз. Қолаверса, модомики, сиз илм талабидасиз, илм дарёси шу ерда, келиб қониб-қониб ичасиз. Яримни бутун қиласиз, бутунни тўлдирасиз.

Дуо, соғинч ва салом ила Сулаймон».

ХАЛИЛ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

Исмларимиз қабртошга ёзиш учун қўйилгандек...

Туни билан уйқу келмади, бир сония ҳам ухламадим. Миямда фақат ўлим хақидаги фикрлар бор эди. Ҳақиқатан ҳам, ўлимдан кўркиш керак эмасми? Ўлим кўрқиладиган нарса эмасми? Ўлим нима ўзи? Нима учун ўлаемиз?.. Хаёлимда шу ўйлар гужғон ўйнади, хохламасамда, шуларни ўйламасдан туrolмадим.

Аслида ухлаш учун эртароқ ётгандим. Ётоғим ёнидаги дераза очик, кўчадан ўтган машиналар чирогининг нури деворга тушади. Жуда иссиқ, тоқат килиб бўлмайдиган даражада иссиқ. Ётган жойида терга ботади киши. Пардани ўйнаётган енгил баҳор шабадасининг салқинлиги кифоя эмас. Ётоғимга узанганча шифтга қараб, бўшлиқни томоша қиляпман. Хаёлларим чигаллашиб кетди. Албатта бу чигаллик фақатгина эрталаб кўрган тушим билан боғлиқ эмас. Ўзи ўлишни ўйлашдан кўркаман.

Онамни унчалик эслолмайман, кичкиналигимда дунёдан ўтиб кетган. Отамни онамнинг ёнига юборганимга эса икки йил бўлди. Умримда отамдан бошқа ўлик кўрмаганман. Отамнинг ўлигига қарагим келмаганди, лекин кўрмасдан ҳам туролмадим. Кўрқаман деб ўйлагандим, лекин ундай бўлмади. Худди ўрнидан туриб кетадиганга ўхшаганди. Аммо турмади, туролмади. Ўша-ўша отам эди. Мен қўлидан ўлган, кўзларида ўзимни кўрган отам. Ухлаётгандек ётарди.

Ундан нима камайганди? Нима рўй бердики, ҳаракат қилолмайдиган, нафас ололмайдиган бўлиб қолганди? Ўлганини билмаганимда ухляпти, ҳадемай ўйғонади, туради, гаплашади деб ўйлаган бўлардим. Жисмидан ҳеч нарса камаймаганди. На бирор яра бор эди, бир томчи қони оқди. Ана ўшанда ўлим ҳам бир қоидалигини ва туғилишдек ўлим ҳам инсон учун бир мажбуриятлигини англадим. Буни аввал ҳам билардим-у, яхши тушунмаган эканман. Инсон ўлимни бирор яқини вафот этганида чинакамига тушуниб етади.

Мен ҳам отам ўлганида ўлимни англадим. Йўқ бўлганига ишонгим келмади. Ўлимнинг якун, охирлигига ишонгим келмади. Эътиқодим бунга йўл қўймади. Биз Аллоҳга имон келтирган кишилармиз ва ўлимнинг охир эмаслигини биламиз. Ҳа, мен ҳам билардим, инсоннинг иймони синалмай туриб тўкис бўлмас экан. «Ишондим» демоқ учун ҳам синалмоқ керак экан.

Ўша кунни уни тупроқ остига ташлаб кетишни хохламадим. Бошида анча пайт туриб қолдим. Қўлимдан фақат дуо қилиш келди. Отам менга ўргатган дуоларни унинг ўзи учун ўқидим. Бир уюм тупроқни отамни қучгандай қучиб йиғладим. Сўнг... Сўнг бир ўзини ўша ерда қолдириб қолдим. Юрак-бағрим ҳеч қачон ўша кунгидай ёнмаганди.

Бирок яшаш мана шу. Яшамоқ ёнмоқ дегани, синалмоқ, мажбур бўлмоқ дегани. Ўлган билан ўлолмаслик, унутмоқ дегани. Унутганинг учун уялмоқ дегани. Отамни ўша ерда қолдириб келганимдан кейин ҳар бир кунимни уялиб ўтказдим.

Отаси ўлгач киши ёлғиз қолади, ёрти бўлиб қолади. Фикримча, отаси ўлган кишидан кўра ёлғиз киши йўқ бу дунёда. Соясиз, сассиз, кимсасиз... Мажбуран яшайди. Отаси ўлган киши ҳаммадан кўпроқ ва тезроқ қарийди.

Ўша кундан кейин ҳамма нарсани унутдим-у, ўлимни бир лаҳза бўлсин хаёлимдан чиқаролмадим. Ўлимга нисбатан тушуниксиз кўрқув бор ичимда. Авваллари бундай кўрқмасдим. Отам мен учун ҳеч қачон ўлмайдигандек эди. Ҳозир отамнинг ёнида ўтказмаган ҳар бир дақиқам, ҳар сониям учун қаттиқ пушаймонман!

«Кошки» дейишни ҳеч хушламайман, лекин кошки ўртоқларим билан айланиб юргандан, ўйин-кулги қилгандан кўра отамнинг ёнида қолсам, кечқурунлари у билан ўтирсам, ишга бормасдан ёнида бўлсам эди. Энди бефойда. Одамзод қанчалик хоҳламаса-да, «кошки» дейишга мажбур.

Отам бу дунёдан ўтгач, уйимни алмаштирдим. Таниш кишилардан узокроқ бўлгим келди. Икки хонали кичкина уйга кўчдим. Ўзим билан ҳеч қандай жиҳоз олиб келмадим. Уйнинг бир хонаси деярли бўм-бўш, иккинчи хонасида ҳам ишлаб, ҳам ухлай бошладим. Дераза ёнида ётоғим, унинг рўпарасида, эшик ёнида иш столим ва китоб жавоним жойлашган. Ерда китоб-дафтарлар сочилиб ётади, деворда қайдларим ёпиштириладиган тахта. Шу холос.

Икки йил бирор ишни қабул қилмадим. Фақат ўқидим, андуҳимни китобларга кўмдим. Китоб қахрамонларининг

дардлари учун йиғладим. Ўз дардимни тушунтиришга кучим етмади. Ваҳоланки, ёзиш қўлидан келадиган кишилардек дардимни коғозга тўкишни шунчалик хоҳладимки... Лекин қўлимдан келмади. Фақат ўқидим. Яхё афанди хонақосидаги бу ишни қабристон бўлгани учун қабул қилдим, шекилли. Ҳозир аниқ эслолмайман буни. Лекин менга бунчалик таъсир қилади деб ўйламагандим.

Ётоғимга чўзилганча шуларни ўйладим. Очиқ деразадан тушаётган ҳар бир нур мени отам билан боғлиқ ўзга бир даврга бошлайди. Хотираларим кўз олдимга келиб, ухлолмадим.

Ўзимни бундан ортиқ мажбурлай олмадим. Устимдаги енгил ёпинчикни четга суриб, ётоғимдан қўзгалдим. Ётоқ ёнидаги пастак столнинг устидан кўзойнагимни олиб тақдим. Ётоқда бирпас ўтирдим. Бошимни чангалладим. Бошқа бир жойда, бошқа бир шаҳарда ва бошқа бир замонда ўзимни тасаввур қилдим. Буни қаттиқ хоҳладим. Аввалги замонда яшашни тасаввур қилишнинг ўзиёқ менга кифоя. Отамни ўйладим, ҳамма нарсани тасаввур қилиб кўрдим. Бўлмади...

Кейин бирданига халиги кекса киши эсимга тушди. Нима учун йўлимдан чиққанди ўзи ва нега ҳамон менга дуч келяпти? Тўғриси, мени бироз чўчитяпти. Лекин Яхё афанди хонақоҳига бориш ва у ерда бўлиш менга чексиз ҳузур бағишлаяпти. Одам ўзини қўрқитган нарсаларга қизиқадикку, менда ҳам худди шундай бўляпти. Қабристонда бир ўзим қолишдан қўрқаман, лекин у ерда қолгим келади. Халиги кекса кишини, Маҳмуд амакини кўришни истайман.

Ўзимча аҳд қилдим. У киши билан танишаман, гаплашаман. Тўғрироғи, у кишини яқиндан таниб оламан. Сабабини билмайман, бироқ шуни хоҳляпман. Айтган гапларини мулоҳаза қилдим. «Ҳар бир кишининг ўлими ўзининг

рангида» деди. Бу билан нима демоқчи бўлди? Ўлимнинг ҳам ранги бўларканми?..

Бу кеча ухлолмаслигим аниқ. Ётоғимдан турдим. Столча устидаги стаканда ярим қолган сувимни ичдим. Сўнг эшик ёнидаги иш столимга ўтиб, курсига ўтирдим. Мақсадим бошқа нарсаларни ўйлаш, бироз бўлса ҳам ўлим ҳақидаги ўйлардан халос бўлиш эди. Лекин бўлмади. Стол устидаги чирокни ёқдим. Очиқ қолган китобларни ёпдим. У ёқ-бу ёқда ярим қолган қайд қоғозларини қўлим билан четга сурдим. Фотоаппаратни қўлимга олиб, ўзим туширган фотосуратларни бирма-бир кўриб чиқдим.

Устига исмлар ёзилган аллақанча қабртош... Аллақанча киши тупроқ остида ётибди. Қизик, дунёда ўлик ётмаган бир қарич ер бормикан? Бўламаса керак. Ўликлар тириклардан кўп, лекин тирик инсон дунёни ўзиники деб ўйлайди. Яъни биз улкан гафлатда яшаяпмиз. Ўлганларнинг ҳеч бири ўламан деб ўйламаган бўлса керак. Ваҳоланки, ота-боболаримиз тупроқ остида. Исмларимиз эса қабртошга ёзиш учун қўйилгандек...

Компьютеримнинг тугмасини босдим. Аслида бирор мақсадим йўқ эди, шунчаки ўзимни чалғитмоқчийдим, лекин бўлмади. Ҳамма нарса мени бир нуқтага бошлаётгандек гўё. Ярим соатча куймаланиб ўтирдим. Сўнг «Яхё афанди» деб ёзиб, кидирувга бердим. Бир дунё мақола, бир қанча суратлар, ҳикоялар, манокіблар...

Бир мақолага қўзим тушди. Яхё афанди масжидига қирқ икки йил имом бўлган киши билан ўтказилган суҳбат экан. Эътиборимни тортди. Бир неча кундан бери мен ичида кезиб юрган жой билан боғлиқ бирор нима ўрганарман деган ўйда мақолани ўқишга киришдим. Кўп маълумотлар бор эди аслида, аммо куйидаги сатрлар мени титратиб юборди:

«Яхё афанди масжиди»да иш фаолиятимни бошлаётганимда, мендан олдинги имом, ризалик Ҳожи Ёкуб афанди: «Домла, сизга бир нарсани айтаман, шуни бажарсангиз, кўп кароматларга гувоҳ бўласиз» деди. Кейин баъзи нарсаларни уқтирди: «Мана бу Яхё афанди хазратларининг ёғоч кавуши, бу эса сочиғи. Буларни шу ерда сақлашингиз керак. Сочикни ҳафтада бир марта ювинг. Обдастадаги сув тугаса, тўлдириб қўйиш керак. У кезларда ёш эдим, тавба деб ҳайрон бўлдим. Лекин, Аллоҳга шукр, айтилганларнинг барини адо этдим.

Яхё афанди таҳорат олган жой бор эди, менинг хонам ўша жойга туташ. Биринчи кеча ётиб ухлагандим, тақ-тақ деган товуш эшитилди. Туриб, Яхё афандининг таҳоратхонасига қарадим. Ҳеч нарса кўрмадим. Мендан олдинги имом «Ёғоч кавушнинг товушини эшитасиз, обдастадаги сув тугаганини ва сочиқ хўл бўлганини кўрасиз, лекин ўзларини кўролмайсиз» деганди. Айтганидек бўлди. Ҳеч кимни кўролмадим. Шу пайт соатимнинг қўнғироғи уч бор чалинди, соат уч бўлганини билдим. Ўша кундан бери соат уч бўлганида хоҳ уйда, хоҳ меҳмонда, хоҳ дала ҳовлида бўлсин, мени албатта уйғотишади. Ҳар куни шундай. Нақ соат учда «Мулла, туринг» деган овоз эшитилади. Уч марта эшитилади, тураман...»

Ундан ортиғини ўқиёлмадим, дарҳол саҳифани ёпдим. Терга ботдим. Шундоққина орқамда кимдир нафас олаётгандек сесканиб кетдим. Кўркқанимдан ўтирган жойимдан туролмадим, орқамга ўгиrolмадим. Шунақаси ҳам бўлиши мумкинми? Кап-катта одам алдамагандир?..

Шунчалик қаттиқ кўркқандимки, нима қилишни билолмадим. Ўрнимдан турмасдан, қўлимни узатиб хонанинг чироғини ёқдим. Хона ёруғ бўлса кўркмайман

деб ўйладим. Ўқиганларимга ишонгим келмади, лекин барибир рост деб қабул қилдим.

Шу кеча ухлаёлмадим, мишжа қоқмай чиқдим. Қўрқувдан ўрнимдан ҳам турмадим. Бир пайт соатга қарасам, роппароса уч. Баттар қўрқдим. Ён-веримга кўз ташладим. Столимнинг қаршисидаги деворга осилган тахтага кўзим тушди. Устида бир қанча қайд қоғозлари. Қачонлардир ёпиштирилган, қўнғлимга ёкқан гаплар, шеърлар, фотосуратлар... Қайд қоғозларига қараётиб бир бурчакка игна билан ёпиштириб қўйилган шеърни кўрдим. Одам нимани ўйласа, ўша билан боғлиқ нарсаларни кўради. Менда ҳам шундай бўлди.

Юнус Эмронинг шеърини қачондир ёзиб, тахтага осиб қўйган эканман. Шу пайтгача ҳеч эътиборимни тортмаганди, ҳатто унутиб юборгандим. Бироқ ҳозир, қўрқув босган бир пайтда ўша қоғоздан бошқа нарсани кўрмадим. Унда шундай ёзилган эди:

Ўлимдан нега қўрқасан?

Қўрқма! Абадий бор бўласан...

Лекин мен қўрқдим...

ИСТАНБУЛ, 1523 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Аллоҳ хоҳласа, бўлмайдиган ҳам бўлади.

Султон Сулаймондан ўша мактубни олганига нақ икки йил бўлди. Ҳеч ўйлаб ўтирмай, аввалдан шуни кутаётгандек, онаси Афифа хонимни ўзи билан олиб Истанбулга кўчиб келди.

Истанбул тасаввур қилганидан ҳам чиройли экан. Денгиз соҳилига чиқиб қолган марварид мисоли гўзал. Кишини хайратга соладиган даражада, Аллоҳни унутганга Унинг борлигини эслатадиган даражада чиройли.

Султон Сулаймон Яхёни каттиқ қучоқлади. Бир неча йил бир-бирини кўрмаган икки туғишганлардек, султон ва фукародек эмас, балки оға-инидек кўришишди. Хамма ўша кун султон Сулаймоннинг кўзлари ўзгача порлаганини кўрди. Лекин Яхёнинг кўзлари ҳар доим маҳзун. Севмагани ёхуд севинмагани учун эмас, фитрати, билганлари сабабли шундай.

Султон Сулаймон бир муддат саройда қолишларини сўради. Бироқ Яхё бу таклифни қабул қилмади.

– Саройлар султонларга ярашади, сиз рухсат беринг, биз бошқа жойда қолайлик, султоним, – деди. Султон Сулаймон мажбурламади.

Онаси Афифа хоним билан Фотиҳ мавзеси яқинидаги бир уйга жойлашдилар. Яхёнинг кўнглида ҳамон бир оташ бор, тилига чиқара олмади-ю, ичини куйдиради. Нимани излаётганини билади, бироқ излаганини топа оладими, буни билмайди.

Бир ҳафта ўтгач, султон Сулаймон Яхё афандини саройга чақирди. Яхё афанди дарҳол етиб борди. Кимсан, ҳукмдори жаҳон унга ўрнидан туриб пешвоз чиқди. Меҳр билан кучоқлашиб кўришишди. Сўнг юзма-юз ўтирдилар.

– Саройни кўряпсизми, оға? – деди султон. – Мен ўтирган мана шу ерда аввал отам султон Салим ўтирган, ундан аввал эса бобом Боязид, ундан аввал унинг отаси, Истанбул фотиҳи султон Муҳаммад ва хоказо. Хўш, улар hozir қаерда? Ҳеч қайсиси йўқ. Ҳаммаси қаро ер бағрида. Уларга на бу салтанатнинг фойдаси бўлди, на бойлик, на мартабанинг. Ҳеч нарса ололмасдан ўтиб кетдилар. Энди навбат менга келди, энди менинг галим...

Яхё афанди султон Сулаймоннинг кўзларига термилди. Ҳукмдор жуда тўғри гапирди. Ким бўлсанг ҳам, барибир бу дунёни ташлаб кетасан. Ўзинг билан ҳеч нарса ололмайсан, ҳеч ким бир нарса бермайди. Қандай келган бўлсанг, шундай кетасан – яланғоч ва ёлғиз.

– Ҳақсиз, султоним. Аллоҳ ҳаммаларини раҳмат қилсин. Улар кетди, энди бизнинг давримиз, энди биз вақт ўтказамиз бу дунёда, – деди ва ёдига тушган шеърни ўқиди:

*Келганлар ён-ёна келди, оламдан ўтдилар бир-бир,
Энди навбат менга келди, ёнаман айлона гир-гир...*

Ҳа, рост сўзладингиз, оғам, рост сўзладингиз.

Анчагача суҳбатлашиб ўтиришди. Аввалги вақтларни, дардларни, хасратларни эсга олдилар.

– Бу юк оғир, оға, – деди Сулаймон. – Сизнинг кўнглингиз менинг кўнглимдан залворлироқ. Мен ақл билан ўйласам, сиз ҳис қиласиз, биламан. Мен дарёдек жўшаман, сиз уммондек сокинсиз. Бу имтиҳон машаққатли, оға. Нафс васвасаси ҳар томонимни ўраб оляпти. Баъзан кўзимни кўр қилади, ҳақиқатни кўролмайман деб кўрқаман. Сиздан истагим шуки, менинг кўнглим бўлинг, менга насиҳат қилинг, йўлдан адашсам тўғри йўлга бошланг.

– Ундай деманг, султоним, мен сизга насиҳатчи эмас, биродар бўламан.

Суҳбатлашиб, дардлашиб иккисининг ҳам баҳри дили очилди. Бир маҳал султон Сулаймон:

– Оға, сизни аслида бир хайрли хабар учун чақиргандим, – деди.

– Яхшиликка бўлсин, султоним.

– Али Жамолий афандини биласиз.

– Билмаслик мумкинми? У зотни ҳамма билади. Олимларнинг чироғи, йигирма йилдан зиёдки, давлати олий усмонийнинг шайхулисломи. Бобокалонингиз султон Боязид давридан бери улуғ мартабада. У зотнинг адолатли эканини, кучли олимлигини эшитмаган киши бўлмаса керак.

– Гапларингиз тўғри, оға. У киши адолат йўли, ислом нуридан бир лаҳза ҳам узоқлашмайди. Падари бузрукворим султон Салимнинг қаҳру ғазаби машҳур эди, биласиз. Ҳузурда ҳамма қалтирарди. Али Жамолий афанди бир куни қиблагоҳим минган отнинг тизгинига ёпишиб, «Онт бўлсинки, исломга зид бир хатти-ҳаракатингизни кўрсам, сизни тахтдан тушириш ҳақида фатво

бераман!» дея олган эди. Дин ва адолатга шунчалар содиқ. Бирок ул зот дардманд, умрининг сўнги кунларини яшаётир. Вазифасидан озод этгим келмади, шайх Баҳоуддинзода Муҳйиддин афандини ёнига ёрдамчиликка қўйдим. Ҳозир Али Жамолий афанди кўпроқ Жонбозия мадрасасида талабаларга сабоқ бериш билан машғул. Истардимки, сиз ҳам у кишига шогирд бўлиб, илмидан фойдалансангиз.

Яхё афандининг кўзлари чақнади. Бундай имкониятни излаб ҳам тополмаган бўларди. Насиб дегани мана шу-да! Кутилмаганда, баногоҳ йўлингдан чиқади.

– Чинданми, султоним?

– Албатта, чиндан айтипман, ога. Тез фурсатда Али Жамолий афандининг олдига бориб, унга шогирд бўласиз. Хурсандлигидан нима дейишни билолмади Яхё афанди, қайта-қайта шукрона келтирди, холос.



Яхё афанди саройдан хаяжон билан чиқди. Кувончи ичига сигмаяпти. Ёш боладек севинчидан нима қилишни билолмаяпти. Замонанинг энг буюк олими Али Жамолий афандига шогирд тушишдек бахтга мушарраф бўляпти, бир толиби илм учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми?..

Нима қилишни билмай анча юрди. Аё София масжиди ёнидаги па́стликдан соҳилга тушди. Денгизни томоша қилмоқчи бўлдими, ўзи ҳам билмайди. Шунчаки юрди.

Соҳилга келиб, бир дарахтнинг тагига ўтирди. Атрофига кўз ташлади. Денгизни томоша қилди, мавжланган тўлқинларга қараб хаёлга толди.

«Мен мана шу улкан денгизда бир қатраман, холос. Денгиздан томчини ким ажрата оларди?.. Денгизга

қараганда, ҳамма сувни кўради, томчини кўриш осон эмас. Дунё денгиздан ўзимни қандай фориғ қиламан? Қандай қилиб унинг ичида ва айна пайтда ундан айро бўлишим мумкин?.. Елкамдаги юк икки ҳисса оғир. Ўзинг менга мадад бер, Аллоҳим! Мадад берки, йўлимдан адашмай, денгизда сувга қўшилиб кетмай, ҳаддимдан ошмай!»

Анчагача ўйланиб ўтирди. Кўпчиликнинг, бунча одамнинг орасида қандай яшайди?.. Ўйлади-ю, чора тополмади. Ҳозир Трабзон тоғларида, кўнгли таскин топадиган хилватда, Ҳиросида бўлиб қолганида эди...

Кўзларини денгизга, узоқларга қадаб ўтирганида юзига кўланка тушди. Бошини ўнгга буриб, ҳайратдан донг қотди. Бўлиши мумкин эмас, қандай қилиб?.. Трабзон қайдаю, Истанбул қайда?...

– Бўлиши мумкин. Аллоҳ хоҳласа, бўлмайдиган ҳам бўлади.

– Устоз...

Яхё бошқа ҳеч нарса деёлмади, тили айланмади.

– Ҳақиқий синовинг энди бошланяпти, ўғлим. Узлатда, танҳоликда, ёлғизликда, ҳеч ким йўқлигида, инсонлардан узоқда Аллоҳни ўйламоқ ва топмоқ жуда осон. Ҳақиқий машаққат кўпчилик орасида У билан бирга бўлмоқдир. Энди ҳақиқий душманинг нафсингдир, ундан халос бўлиш учун аввало ўзингдан қутулмоғинг керак. Буни ҳам танҳоликда эмас, халойиқ орасида бажарасан. Мушкул, ниҳоятда мушкул бўлади, лекин ўрганасан. Сени бу денгиздан ҳўл қилмасдан олиб ўтадиган бирортани қидирган эдинг, ўша излаганинг Али Жамолий афанди бўлади. Унинг ўзи ҳам бундан бохабар. Шунинг билгинки, сенинг бир ўйинг, бир қароринг, режанг бор бўлса, албатта, Аллоҳники ҳам бор.

Яхё афанди индамади. Гапирган тақдирда ҳам, сўзлари маъносиз қолишидан чўчиди.

– Қани, борақол! Али Жамолий афандининг хузурига бор, зеро, бундан кейинги синовинг қаттиқ бўлади. Аллоҳ муборак қилсин!

Қисса

❧

ТЎРВАЛИ АЛИ ЖАМОЛИЙ АФАНДИ

Усманийлар салтанатининг саккизинчи шайхулисломи, асли исми Али Жамолий бўлган Тўрвали Али афанди Жамолиддин Муҳаммад Оқсароий наслидан Аҳмад ибн Маҳмуд Чалабийнинг ўғлидир. Қорамонда туғилган, лекин туғилган санаси номаълум.

Илк таҳсилни Қорамон ва Кўняда олгач, Истанбулда Мулла Хусрав, Бурсада Мавлоно Хусамзода Муслихиддин афандиларнинг хизматларида бўлиб, улардан ижозат олди. Таҳсилни адо этгач, Эдирнадаги Тошлиқ Али бей мадрасасига муддарис бўлиб тайинланса-да, қорамонлик Маҳмуд пошшо билан оралари бузилгани учун у ерда узоқ қололмади. Садриаъзам уни паст маош билан Бейларбейи мадрасасига тайинлагач, Тўрвали Али афанди шарафу орини ўйлаб истеъфо берди ва шайх Абул Вафо хазратларининг хизматига кирди. Фотиҳ султон Муҳаммаднинг вафотидан кейин Боязид II саройга таклиф қилса-да, рози бўлмади. Бу ишдан қазабланган ҳукмдор

уни аввал Бурсага, кейин Амасияга мударрис сифатида сургуни қилди.

Сургундан рухсатсиз қайтгани учун вазифасидан четлатилди, бироқ Боязид II қўрган туш боис Тўрвали Али Жамолий афанди афв этилиб, 1503 йилда шайхулислом бўлди. Қолаверса, курилиши ўша пайтда эндигина тугаган Боязид мадрасасига мударрис этиб тайинланди.

Явуз Салим тахтга чиқиши билан Али Жамолий афандининг шухрати ортди. Ростгўйлиги, одиллиги ва жасорати билан султоннинг меҳрини қозониб, унга ўз таъсирини ўтказишга муваффақ бўлди. Султонга «Агар шариатга зид амрлар берадиган бўлсангиз, мақомингизга лойиқ эмаслигингиз ҳақида фатво бераман» дея оладиган даражада журъатли эди.

Қонуний даврида ҳам вазифасини давом эттирган Тўрвали Али афанди Родос фатҳида иштирок этди. Фатҳдан сўнг у ерда имом-хатиблик вазифасини бажарди, исломий муассасалар бунёд қилди. Султон Боязид II, Явуз ва Қонуний даврларида жами йигирма уч йил шайхулисломлик қилган, зуҳди ва таквоси билан машхур бўлган, ҳақиқатни гапиришдан тап тортмайдиган, усмонийлар салтанати юксалиш даврининг таниқли уламоларидан Тўрвали Али Жамолий афанди 1526 йилда Истанбулда вафот этди.

Одамлар қийналмасдан, уялмасдан, тортинмасдан сўрай олиши учун саволлар ёзилган қоғозлар солинган тўрвани уйининг айвонидан тортиб олиб, жавобларни тўрва билан пастга ташлагани учун Тўрвали Али Жамолий афанди номи билан танилди.



Али Жамолий афанди қаҳрли ва қаттиққўл султон Салимга ўз таъсирини ўтказиш олган ва уни мувозанатда ушлаб турган эди. Султон Салим давлатга ва халққа фойдаси тегадиган

кишиларни мукофотлашни яхши билганидек, кичик хато учун ҳам қаттиқ жазо тайинлар, лекин ҳеч кимга ноҳақ озор бермасди.

Тўрвали Али афанди бир куни султон Салим саройдаги вазифаларида масъулиятсизлик қилгани боис юз элик нафар маъмурнинг бошини танасидан жуло қилмоқчилигини эшитади ва дарҳол саройга отланади. Зеро, бу кишиларнинг айблари йўқлигига ишончи комил эди ва бундай нохуш ҳодисанинг гунохидан қўрқади. Вазирлар билан мажлис ўтказаетган бўлишига қарамай султоннинг хузурига киради ва шундай дейди:

– Эшитишимча, бир неча маъмурни қатл қилишга фармон берган эмишсиз. Лекин бу кишиларнинг шариат нуқтаи назаридан бирор гуноҳга қўл ургани аниқланмабди. Қўрқаманки, бу ишда хато қиляпсиз, қиёмат куни юзингиз қора бўлади.

Лекин султоннинг қарори қатъий эди:

– Вазифаларига бепарволик қилдилар, жазоларини олиши керак! Қолаверса, бу салтанат ишидир, аралашиниш сизнинг ваколатингизга кирмайди!

Тўрвали Али афанди эса қовоқ уйганча ҳукмдорни ҳовуридан туширадиган шу сўзларни айтади:

– Мен шайхулисломлик хусусида бир нарсани биламан – сизнинг охиратингизни ҳимоя қилишим керак! Сиз эса гуноҳга қараб боряпсиз. Бу қарорингиз охиратингиз билан боғлиқ ва менинг вазифам билан алоқадор! Афв этсангиз, тўғри қиласиз, бўлмаса, охиратда ҳисобини беришингизга тўғри келади! Мен айтадиганимни айтдим!

Шундай дея чиқиб кетади. Султон Салим бир муддат ўйланиб қолади ва шайхулислом ҳақ эканига ишонч ҳосил қилади. Дарҳол фармон беради:

– Ундай бўлса, афв этдик!

ХАЛИЛ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

Жисм – руҳнинг зиндони.

Кўзларимга уйқу кирмаган ўша кеча кўрқув жон-жонимдан ўтиб кетди. Ёлғиз яшашни ўзим маъқул кўргандим, лекин энди оғирлик қияпти чоғи. Одам кўрққан пайтида кимнингдир овозини эшитгиси келаркан. Ўлим билан боғлиқ кетма-кет юз берган ҳодисалар тасодифмиди ёки мен ўлимни тинмай ўйлайверганим учун содир бўлдими, билолмадим. Билганим шуки, қаттиқ кўрқяпман.

Тонг отар-отмас уйдан қочиб чиқдим. Югургудек бўлиб зинапоядан тушдим. Тушаётганимда отам менга совға қилган кўк чизиқли кўйлақни кийганимни пайқаб қолдим. Яхши кўраман бу кўйлақни, менга жуда ярашади.

Бинонинг темир эшигидан ташқарига чиқиб, қаерга боришни ўйламаганим эсимга тушди. Кўчада зоғ йўк. Якшанба тонги. Истанбулнинг сукунат чўккан кўчаларида ёлғиз ўзим юрибман. Истанбул ҳозиргидек сокин, ҳатто хувиллаган пайтида ҳам жуда чиройли. Албатта, ҳеч қачон

хувиллаб қолмайди, лекин инсон баъзида Истанбул билан холи қолишни истаб қолади. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Балки иложи бордир деб ўйлаганим учун машинамини мингим келмади. Пиёда юрмоқчи, Истанбул сукунатига кулоқ тутмоқчи бўлдим. Зеро, сўнгги пайтларда сукунат Истанбулда энг ноёб нарсалардан бирига айланган.

Тор кўчалардан ўтиб, катта кўчага қараб юрдим. Салқин тонгда пиёда юриш бироз бўлса ҳам фойда берди. Ичимни кемираётган хавотир ариётгандек. Чуқур-чуқур нафас олганча онда-сонда одам ўтаётган катта кўчада кетиб боряпман. Бир жойга бориш ниятим йўқ, шунчаки пиёда юргим келди, холос.

Олдинроқда растасини ҳали очиб улгурмаган симитчидан бир дона симит* олдим. Ўн-ўн беш қадам нарида, болалар майдончасидаги ўриндиққа ўтириб, шошилмай ея бошладим. Ҳеч нарсани ўйлагим келмаяпти. Шунчаки ёлғиз қолсам кифоя. Ҳамма нарсадан узок, лекин ўзимга яқин бўлишни хохлаяпман.

Тўсатдан бир ўй келди хаёлимга. Бугун якшанба, яъни иш куни эмас. Қабристонда ишчилар бўлмайди. Истанбулнинг энг сокин жойлари, шубҳасиз, қабристонлар. Яхё афанди хонақоҳига борсаммикан, ҳеч ким йўқлигида ўша мўйсафидни яна учратармиканман?.. Сўнг бу фикрдан воз кечдим. Ҳали ўзимга келиб улгурганим йўқ, лекин қабристонга боргим келаётгани ғалати.

Майдончада бир ярим соатча ўтирдим. Миямда ғужғон ўйнаётган ўйлардан кутулишга уриндим-у, удалай олмадим. Ўлим нега одамзодга бунча ёмон туюлишини билмайман, яна шу ҳақда ўйлаяпман. Инсон ўлса нима бўлади? Ҳамма учун ҳам ёмон бўлади деган гап йўқ-ку!

* Кунжутли тешиккулча

Мавлоно Румий ўлимни тўй деб атаганини биламан. Тасаввуфда ўлимнинг маъноси ковушмоқ деб ҳам ўқиганман. Хўш, унда нега ўлимдан бунчалик кўрқяпман? Мен айтаётган ўлим билан улар айтган ўлим бир эмасми?..

Ўрнимдан турдим. Катта кўчадан ўтадиган бир минибусга ўтириб, Бешиктошга равона бўлдим. Йўл бўйи беихтиёр йўлдан чиққан қабристонлар эътиборимни тортди.

Санадим, нақ саккизта қабристон бор экан йўл устида. Бугунгача аҳамият бермаган эканман. Ваҳоланки, деярли хар куни шу йўлдан ўтаман.

Чирогон саройидан* ўтгач, минибусдан тушдим. Ўша тик йўлда бир амаллаб илдамладим. Соат саккиз бўлабди, ҳали барвақт. Қайтиб кетсамми деб ҳам ўйладим, лекин барибир кизиқиш устунлик қилди. Ўлимга, ўликларга бўлган кизиқиш. Қолаверса, Яхё афанди ҳақида ўқиганларим ичимни жунжиктирди, ҳақиқатми-йўкми, билгим келяпти. Кизиқиш кўрқувдан устунлик қилди, ортга қайтмадим.

Йўлнинг энг тик жойида ўнгдаги тор кўчадан хонақоҳга қараб юрдим. Катта эшиқдан биринчи бор қираётгандек ичкарига қадам ташладим. Бу сафар атрофга бошқача кўз билан қараётгандекман. Эрта тонгда денгиздан эсаётган майин шабада дарахтлар орасидан ўтиб, юзимни сийпалаяпти. Сокинлик шу ерда яширинган. Қизиги, тунда мени кўрқитган ҳамма нарса энди хузур бағишлаяпти.

Хиёл юқорига қараб кетган тошйўлакдан масжидга қараб юрдим. Ён-веримдаги дарахтларга биринчи бор кўраётгандек нигоҳ ташладим. Шохларига қўнган

* Истанбулнинг Бешиктош туманида жойлашган тарихий сарой. Қурилиши 1863 йилда бошланиб, 1867 йилда тугаган.

қумриларга кўзим тушди, бунчалик кўплигига аввал эътибор бермаган эканман. Дарвоқе, мушуклар ҳам бор. Санаёлмадим, лекин сони жуда кўп. Бу сафар иш тақозоси билан эмас, зиёрат учун келдим. Худди бошқа одамлардек мен ҳам Яхё афандини зиёрат қиламан. Шу тобда хаёлимнинг ҳақиқат эканига ишондим. Бошқа замонда, мутлақо бошқа ердан гўё. Мозий яширинган жойда... Вақт ва макон алмашиб қолгандек. Мен яшаётган замонда сир бўлиб сақланаётган ўтмиш, мен яшаётган жойда яширинган макон...

Масжиднинг ён томонидан ўтиб, орқадаги таҳоратхонада таҳорат олдим. Атрофда ҳеч ким кўринмаётганидан хурсанд бўлдим. Ёлғиз бўлсам ҳам, ўзимни қабристонда юргандек ҳис қилмаяпман. Биринчи марта чўчимадим, ниҳоятда хотиржамман.

Пойабзалимни ечиб, жавонга қўйдим. Кейин пастак эшиқдан ичкарига кирдим. Барча кўркув-хавотиримни ортда қолдиргандекман. Вақт ҳам, дунё ҳам ортда қолгандек. Мана, шундоқ олдимда Яхё афандининг темир панжара билан ўралган сарқофаси. Ўлган-ку деб ўйламадим, ўйлай олмадим. Тунда ўқиган мақоламнинг таъсирида шундай ҳис қилдимми, билмайман. Рухига дуои фотиҳалар қилдим. Бошимни темир панжарага суяб, кўзларимни юмиб, бутун борлиқни, хатто ўзимни ҳам унутишни истадим.

Сўнг турган жойимда тиз чўқдим. Бу ерда кимдир бўлганида, бундай қилолмаган бўлардим, яхшиям ҳеч ким йўқ. Қўлларимни очдим ва қалбимда неки бўлса, барини дуога тўқдим:

«Аллоҳим!

Бутун умр йўлимни йўқотишдан қўрқиб яшадим, лекин кўркув билан яшаб бўлмайди. Аксарият пайтларда

нажотни Сендан излашни унутдим. Мен гуноҳқорман, биламан, гуноҳ дарёсида ғарқ бўлганман. Кечир мени, Сендан бошқа ҳеч кимим йўқ!

Ичимда жуда кўп изтироб, жуда кўп дард бор. Лекин Сен ҳар дардимга давосан. Мени бенасиб қайтарма. Ичимдаги қайгудан мени арит, Аллоҳим! Фориғ қилгин мени, юрак-бағрим ўртанмасин.

Мени кечир ва дуоларимни қабул қил! Омин».

Дуони тугатгандан кейин ҳам ўтирган жойимдан турмадим. Ўтиравердим. Негалигини билмай ўтиравердим. Бироқ шуни билдимки, одамзод фақат жисмдан иборат эмас. Жисм бир либосдир ва унинг эгаси бор. Илк бор ўша кун руҳимга қулоқ тутдим ва юрагим хузурга тўлди. Яна шуни англадимки, бу дунёга маҳлиё бўлган, бу дунёни хоҳлайдиган жисмим экан, руҳим эса қанот қоқиб, Эгасининг олдига боришни хоҳларкан.

Юрагимдаги ғашликни масжидда қолдириб, ташқарига чиқдим. Энди кўркмаяпман. Фақат баъзи нарсаларни тушунмаяпман. Балки бир кун келиб тушуниб қоларман.

Масжид олдида бирпас туриб қолдим. Мақолада ўқиганларим хаёлимдан ўтяпти. Ўша обдаста қўйилган жойни, Яхё афанди таҳорат олган жойни кўргим келди. Агар мақолада ёзилганлар тўғри бўлса, шу ерларда бўлиши керак. Атрофга кўз югуртирмоқчи бўлдим. Масжиднинг ўнг томонидан бошлаб айландим. Ҳамма жойда қабрлар бор, қабрдан бошқа ҳеч нарсани кўрмадим.

Аслида шунчаки вақт ўтказаяпман. Ўша мўйсафидни кўргим келяпти. Шу ерда турсам келиб қолар деб умид қилдим. Ярим соат чамаси айланиб юрдим, лекин ҳеч ким кўринмади. Ўзи кутганда шунақа бўлади, қутилганлар келавермайди.

Умидимни уздим. Афтидан мўйсафид бу ерда эмас. Ўзимча бир нималарни ўйлаб топдим-да. Барча саволларимнинг жавоби ўша одамда деб ўйладим. Шунчаки, ора-сирада бу ерга келиб турадиган кекса киши экан. Оддий инсон. Тасодифан, кетма-кет икки-уч бор учрашдик, шу холос. Шундай бўлиши керак экан.

Ана шуларни хаёлимдан ўтказиб, келган йўлимдан қайтиш учун юра бошладим. Орқамда анча-мунча нарса қолдираётганимни ҳис қиляпман. Юрагимда нималардир уйғонди, зимистон чўккан жойим ёришди, йўқотганимни топиш учун қадам қўйдим.

Тошйўлакдан дарвозага қараб секин-аста илдамлай бошладим. Куёш нурлари шундоқ юзимга тушяпти. Бир-икки қадам қўйгач, яна уни кўрдим. «Шунчалик тасодиф бўлиши мумкинми?» дея кўнглимдан ўтказдим. Бошини қуйи солиб олганча, тик йўлдан чиқиб келаётган эди. Унинг ёшидагилар бунчалик шахдам қадам ташлай олмаса керак. Бу сафар кўркмадим, тортинмадим, хатто қувондим. Излаганимни топгандек, дуоим ижобат бўлгандек севиндим. Турган жойимда тўхтаб, уни кута бошладим.

Дарвоза томонга қараб юриши билан бошини ердан кўтарди ва менга кўзи тушди. Эгнида мен биринчи кунда кўрган чопони, салласи ҳам худди ўша. Ҳамма нарсаси бир хил, атрофдаги ҳамма нарса ўзгарса-да, у ҳеч ўзгармайдигандек. Менга қараб жилмайди. Ҳайрон бўлмади. Гўё бу ердалигимни, уни кутаётганимни билганди.

Орамизда ўн одимча масофа қолганда тўхтади. Оҳиста ерга эгилди. Бир нима олдими, бир нарсани ташладими, аниқ кўролмадим ёхуд кўрган бўлсам ҳам, тушуна олмадим. Кейин қаддини ростлаб, юра бошлади ва салом берди:

– Ассалому алайкум, ўғлим!

– Ва алайкум ассалом, амаки.

– Тинчликми? Бугун дам олиш кунингиз деб ўйлагандим.

– Шундай, амаки. Мен аслида зиёратга келгандим, лекин сизни ҳам кўргим келди.

Ёнимга анча яқинлашиб қолди. Ҳатто ҳидини ҳам сезяпман. Ўзгача, ёқимли хид.

– Тасаввур қилгинки, мен ҳам сени кўргани келдим, – деди жилмайиб. «Қанақасига?» дегандек кўзларимни қисиб, бошимни билинар-билинемас ён тарафга ўтирдим.

– Дунёда тасодиф деган нарса йўқ, болам. Тасодифга жоҳиллар ишонади. Зеро, Аллоҳ бор экан, тасодиф бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч нима деёлмадим. Мен ўзимга ўзим айтганларимнинг жавобини бераётгандек эди.

Бирга юриб, хонақоҳнинг орқасида, денгиз томонда бир даракнинг тагигача келдик ва ям-яшил майсанинг устига ўтирдик. Бирпас денгизни томоша қилдик. Гаплашмадик. Сабабини билмайман-у, бу одамдан кўрқмаяпман, аксинча, ўзимни унга жуда яқин ҳис қиляпман. Қолаверса, иккимиздан биримиз кўрқишимиз керак бўлса, у кўрқиши керак, кексайиб қолган киши менга бирор зарар етказолмайди-ку.

Чорак соат чамаси гаплашмадик. Эрталаб, ҳали жазирама ерга тушмаган, одамлар уйдан чиқмаган бир пайтда мен қабристонда нотаниш одам билан шундоқ ёнма-ён ўтирибман.

Ўртадаги жимликни мен буздим:

– Бу ерларга кўп келасизми, амаки?

Денгизга қараб ўтираверди, мен томонга ўгирилмади.

– Аксар пайтлар шу ерда бўламан. Деярли, кетмайман.

«Ҳойнахой Яҳё афандига эргашган тарикат ахлидан бўлса керак, шунинг учун бу ерга тез-тез келиб туради» дея кўнглимдан ўтказдим.

– Унда шу атрофда яшасангиз керак?

– Шундай деса ҳам бўлади, болам.

Бир соатча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Кимлигини, нима иш қилишини, ҳамма нарсани сўрадим. Лекин у менга ҳеч савол бермади. Икки боласи бор экан, бир вақтлар имомлик қилган экан. Энди эса яшаётгандек кўриниб вақт ўтказяпти экан. Шундай деди.

Унинг ёнида ўзимни қадим замонларда дарвешларнинг олдида ўтирганча илм олган талабадек ҳис қилдим. Худди дунёда бир мен ва бир бу киши бордек. Замон ўзгариб қолгандек, мозийга учиб кетгандекмиз. У дарвеш, мен толиби илм...

Бир маҳал хаёлимга Яҳё афанди келди. Бу ердалигимнинг сабаби у. Тунда ўқиганларим мени ҳам хавотирга соляпти, ҳам қизиқтиряпти.

– Унда сиз Яҳё афанди ҳақида айтилган гапларни биласиз-а?

– Нималар дейилган экан, қани, айт-чи!

Кечаси ўқиганларимни айтиб бердим. Ўз фикрларим, ҳисларимни айтдим, кўрққанимни ҳам қистириб ўтдим.

Мени диққат-эътибор билан эшитди. Сўзимни тугатмагунимча мик этмади. Нуқул ўнг қўлидаги тасбехни ўгирияпти, тинимсиз нималарнидир пичирлаяпти. Гапларим тугатиб, кўзларига карадим. Кўзлари кекса кишининг кўзлари эмас гўё, чакнаб турибди, нури сўнмаган.

– Сиз бу ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Бўлиши мумкинми?

– Ўзинг нима деб ўйлайсан, ўғлим?

Аслида бундай жавобни кутмагандим. Саволимга савол билан жавоб берди ва мен нима дейишни билмадим. Бу тўғрида ҳеч ўйлаб кўрмабман. Бўлиши мумкинми? Қайдам.

– Билмасам, – дедим. – Ҳойнаҳой шунчаки ривоят ёки хурофот.

Кўлидаги тасбеҳини оҳистагина чопонининг ўнг киссасига қўйди. Сўнг чуқур тин олди, нафасини «Аллоҳ» деб чиқарди.

– Ўғлим! Аллоҳ ёмон нарсани яратмайди. Гўзал зот фақат гўзал нарсаларни яратади. Аллоҳ нимани бор қилган бўлса, ҳаммаси гўзалдир. Уларни биз ёмон деймиз. Масалан, юрагимизда севги, нафрат деган туйғулар бор. Уларга биз ном қўймадикми? Биз севмоқни яхши, нафратни ёмон демадикми?..

Аллоҳ ҳеч нарсани беҳуда яратмаган. Хузунни ҳам яратган У, дарду ғамни ҳам Ўзи яратган. Лекин буларни ёмон деб биз айтаемиз. Нафсимиз айтади десак, тўғрироқ бўлади. Дунёни унуттирадиган ҳар нарсани нафсимиз бизга ёмон деб билдиради ва шунга ишонтиради. Маҳзун бўлган киши Аллоҳни эслайди, дардли киши Аллоҳга сифинади, ғамгин киши Аллоҳдан мадад истайди, нафсимиз эса буларни хоҳламайди. Ана шунда булар ёмон дея васваса қилади. Биз ҳам ишонаемиз.

Дунё инсонни кўр қилган жойдир. Фақат дунёга қараган кишининг ва фақат дунёни кўрган кишининг кўзлари кўр бўлса, қандай мусибат! Одамзод дунёни неъмат, охиратни зиллат деб ўйлайди. Нафси шундай деб ишонтиради. Ўлмайдигандек яша дейди. Ўлимни дунёда бироз ўйнаб-қул дейди ва одамзод бунга ишонади. Шунинг учун ўлимни мусибат деб билади. Ўлимни Аллоҳ

яратмаганми?.. Демак, ўлим ҳам яхши. Ҳаёт гўзал-у, ўлим ёмонми?.. Ундай эмас. Яшашни ёмон деб биладиганлар ҳам, ўлимни қовушмоқ деб билиб, Азроилни хушхабарчи дея кутганлар ҳам бор...

Мен ундан нимани сўрадим-у, менга нималарни гапиряпти. Худди сабоқ бераётгандек. Миқ этмасдан, кўзларимни ундан узмасдан, деярли нафас олмасдан уни тинглаяпман.

– Биз бу дунёни ягона ҳақиқат деб ўйлаймиз. Эътиқодимиз қай даражада бўлса-да, иқроқ бўлмасак-да, ўлимни мусибат деб билиб кўрқамиз. Ваҳоланки, буларнинг барига сабаб – беҳабарлигимиз. Масалан, она қорнидаги гўдаклар бир-бири билан гаплаша олганида, тўққиз ойдан кейин ҳамма нарса тугаб, бошларига мусибат тушишини гумон қилган бўлишарди. Биз ҳам худди шундай ҳолатдамиз. Бу дунёга шунчалик ўрганиб, боғланиб қолганмизки, бу ердан айрилиш бизни ўлимдан баттар кўрқитади.

Инсон бир тана ва бир руҳдан иборат. Ўлим руҳ учун эмас, жисм учундир. Жисм тупроққа айланади, бироқ ўлим руҳга яқинлашолмайди. Биз мана шу ўринда янглишамиз, гофиллик қиламиз. Жисмимизга руҳ берилган деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, жисмимизга руҳ берилмаган, руҳимизга жисм берилган. Яъни «мен» деганимизда биз фақат жисм ҳақида гапирамиз, ҳолбуки, ҳақиқий «мен» руҳимиздир. Руҳимиз жисмимиздан анча олдин, ҳатто дунё яралмасидан аввал пайдо бўлган. Жисм эса бу дунёда кийиш учун руҳимизга берилган либосдир. Яъни, бир либос ёниб, куйиб кул бўлса, уни кийган киши ҳам куйиб кул бўладими? Бўлмайди, болам. Биз ўлик деганлар шунчаки ҳаёт либосини эгнидан чиқарган кишилардир. Яъни ўлганлар йўқ бўлганлар эмас, аксинча бор бўлганлардир.

Яҳё афанди деяпсан, «Бўлиши мумкинми?» деб сўраяпсан.

Аллоҳ хоҳласа, бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Мақсадинг «Буни кўра оламанми?» дея сўрамоқ бўлса, билгинки, кўрмоқ учун кўз керак. Бошингдаги кўзинг қарайди, лекин кўнги кўзинг кўради...

Хаёлларим алгов-далгов бўлиб кетди. Ўлим ёмон эмасми? Ўлганлар аслида ўлмаганми? Қанақасига? Бу гапларига қандай ишонишим мумкин? Отам ўлган ва хозир йўқ бўлган-ку, буни қандай тушунса бўлади?.. Жавоб тополмадим.

Аслида унинг айтганлари тўғри, лекин ичимда бир овоз беъманилик деб, ишонмасликка ундаяпти. Қолаверса, Яҳё афанди билан боғлиқ саволимга жавоб қайтармади.

Мўйсафид кутилмаганда жойидан турди. Қўлларини тиззасига урди. Чўнтагидан тасбеҳини чиқарди.

– Мен кетишим керак, ўғлим. Вақт бўлди. Лекин шуни билгинки, дунёда бўлиши мумкин бўлмаган нарса йўқ. Ўйлашдан қўрқма. Яна шуни билгинки, жисм руҳнинг зиндонидир. Ўлим руҳни зиндондан халос қилади, одамзодга хуррият беради. Ўлганигда озод бўласан. Тирик киши қаноти боғланган қуш кабидир. Қаноти синиқ эмас, лекин учолмайди. Учмоқ учун ўлмоқ керак.

Ўзимга келгунимча у бир неча қадам ташлаб бўлган эди. Орқасидан сўрадим:

– Амаки, сизни яна кўра оламанми?

Ортига ўгирилмади ҳам, тўхтамади ҳам. Юрган кўйи жавоб қайтарди:

– Хоҳласанг, албатта кўрасан.

Кетди.

ИСТАНБУЛ, 1525 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Одам йўқотганини топади, биз Уни йўқотмадик-ку?!

Вақт Яхё афандини тобляпти, ўзгартиряпти. Ҳар бир ўзгариш юрагини доғляпти, ич-ичдан ёндириб, кул қияпти. Бировга айтолмаганларини шеърларга тўқяпти. Шеърларни ишқ билан ўқийди, сатрларни чўғлардан тизади гўё. Лекин ҳар бир дарднинг, машаққатнинг мукофоти бор. Даво – дарди бор киши учун. У ҳам ишқ манзилларидан бирма-бир ўтяпти, дард тортган сари давога яқинлашяпти.

Дарвоқе, энди у тоқ эмас. Аввал уйи, онаси бор эди, энди унга йўлдошлик қиладиган рафиқаси ҳам бор. Султон Сулаймон сингисининг эри, яъни куёвининг қариндошларидан бирига уйлантириб қўйди. Фёъл-атвори чиройли, насл-насабли бир аёлдир Шарифа хоним. Уни Аллоҳнинг омонати деб билади, онасини қанчалик асраб-авайласа, уни ҳам шундай авайлайди. Аллоҳ бу икки аёлни унга омонат қилиб топширганига ишонади ва улар билан муомалада нуқсонга йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

Икки йилдан бери Али Жамолий афандидан сабоқ оляпти, у зотдан ҳақ, ҳақиқат, адолат, марҳаматни ўрганияпти. Лекин аслида уни эшитганлари, ўқиганлари, ўрганганлари эмас, кўрганлари мутаассир қияпти. Али Жамолий афанди такводор киши, ҳақиқат учун бошидан жудо бўлишдан ҳам чўчимайди, динининг иззати учун ўлимга ҳам тайёр.

Устози Яхё афандини биринчи кунданок ёктирди, лекин буни билдирмади, очиқ айтмади, Яхё эса устозининг ўзига бўлган мухаббатини сезади. Устози унга биринчи кунданок узок йиллардан бери танийдигандек муомала қилади, илк бор кўрганидаёқ «Яхё афанди» деб чақира бошлади.

Али Жамолий афанди кексайиб қолган, бетоб. Шунда ҳам бир лаҳза бўлсин ўрганишдан, ўргатишдан тўхтамайди. Ўрнидан туриш учун мадрасадаги талабаларининг қўлларидан ушлайди, бироқ илм сирларини ўргатаётганда завқ-шавққа берилиб, ўзини унутиб қўяди.

Бир куни Али Жамолий афанди Жонбозия мадрасасида пешин намозидан кейин барча талабаларини олдига жамлади. Толиби илмларнинг кўзи унинг оппоқ соқолида, йиллар изини ўзида акс эттирган юзида.

– Болаларим! – деди ва ҳаммасининг юзига бир-бир қаради. – Агар бугун умрингизнинг сўнгги куни эканини билсангиз, нима қилган бўлардингиз? Кўнгилхушлик қилиб, дунёдан завқ олармидингиз ёки дунёдан воз кечиб Аллохни ёдга олармидингиз?

Бирпас жим бўлиб қолди. Толиби илмлар мулоҳаза қилишини хоҳлади. Яхё афанди жамоат билан деярли тўлай деб қолган масжиднинг эшиги олдида тиз чўкиб ўтирибди, Али Жамолий афандининг саволи зехнига ўқдай қадалди.

«Ҳозир, – дея кўнглидан ўтказди, – ҳозироқ жонимни Эгасига топшира оламан, ўлимга тайёрман. Баҳридан ўта

олмайдиганим ҳеч нарсам, узр сўрашим керак бўлган ҳеч ким йўқ. Ҳозирман, ҳозироқ тайёрман.»

Али Жамолий афанди сўзини давом эттирди:

– Болаларим! Шундай ўйлангки, умр дегани бир кун ва ўша кун бугундир. Бу кунни илм, ибодат, Аллоҳ билан ўтказмаслик қанчалар телбалик! Дунё деб аталадиган барча нарса, бор дейилганларининг бари бир кунни йўқ бўлишини одамзод билмайди. Аслида биледи-ю, унутади ёхуд унуттирилади. Умр эса тўхтаб турмайди, ажал бир лаҳза ҳам кутмайди. Шундай экан, инсон ҳар он Аллоҳ билан бўлмоғи лозим.

Талабалар сукут мақомида, одоб билан устознинг ўғитларига кулоқ тутяпти. Али Жамолий афанди ҳақиқатни сўзлаяпти, аммо уларга бироз оғирлик қиляпти.

Бир чеккада ўтирган ёш толиби илмлардан бири қўлини одоб билан кўтарди. Демак, саволи бор. Али Жамолий афанди шундай суҳбатлар асносида ўзига савол беришларидан мамнун бўлади.

– Устоз, Аллоҳ билан бўлиш қандай саодат! Лекин Уни қандай топамиз?

Али Жамолий афанди кулимсиради. Сўнг талабаларга разм солди. Кимнидир излаётгандек, ниманидир қидираётгандек. Сал кейин нигоҳи бир нуқтага қададди.

– Бу саволга Яхё афанди жавоб берсин!

Яхё афанди ўз исмини эшитиб чўчиб тушди. Чиндан «Яхё афанди» дедими устози? Шундай дедими?.. Талабаларнинг нигоҳи ўзига қаратилганини кўрмаса, бунни туш деб ўйлаган бўларди. Хўш, нима дейди? Қандай жавоб беради?.. Кетмакет ютинди. Сўзлайин деса сўз тополмаяпти. Устози уни синаяптими, ажабо?..

Али Жамолий афанди ўтирган жойидан қўли билан ишора қилиб, Яхё афандини ёнига чақирди. Яхё афанди талабаларни оралаб келиб, устозининг ёнгинасига ўтирди.

Нима дейди энди? Нимани гапирарди?.. Али Жамолий афандига қаради. Устози рухсат бергандек бошини қуйи солди. Лекин Яхё афанди гапиролмади, бир неча марта уринса-да, удалай олмади. Мияси бўшаб қолгандек, овози қисилиб, тили музлаб қолгандек. Бўлмади. Хаёлига битта ҳам сўз келмади. Бир маҳал Али Жамолий афанди бошини Яхё афандига ўгирди ва оҳиста:

– Вақти келди, қалбингдагиларни тўкиб соч, ўғлим, – деди.

Яхё афанди енгил тортди, гўё елкасидан оғир юк ағанагандек бўлди. Тилининг тугуни ечилиб, зехни ёришди. «Бисмиллоҳ» деди ва сўзлади, йўқ, дарёдек жўшди, денгиздек тўлиб-тошди.

– Инсон йўқотганини топади, биз Уни йўқотмаганмиз-ку! Зеро, У йўқолмайдигандир. Қаерга қарасак, Уни кўрамыз, нима десак, Уни сўйлаймиз, нимага қулоқ тутсак, Уни эшитамиз. Бироқ яшаш инсоннинг кўзларини кўр, қулоқларини қар қилади. Қараганини кўролмайди, билолмайди, билганига боролмайди. Кўзларимизга дунё шунчалар тўлганки, очиқ-ошкора нарсани ҳам кўролмаймиз.

Аввало ўзимизга қайтишимиз, ўзимизни билишимиз зарур. Мана шунда кўрамызки, душман ўз ичимизда ва у ўлмасдан кўзларимиздан парда, қулоқларимиздан шовқин ва кўнглимиздан мухр кўтарилмайди. Аммо мақсад айнан Уни топиш бўлса, унда изламоқ керак. Топгунгача эмас, ўлгунгача изламоқ даркор.

Юраги кўксидан отилиб чиқадигандек бўлди. Совук тер босиб, қийналиб нафас олди. Нима деганини, кимга

сўзлаганини билмайди. Кўз ўнгида қоронғилик. Эс-хуши бошидан учиб кетгандек. Фақат Али Жамолий афанди қараб турганини пайқади ва унинг ҳорғин овозини эшитди:

– Топгунча эмас, ўлгунча изламоқ...



Ўша кундан кейин Яхё афанди ҳамманинг эътиборига тушди. Айтганлари, ҳатто айтолмаганлари ҳам эшитганларга таъсир қилганди. Уни ҳурмат билан «Мулла Шайхзода» деб атаётган бошлашди.

Яхё афанди бу ҳолатдан ҳам хайрон бўляпти, ҳам бироз чўчияпти. Эътибору илтифотга маҳлиё бўлиб, кўнгли сўқирлашишидан кўрқади. Одамзоднинг кўзлари кўролмаса мусибат эмас, лекин кўнгли кўзи кўр бўлса, тириклик беҳуда. Яхё афанди мана шундан хавотирда.

Бир неча ҳафта кейин Али Жамолий афанди омонатини топширди. Буюк шайхулислом, улуғ олим, юзларча толиби илмнинг муршиди дунёдан ўтди. Айтганидек бўлди – умр бир кун ва ўша кун бугун...

ХАЛИЛ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

*Ўлим тўсатдан келмайди,
одамзод шунчаки кутишини унутади.*

Ўша мўйсафидни бир ҳафта кутдим, келмади. Аксарият пайтларда кутиш беҳуда бўлади, азоб беради, юрак-бағирни ўртайди, лекин барибир кутаверади киши. Ҳатто бутун бошли умр кутиш билан ўтиб кетади. Мен ҳам шундай кутдим. Кўриб қоларман деб эрталаб барвақт Яҳё афанди хонақоҳига келдим. Кечқурун учратиб қоларман деб алламаҳалгача у ерда вақт ўтказдим. Бироқ у йўқ эди, келганини на кўрдим, на сездим. Бировдан сўрамадим ҳам, тўғрироғи, сўрагим келмади. У гўё мен топган сир, уни ошкор қилишни, бошқаларга билдиришни хоҳламадим. Қолаверса, исмидан бошқа ҳеч нарса билмайман, нима деб сўрашим мумкин?..

Бир ҳафта давомида фақат унинг гапларини ўйладим. Қабртошларга аввалгидан бошқачароқ назар ташладим. Барибир ўлишдан қўрқаман, лекин энди мен хис қилаётган

Ўлим кўркуви эмас, қандай ўлиш кўркуви. Кечалари ўлим ҳақидаги китобларни ўқидим. Истамасам ҳам ўлимни ўйлаб, миямнинг бурчак-бурчакларига ташлаб қўйган ғариб хотирани топгандек бўламан. Ўтган бир ҳафта мобайнида шунча пайт гафлатда юрганганимни пайқадим. Ҳамма нарса менга ўлим ҳақида ҳайқирар экан-у, менинг кулогим том битган экан. Дунё ҳар лаҳзада ўлаётган экан, мен уни тирик деб билибман. Алданибман. Ўлим менга жуда яқин экан, мен келмайди деган ҳаёлга борибман. Ваҳоланки, ўлим фақатгина кекса ёхуд бемор кишига келмайди, жажжигина гўдаклар ҳам кутилмаганда бу дунёни тарк этади. Шундай экан, умр дегани бир лаҳза, бир нафас холос ва ўлим ҳар доим ёнгинамизда, яқинимизда.

Қунлаб шуларни ўйладим. Англамоқ истадим, билганлардан ўрганмоқ истадим. Эҳтимол ўлишни хоҳламагандирман, лекин ўлимни билишни хоҳладим. Қарадим, тингладим, ўқидим. Тасаввуфнинг ўлимга нисбатан нуқтаи назари эътиборимни жалб этди. Тасаввуфчилар ўлим билан бир эшик, аниқроғи, боқийлик эшиги очилишига ишонишади. Ўлмоқ – боқийлик демакдир дейишади. Инсон бир бор ўлгач, бошқа ўлимга рўпара келмайди, шунинг учун ҳам ўлимни яқун эмас, бош-ла-ниш, ибтидо ўлароқ кўришади. Бунга ишонишади. Тирикликда ўлиб, ўлгандан кейин яшашади.

Ўлимдан кўркиш инсоний ҳолат, бироқ улар бу кўркувдан фориғ бўлишни хоҳлашади, шунинг учун ўлмасдан аввал ўлмоқ деган сирни пичирлашади. Ўлмасдан аввал ўлмоқ... Одамзод ўлмасдан аввал қандай ўлиши мумкин?..

Тушуна олмадим, бунга қобилиятим етмади. Демак, яшаш деган афсун кўзларимни кўр қилиб улгурган экан. Ўлимни қанчалик оз ўйлаганимни билдим. Эртага нима қиламан,

кейинги ой, кейинги йил, ҳатто ўн йилдан кейин нималар қилишимни режалаштирдим, лекин бир лаҳза кейинги нафасимни олиш-олмасликка ишончим комил эмас. Ўзим билмай ҳар лаҳза ўлаётган эканман. Бир китобдаги гап ўкиганимдан бери ҳаёлимдан кетмайди: «Ўлим тўсатдан келмайди, шунчаки одамзод кутишни унутади». Нақадар ҳаққоний мушоҳада, шундай эмасми?..



Бир ҳафта ўтди. Хонақоҳ қабристонидан ишим яримлаб қолди. Тахминан икки минг атрофида қабр бор, мингга яқинини қайд қилиб улгурдим.

Кечки пайт, шомга яқин қабристондан чиқдим. Ишчилар йўқ, иш вақти тугаган заҳоти кетиб бўлишган. Бир ўзим қолганман. Ён-веримга қарай-қарай қадам ташладим. Балки ўша кекса кишини яна кўриб қоларман дея атрофга кўз югуртирдим. Лекин кўринмади. Демак, энди келмайди. Шунчаки менга насихат қилмоқчи бўлган оддий чол экан-да. Ваҳоланки, мен у ҳақида бутунлай бошқача ўйлаган, унда сирли ҳолатни кўргандим. Гапларини ҳақиқат каби тингладим. Балки ҳар доим учратишим мумкин бўлган, балки ҳар куни йўлимда учрайдиган оддий кишилардан бири. Ўзимни ўзим бемаъни асрорларга отдим. Эҳтимол, у чолни қабристонда учратганим учун шундай хисларга асир тушгандирман, ким билади. Бўламаса ҳаммага ўхшаган, оддий бир кекса киши...

Шу ўй-хаёллар билан машинамни қўйган жойга қараб юрдим. Лекин барибир ўзимни енголмадим. Кўзларим чор-атрофда кезди, излади, бироқ тополмади.

Машинамга ўтирганимда қуёш ботган эди. Ҳали қоронғи тушмаган бўламаса-да, ғира-ширалик Истанбул осмонини қоплаган. Сумкамни ёнимдаги ўриндикка ташлар

эканман, тик йўлдан бор кучи билан чиқишга уринаётган мўйсафидни пайқадим. Мен бир неча кундан бери кутаётган киши! Шундоқ рўпарамдан келяпти! Лекин боши қуйи солинган, кўзларини ердан узмаяпти. Ё мени пайқамади ёки эътибор бергиси йўқ.

Ҳеч нарса қилмасдан пича кутдим, уни кузатиб ўтирдим. Бобомга ўхшатдим, отамга ва ўзимга ҳам ўхшатгандек бўлдим. Сал кейин машинадан тушдим. Орқасидан чақирмоқчи эдим, бирдан хаёлимга бир фикр келди. Орқасидан бормайман. Масжиддан чиқишини кутиб, уни кузатаман. Қасрга боришини, нималар қилишини кўраман дедим.

Шундай қилдим ҳам. Ярим соатча бир чеккада кутиб турдим. Нимага бундай қилаётганимни билмайман. Шунчаки, хаёлимга келган нарсани амалга оширяпман. Шом намозини адо этганлар секин-аста чиқа бошлади. Кўзларим фақат ўша мўйсафидни излади. Ҳамма чиқди, фақат у йўқ. Қош қорайди, атрофда инсон зоти қолмади.

Ўн дақиқача кутдим. Йўқ. Ё ростдан ҳам чиқмади, ёки кўпчилик орасида пайқамадим. Энди келмаса керак деб ўйладим. Қолаверса, қилган ишимдан уялдим. Машинамга ўтириш учун қадам қўйгандим ҳамки, эшиқдан чиққанига кўзим тушди. Боши яна қуйи солинган, охишта қадам ташлаяпти. Мени кўргани йўқ, балки мен шундай ўйлагандирман.

Эғнидаги узун чопонини шамолда ҳилпиратганча тик йўлдан пастга туша бошлади. Орқасидан шунчаки қараб турибман. Иккиланияпман. Боришим керакми ёки йўқ? Бир қарорга келолмадим. Қизиқишим яна бир бор устунлик қилди. Чидолмай орқасидан юра бошладим. Бу мўйсафид мени негадир ўзига тортади ва мен бунга тўсқинлик қилолмайман. Балки уни кўрмасдан аввал бир суянчиқ қидираётгандим. Менга шунчалик сирли

туюлдики, у ҳақида ўйлаб ўйларимга етолмадим. Худди мени қизиқтирган нимаики бўлса, уларни менга изоҳлайдиган, ичимдаги бутун дардни аритадиган, таскин берадиган кишидек туюлди.

Ортидан кетяпман, кўриб қолмасин деб унчалик яқинлашмаяпман. Тик йўлдан тушиб, ўнгга бурилди, мен ҳам бурилдим. Олдимда кетяпти, қуйи солинган бошини ердан умуман кўтармаяпти. Тўхтамай, тинмай юраяпти. Мен эса унинг ортидаман.

Шу тариқа бир неча юз метр юрдик. Қаерга кетяпти бу киши? Уйига бораётган бўлса, нега ҳар куни бу ерга келади? Шунча йўлни қандай босиб ўтади? Нега бошини ердан кўтармайди? Атрофдан бир қанча одам ўтяпти, лекин худди ҳеч кимни кўрмаяпти, ҳеч кимга қарамаяпти. Тўғрига қараб кетиб боряпти, ҳечам шошилмаяпти.

Мен-чи? Нега бу одамнинг орқасидан тушдим, нега умримда қилмаган бемаъниликни қиляпман? Эҳтимол ниманидир излаётгандирман? Ҳа, ниманидир йўқотганман ва ўша нарсани шу мўйсафидда топаман деб ўйлаяпман.

Ундан кўзларимни узмасдан боравердим. Бироз олдинроқда тор кўчадан ўнгга бурилди. Мен катта кўчанинг четидан келаётган эдим, хаёл билан бўлиб рўпарамдан келаётган йигитни кўрмай қолибман. Тўкнашиб кетдик. Гандираклаб кетдим. Йигитдан узр сўрадим. Бошимни кўтариб қараганимда эса кекса кишини кўролмадим. Одимларимни тезлатдим. Унга етиб оламан деб ўйладим. Кўчанинг бошига келиб қарасам, ҳеч ким кўринмади. Узун кўчадан тезгина ўтиши мумкин эмас. Балки бошқа томонга бурилгандир дея атрофга қарадим, йўк. Бирпас ўша ерларда ўралашиб юрдим. Йўк. Йўқотиб қўйдим уни. Орқамга қайтишга мажбур бўлдим.

Қайтаётиб қилган ишимдан уялдим. Зеро, эс-хушли одамнинг иши эмас. Яхё афанди хонақоҳига олиб борадиган тик йўлдан юрдим. Машинамга миниб кетмоқчи эдим. Лекин кўзим тушган ҳолатдан донг котдим. Кўрқдим, титрадим, уялдим. Ҳалиги мўйсафид хонақоҳнинг дарвозаси олдида адал бўлиб, виқор билан турар эди. Қаршисидаги электр чироғи юзини ёритяпти, шабадада узун чопони қилпираяпти. Қанақасига, қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? Мендан олдин келиши мумкин эмас, шу йўлдан ўтганида албатта уни кўрган бўлардим. Ё бошқа йўлдан келган ёки... Ҳатто ўйлаш ҳам миямга оғирлик қияпти. Юрагим тез ура бошлади. Кўкрак қафасимда бир қуш типирчилаётгандек гўё. Турган жойимда донг котдим, у эса менга қараб турибди.

Юролмадим. Орқага тисарилаётгандекман. Қочиб кетгим келди. Нималар бўлаётганини тушунмаяпман.

– Топдингми, ўғлим? – деди. – Излаганингни топдингми?

Жавоб беролмадим. Атрофда у билан мендан бошқа ҳеч зог йўқ. Нима ҳам қила олардим?.. Жавоб беришга уриндим, гўлдираган товушлар чиқди оғзимдан. Гапиришга ҳам, қимирлашга ҳам мадорим йўқ. Қўлларим титраяпти. «Топдингми?» деб сўради мендан. Демак, орқасидан борганимни билган экан. Аллоҳим, энди нима қиламан?..

Турган жойида менга қараяпти, менинг қўлимдан эса ҳеч нарса келмаяпти. Ичимда алланима унинг ёнига боришга ундади. Эсимни еганим йўқ! Машинамни ҳам олмасдан, орқамга қарамасдан кочдим.

Қочсам, қутуламан деб ўйлагандим, адашган эканман...

ИСТАНБУЛ, 1535 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Бундан кейин сизга салтанат ҳаром, Сулаймон!

Шухрати ортгани сайин Яхё афандининг дунёга майли камайиб боряпти. Атрофида одамлар жам бўлиб, ундан насихат сўрайди, ўгит кутади, мушкул ишлари борасида маслаҳатлашади. Қолаверса, султон Сулаймон унинг эмиқдоши эканини билганлар ўзгача эҳтиром кўрсатади, оғзига кучи етмайдиганлар эса орқасидан гап-сўз қилади. Лекин буларнинг ҳеч бири султон Сулаймон билан ораларидаги муносабатга раҳна сололмади. Зеро, бир-бирларини оға-ини деб билишади. Султон Сулаймон юраги сиқилганида, бир мушкулоти бўлганида, чора тополмаганида чин оғаси ўрнида кўргани учун Яхё афандига маслаҳат солади, ундан тавсия ва фикрлар олиб, кўнгли таскин топади.

Одамларнинг назарида энди устоз, олим зот. Зеро, Али Жамолий афандининг вафотидан кейин унинг ўрнига Жонбазия мадрасасига мударрис этиб тайинланган.

Атрофида толиби илмлар бор. Мақсад комил инсонни тарбиялаш мақсад экан, бунинг учун сарфланган умр ва вақт беҳуда кетмайди. Яхё афанди шундай деб ишонади, шундай йўл тутлади.

Қаршисида ўтирган талабаларига ҳам, суҳбатини эшитиш учун келган одамларга ҳам, кимлигидан қатъи назар, ҳаммага «ошиқ» дея хитоб қилади, ишқ сирини улар англашга улгурмай дуо дея узоқларга учиради. Истанбул халқи унинг суҳбатига иштиёқманд, аркони давлат ҳам вақти-вақти билан ваъзларини эшитиш учун унинг ҳузурига келади.

Унинг исми халқнинг тилига тушди, ҳатто атрофдаги шаҳарлардан ҳам суҳбатига келишяпти. Яхё афанди билан боғлиқ кароматлар оғиздан-оғизга ўта бошлади. Биров кўрганини гапиради, кимдир кўрмаса ҳам гапиради. Мусулмон келадими, номусулмонми, ҳаммани ҳурмат билан кутиб олади. Шу боис анча-мунча рум ҳам исломни қабул қилди, Яхё афанди васила бўлиб кўнглини ислоҳ этди. Лекин бу ҳол баъзиларнинг гашини келтира бошлади. Уни севадиган кишилар қанчалик кўп бўлса-да, душман деб биладиганлар ҳам кам эмас.

Яхё афандининг чопонларини бир рум тикувчи тикади. Коста уста номи билан танилган бу тикувчи ўз ишининг пири бўлиб, фитрати тоза киши.

Бир куни Коста уста Яхё афандига яшил газламадан чопон тикди. Яхё афанди келиб чопонини олишини бир неча кун кутди, чопон тайёр бўлгани ҳақида қайта-қайта хабар ҳам йўллади.

Ўша куни Коста уста дўконини ёпаётганида Яхё афанди келди. Бироз ўтириб, суҳбатлашгандан кейин Коста уста Яхё афандига чопонини берди.

– Бир кийсангиз, эгнингизда кўрайлик, сизга ёқармикан?

Яхё афанди чопонни олди, лекин киймасдан унга қараб колди. Бирпас шундай турди. Сўнг тикувчига жилмайиб, шундай деди:

– Коста уста, сиз ҳам мусулмон бўлсангиз, бизга биродар бўлсангиз, қандай яхши бўларди.

Ҳазиллашдими ёки чиндан айтдими, номаълум. Лекин Коста уста буни ҳазилга йўйди.

– Балки, афандим, – деди кулиб.

Яхё афанди чопонни ҳалиям киймай, қўлида ушлаб турганди.

– Бирор нуқсони борми, киймадингиз, афандим?

– Йўқ, чопоннинг нуқсони йўқ. Бироқ бунга чўнтак тикмадингизми?

Коста уста хайрон бўлди. Чўнтақларини тиккан эди.

– Тиккандим, шунчаки оғзи ёпиқ, истасангиз очаман.

Шундай дея чопонни Яхё афандидан олди. Тикилган ипларни сўқди. Қайта узатганди, Яхё афанди олмади.

– Бир қаранг-чи, чўнтақларида бирор нарса бормикан?

Коста уста бу гапни унчалик тушунмади. Ахир чўнтақларни ўз қўллари билан тиккан, ичида нима бўлиши мумкин?.. Барибир айтилганни бажарди, қўлини чопоннинг ўнг чўнтагига тикди. Қўли бир нарсага тегди. Хайрон бўлди. «Демақ, тикишдан аввал унутиб қолдирибман» дея қўнглидан ўтказди. Қўлини чиқарганида ховучида битта олтин танга бор эди. Нималар бўлганини тушунолмади.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, афандим. Тикишдан олдин унутиб қолдирибман, чоғи, – деди хижолат чекиб.

– Яна бир қаранг-чи.

Бу сафар ҳам хайратга тушди Коста уста. Ахир бошқа ҳеч нарса йўқ эди-ку? Бироз олдин қўли фақат шу олтин

тангага тегди, уни чиқарди. Лекин айтилган гапга эътироз билдирмади. Кўлини яна бир бор чўнтакка тикди. Кўзлари хайратдан катта-катта бўлиб кетди. Дархол кўлини тортиб олди. Қанақасига бундай бўлди?.. Кўлида яна бир олтин танга турарди.

Хайрат билан Яхё афандига қаради. Ҳеч нарса деёлмади. Яхё афанди яна бир бор қарашини буюрди. Кўлини тикқанди, яна олтин танга чиқди. Сўнг яна, яна... Тикувчи чопоннинг чўнтагидан олтин танга чиқараверди. Охири қалтирай бошлади, ақл-хушидан айрилай деди. Бирок тушуниб етди, бу ҳолатда ортиқча гап-сўзга ҳожат йўқ.

Шу заҳоти Яхё афандининг қўлларига ёпишди. Ҳалиям қалтираётган эди. Фақат биргина гап чиқди титроқ лабларидан:

– Афандим, биродар бўлайлик...



Ўша кундан кейин Коста уста ҳам Яхё афандининг суҳбатига қатнайдиغان бўлди. Энди унинг исми Али уста. Унга ўхшаб жуда кўпчилик кўнгил овозини Яхё афандининг василасида эшига олди.

Яхё афанди Жонбозия мадрасасида икки йил мударрислик қилди. Кейин Афдолзода мадрасасига тайинланди. Айни пайтда Аё София масжидида воизлик қиляпти.

Вақт ўтган сари Яхё афанди янада кўпроқ кўнгилларга кириб борганидек, султон Сулаймон шаҳарма-шаҳар кезиб, кўпроқ юртларни фатҳ этяпти. Султон Мохачдан* зафар билан қайтди, энди унга қарши чиқа оладиган деярли ҳеч ким йўқ. Куфр аҳли ислом қўшини қаршисида қилич ўйнатишга чўчидиган бўлиб қолган. Султон Сулаймон

* Мохач – Венгриядаги шаҳар

гўёки жаҳоннинг султони, усмонийлар салтанати – жаҳон давлати.

Яхё афанди тунлари хонадонида, кундузлари мадрасада султон Сулаймонни дуо қилади, бир лахза бўлсин унутмайди. Зеро, биладики, ўзининг имтихонидан султоннинг синови қийинроқ. Оламга султон бўлди, дунёга тегишли нимаики бўлса, тўрт томонини ўради. Шухрати, мардлиги, султонлиги – ҳаммаси нафси билан бир бўлди. Яхё афанди фақат унинг учун дуо қилади. Зеро, бош чириса, жисм ҳам чириydi. Султон адашса, халқи ҳам адашади. Султон бир хато қилса, аҳоли ўн хатога қўл уради.

Бир куни бомдод вақти уйдан чиқиб, масжидга кетаётган эди. Атроф ёришиб улгурмаган, енгил шабада эсяпти. Узун чопонини олдинга тортиб қўйди. Яккам-дуккам оқ толалар аралашаётган соқолини шамол сийпалаяпти. Тупроқ йўлдан вазмин қадамлар билан юриб, хар одимда битта дуо қиляпти. Дуоларнинг кўпи султон Сулаймон учун.

Одатдагидек бомдод намозидан аввал соҳилга келди. Хар куни субҳ пайти бу ерга келади, атрофда ҳеч ким йўқлигида хаёллар уммонига шўнғийди. Ўзини, нафсини, Роббисини, ҳамма нарсани ўйлайди, чора тополмаган дардларига даво излайди. Бу ерда ўйга толганида, гўё ўзи катталашиб, дунё эса кичрайиб қолади. Муршидини шу ерга келган пайтларда кўради. Ўша тонгда ҳам шундай бўлди.

Кўзларини уфкка қадаб ўтирганида муршиди келди. Дарҳол одоб билан унинг олдида қўл қовуштирди, бошини куйи солди.

Яхё афанди ҳали ҳам талаба, хар гапни одоб билан эшитди. Бироздан кейин муршиди:

– Ичингдагиларни тўкиб-соч. Айт, юрагингни нима сиқяпти? – деди.

Яхё афанди чуқур нафас олди.

– Кўрқяпман, афандим, жуда қаттиқ кўрқяпман. Кўрқувим ўзим, нафсим билан эмас, султон Сулаймон билан боғлиқ. Зеро, унинг имтиҳони машаққатлидир ва бу йўлда бир одим эмас, ярим одим тойса ҳам, мусулмонларнинг бари юзтубан йиқилади. Кўрқувимнинг боиси шу...

– Кўнглинг хотиржам бўлсин! Сен Сулаймоннинг ёнига беҳудага қўйилмагансан. У тоядиган бўлса, қўлидан ушлаб коласан.

Кўп нарсаларни гаплашдилар. Бири сўйлади, иккинчиси тинглади. Яхё афандининг қалбидан кўрқувлар аригандек бўлди. Бомдод намозига азон айтилишидан олдин хайрлашишди. Яхё афанди намозини масжидда адо этгач, уйига қараб равона бўлди. Тор кўчалар орасидан ўтган узун кўчанинг бошига келди. Кўчалар аста-секин одамлар билан тўляпти, одамлар билан бирга шаҳар ҳам уйғоняпти. Шу пайт бир киши келиб Яхё афандининг ёқасига ёпишди. Соқоли коп-қора, қора чопон кийган киши. Бақувват қўлларини Яхё афандининг елкаларини қўйиб, йиғламсираган овозда гапира бошлади:

– Эй, мулла! Эй, Яхё афанди! Сизлар мусулмонмиз, адолат ва марҳамат тарқатамиз деб юрасизлар. Мусулмонлик – адолатдир дейсизлар. Мен румман, сизлар эътиқод қилган нарсага эътиқод қилмайман, лекин ҳақ-ҳуқуқни биламан.

Яхё афанди бу одам нима демоқчилигини ҳам, нималар бўлаётганини ҳам тушунмаётган эди. Бир зумда атрофларига одамлар йиғилди. Яхё афанди халиги одамни тинчлантиришга уринса-да, қор қилмади. У йиғламсираганча гапини давом эттирди:

– Энди айт-чи, динингизда ўлган ғайримуслимдан ҳам солиқ талаб қилиш, орқасида қолган тулга, етимга солиқ олиш жоизми?

Яхё афанди ҳайратда эди. Бу гапго қандай якун топишини билмаса-да, у кишига жавоб қайтарди:

– Йўқ, динимизда ўлган кишидан солиқ олинмайди, колаверса, факирдан, қари, мухтож кишидан ҳам.

Ҳалиги одам Яхё афандининг ёқасига баттарроқ ёпишди.

– Ҳаҳ! Ундай бўлса, мени яхшилаб эшит! Мендан ўлган киши учун ҳам солиқ талаб қилишади ва ҳар йили ундиришади. Демак, сизлар ё динингизни яхши билмайсизлар, ёки динингизга амал қилмайсизлар! Сенга айтадиган бошқа гапим йўқ!

Шундай деди-да, кетди.

Яхё афанди турган жойида қотиб қолди. Ҳамма унга қараб турибди. Нима қилишни билолмади. Юраги қуйди. Бир мусулмоннинг хатоси учун кимдир динни айбласа, нима бўлади?.. Халқнинг ичида тушган аҳволига эмас, мусулмон сифатида тушган ҳолатига қуюнди.

Бир маҳал ўзига келди. Хонадонига югургудек бўлиб борди. Рум одамнинг айтганларини суриштирди. Рост экан. Яхё афанди газабланди, қаҳри келди. Нима қилиш керак, нима қилиши мумкин? Устози Тўрвали Али Жамолий афандини эслади. Модомики, ҳақ қаршисида жим турмасликни ундан ўрганган, у каби йўл тутади.

Қўлига қоғоз-қалам олди ва кўнглидагиларни ёза бошлади:

«Эй, олам султони Сулаймон!

Бундан кейин сизга салтанат ҳаром бўлди!

Куфр қаршисида, газот майдонида, душман бошида ўйнатган қиличнингиз ўлганларга ҳам сермаладиган бўлдимиз? Шунинг биланги, бу зулмни аждодларингиздан ҳеч бири қилмаган. Сизнинг дин учун гайратингиз ҳали шуми? Қилганларингиз боис бир кофир исломни айблайпти, мусулмонларнинг кўз ўнгиде жавоб беролмайдиган ҳолатга соляпти.

Бундан кейин сизга салтанат ҳаром бўлди, Сулаймон...»

Мактубни тугатиши билан султонга жўнатди.

Нома султон Сулаймоннинг қўлига етиб боргач, аввал хайрон бўлди. Яхё афанди нега ўзи келмасдан мактуб йўллади экан?.. Боисини билолмади. Мактубни очиб ўқий бошлаганида ранги бўзариб, турган жойида қалтирашга тушди. «Бу гапларни оғам ёзган бўлиши мумкин эмас» деб ўйлади.

Мактубни ўқиб тугатиши биланоқ саройдан чиқди. Яхё афандининг ёнига борди. Хонадонига кирганида, Яхё афанди ҳовлисида болтани газаб билан кундага ураётганини кўрди. Ёнига яқинлашди. Яхё афанди ўзини унутиб кўйганга ўхшайди.

Султон Сулаймон салом берди, Яхё афанди индамади. Ортига ўгирилиб, кўзларини газаб билан султонга тикди.

– Ога, бу қандай нома бўлди? Буни ўз қўлингиз билан ёздингизми? Агар шундай бўлса, биздан нима хато ўтди? Мен кимга зулм қилдим, кимга ёмонлик қилдимки, салтанат менга ҳаром бўлсин?

Яхё афандининг кўзларидаги газаб оташи ҳали ҳам сўнмаганди.

– Султон Сулаймон! Бу нимаси? Ўлган ғайримуслимдан одамларингиз нега солиқ талаб қилади? Дин шундай буюрадими? Қолаверса, бу йўл билан қўлга киритилган мол сизга ҳалоо бўладими? Бундай ишлар сизга ярашмайди. Сўраб-суриштирдим, чиндан ҳам шундай бўлган экан. Ана энди еганингиз, ичганингиз, кийганингиз ҳаром, салтанат ҳам ҳаром бўлмайдими?

Султон Сулаймон хайратда эди. Яхё афандини хайрат билан тинглади.

– Оғам, Аллоҳ гувоҳки, сиз айтаётган бу гаплардан заррача хабарим йўқ.

– Бу узрга сабаб бўлолмайди! Хабарингиз йўқ экан, майли. Лекин бу гафлат нимаси?! Эртага Ҳақ ҳузурида бу иш учун қандай жавоб берасиз? Билмабман дейсизми? Ғайримус-лимнинг ҳам ҳақиға риюя қилиш кераклигини билмайсизми? Бировнинг ҳақи учун сўроқ қилинишингиздан хабарингиз йўқми? Шуни билингки, жаҳон султони Сулаймон, шуҳратингиз ҳам, молу мулкингиз ҳам шу дунёда қолади. Нариги дунёга фақат амалларингиз билан борасиз.

Яҳё афандининг кўзларидаги ғазаб энди султон Сулаймонга ўтганди. У ердан кетмади, вазирини чақиртирди, бор гапни айтди. Бу хатони ким қилган бўлса жазолашни, кимнинг ҳақи олинган бўлса, ортиғи билан қайтаришни буюрди. Бир-бир аъёнларини койиди, лекин ичидаги оташ сўнмади.

Яҳё афанди сал нарироқда, дарахт тагида ўтирган эди. Султон унинг ёнига борди. Тиз чўқди. Кимсан, хайҳотдек султон Сулаймон, жанг майдонларида исми тилга олинмиши биланоқ зафар қозонадиган ҳукмдор, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада катта ҳудудларни забт этган подшоҳ Яҳё афандидан хижолат бўлаётганди.

– Оға, ҳақсиз, ҳамма айб бизда экан. Барча ҳақларни ҳақдорларига ортиғи билан қайтариб берамиз. Гафлатда қолибман. Бироқ нуқсонли томонимни сиз тўлдирасиз...

– Тавба шарт. Бунинг учун кўп тавба қилинг, токи Аллоҳ кечиришини умид қилайлик.

Бир муддат жим ўтиришди. На бири гапирадиган, на иккинчиси эшитадиган аҳволда. Султон Сулаймоннинг кўзларидан оққан ёшлар соқолини ҳўл қилди. Шунчалик йиғладики, эғнидаги либоси ҳам жикқа ҳўл бўлди, кўзлари кизариб, лаблари кўкариб кетди.

Ярим соатча кейин султон Сулаймон кўлларини Яҳё афандининг кўлларига қўйди.

– Ога, энди султонлик қилишимизга рухсат борми?

Жилмайди Яҳё афанди. Хеч нима демади. Султон Сулаймон тушундики, хато бўлса, тавба ҳам бор ва тавба эшиги ҳар доим очик.

*Маъти аҳдар**

*Арзон ва ямоқ кийим киймоқдир...
Кибри ва гуруридан халос бўлмаган киши – кўзлари соғлом
бўла туриб кўрмайдиган, қулоғи соғлом бўла туриб
эшитмайдиган киши кабидир.*

* «Яшиил Ғалим» маъносини билдиради. Тасаввуфда қаноаткорликни ифода-
лайди.

ИСТАНБУЛ, 1548 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Тиз яраси битар, тил яраси битмас.

– Эй, ошиқлар, кулоқ тутинг! Юрагимизни куйдириб, ҳолимизни танг қиладиган бир мушкулотимиз бор. Шундай оғир ва машаққатли йўлга кадам қўйдикки, энди душман биз билмаган, кўрмаган ва эшитмаган даражада кучли ва золимдир, – дея ваъз бошлади Яхё афанди Аё София масжидига йиғилган жамоатга қарата.

Жамоат Яхё афанди нима демоқчи эканини тушунмади. Зеро, энди дунёда усмонийлар номини эшитганида бошини қуйи солмайдиган киши йўқ. Усмонийлар дегани мусулмон дегани ва мусулмонлар ҳар доим душман устидан голиб келган. Вена остонасида яничарлар* отининг оёқ излари қолган, Магриб тоғларида усмонийлар байроғи хилпираб турибди. Превезада** Хайридин пошшо***

* Усмонийлар қўшини аскарлари

** Превеза – Грецияда жойлашган шаҳар

*** Барбаросса Хайридин пошшо (1475-1546) – усмонийлар адмирали. 1538 йилнинг 28 сентябрида Превеза яқинида бўлган жангда генуялик адмирал

куффор кўшинини халок қилган ва ҳамма усмонийлар ҳукмронлигини тан олган.

Султон Сулаймон афсонага, европаликларнинг даҳшатли тушига айланган. У душманларининг бошини янчиб ташлади, баъзилар исмини эшитибок унга таслим бўлган.

Эл-юрт хузур-халоватда, одамларнинг чўнтаги ақчаларга, кўксилари ифтихорга тўла. Хоҳ муслим, хоҳ ғайримуслим бўлсин, давлати олий усмонийда яшаш ҳар ким учун саодат саналади.

Хўш, Яхё афанди нималар деяпти? Жанг майдонида яничарларга қарши чиқа оладиган душман ким? Бунга ким журъат қила олади?..

– Жанг майдонида мағлуб бўлган кишининг кураши тугайди, лекин голиб келганининг кураши янги бошланади. Душман кучли ва золимдир, шундоққина ёнимизда. Шунчалик яқинки, жонингизни шундай оладики, ханжарни қайси томондан урганини сезмай ҳам қоласиз.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, шарафли ислом байроғимиз дунёнинг тўрт томонида ҳилпирамоқда. Азон овози ҳамма жойда баралла янграяпти. Лекин ҳақиқий машаққатли йўлга энди қадам қўймоқдамиз.

Қийинчиликда, ёлғизликда, мухтожликда, беморликда ва кексаликда Аллоҳни эслаш, Уни тилга олиш осон. Бироқ бундайин музаффар ҳолатда, ёшлик палласида, бакувватликда, бой-бадавлат бўлганда Аллоҳ билан бирга бўлиш душвордир. Музаффар бўлиш ҳақиқати бўлиш дегани эмас. Зафар – фақат ҳақни излаш ва уни топишдир.

Андреа Дориа бошчилигидаги кўшинни енгган. Турклар кўшинида 122 та кема ва 22 минг аскар, душман кўшинида эса 157 кема ва 60 минг аскар бўлган. Андреа Дориа жанг майдонидан қочиб кетган.

Одамзод кўп нарсага эришдим деб ўйлаганида, кучли эканига ишонганида ожиз қолади. Душман эса ҳар доим ожизликни кутади ва ўша заҳоти ҳужумга ўтади.

Ўша душман сиз билан, ўша душман ичингизда, ҳар лаҳза ва ҳар доим сизни мағлуб қилиш учун кутади. Ўша душман овозингиз, нафасингиз, нафсингиздир. Шундай экан, биз ҳам ҳозир энг заиф ҳолатдамиз. Нафс бир бурчакда ўтириб кутяпти, токи севинч кўзларимизни кўр қилсин. Шунга ҳам қутмоқдаки, кибр шароби кўнглимизни сархуш этсин. Нафс бизга яхшилаб яқинлашишни ва осонгина ханжарини уришни истайди.

Икки олам сарвари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Табук ғазотидан музаффар қайтар эканлар, асҳоби киромга қараб, «Кичик жиҳоддан катта жиҳодга қайтпмиз» деганларини билмайсизларми? Худди шундай, биз ҳам ҳозир катта жиҳод ичидамиз. Бу жиҳод майдонидан мағлуб бўлиб чиқиб кетиш, шунчаки енгилиш дегани эмас.

Шу олам давлатида ғазот майдонига чиқмаган ҳеч ким йўқ. Бу шундай майдонки, ғазот бизнинг юрагимизда ва ўзимиз билан бўлмоқда...

Яҳё афанди қаерга бормасин, шу гапларини такрорлади. Бироқ сўзлари боис инсонларнинг кўнгли озор топишини хоҳламади. Зеро, биладики, тиг яраси битса-да, тил яраси битмайди.



Султон Сулаймон аскарлари билан юртма-юрт кезиб, фатх этиш билан, Яҳё афанди эса кўнгиларни обод қилиш билан овора. Балки болаликларида эшитган сир шудир?.. Бирининг камчилигини иккинчиси тўлдиради. Бири мамлакатларнинг, иккинчиси кўнгиларнинг фотиҳи. Султон Сулаймон қилич, Яҳё афанди эса қалам. Яҳё афанди

ҳар бир кунини, ҳар лаҳзасини бу иш учун фидо қилди, бир он бўлса-да, тарки одат айламади.

Бироқ вақт ўтиб боряпти. Билдирмасдан, сездирмайгина ўтяпти. Яхё афанди бу оламда ярим аср яшаб қўйди. Энди ёшгина толиби илм эмас, улуғ мударрис. Икки фарзанди, ўнлаб талаба-шогирдлари бор.

Вақт ўтгани сари султон Сулаймон билан яқинликлари камаймади, аксинча ортиб борди. Бироқ бундан безовта бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Яхё афанди Истанбулга келганидан бери саройга қадам босмади, ҳар доим султоннинг ўзи унинг ёнига келади. Бирга суҳбатлашишади, дардлашишади.

Ёши улғайгач, султон Сулаймон янада маҳзун бўлиб қолди. Ҳамма нарсаи бут, бироқ нимадир кемтик қолаётгандек туюлаверади. Яхё афандининг ёнига келган пайтлари ўша кемтик бутун бўлади гўё. Шу боис имкон топиши билан Яхё афандининг ёнига келади.

Яхё афанди Аё София масжидида ваъз ўқиган куни тўсатдан уйининг эшиги тақиллади. Лавҳ бошида, мойчирок нурида тиббиёт ҳақида китоб ўқиётганди. «Тинчлик бўлсин-да ишқилиб» дея ўрнидан турди. Тун ярмидан оғган, вақт алламаҳал бўлиб қолган.

Эшикни очганида одмигина кийиниб олган султонни кўрди. Ёнида ҳеч ким йўқ, бир ўзи келибди шекилли. Яхё афанди аввал атрофга кўз қирини ташлади, ҳукмдорнинг ортидан келганлар бўлиши керак-да. Султоннинг ёлғизлигига ишонч ҳосил қилгач:

– Марҳамат қилинг, султоним, – деб ҳукмдорни ичкарига таклиф қилди. Султоннинг юзидаги андуҳни бир қарашда пайқаганди.

Биргалашиб ичкаридаги хонага киришди. Яхё афанди эшикни тамбалади. Қаршисида подшоҳлар қўл ковушти-

риб, омонлик истайдиган султон Сулаймон бир дўст, биродар мисоли чордана қуриб ўтирибди.

Яхё афанди аввал лавҳ устида очиқ турган китобини ёпиб қўйди. Сўнг лавҳ бошидаги мойчирокни олиб, султоннинг олдида турган хонтахтанинг устига қўйди. Ўзи ҳам унинг ёнига ўтирди.

– Тинчликми, султоним? Кеч бўлганда...

– Тинчлик дейлик, тинчлик бўлсин, оғам. Ичимда бир чўғ бор, оға, кўксимни куйдириб кул қиладими дейман. Бировга айтишнинг фойдаси йўқ, биламан. Лекин бу султонлик деганлари, валлоҳи, ўлмасдан туриб жонимни оладиганга ўхшайди. Бу шундай мақомки, юки оғир. Лойиқ бўлсанг, савоби кўп, бироқ гуноҳи ҳам бисёр.

– Ҳақ сўйлаяпсиз, султоним.

– Оға, бугун минбардан туриб айтганларингиз юрагимга ўқ бўлиб қадалди. Ҳар бир каломни ўзимга қаратилган деб билдим. Қиличим ҳар жанг майдонида голиб келишга кодир, билагимга, қиличимга ишонаман. Аммо кўнглимда нима борлигини билолмайман ва ўша душмандан кўрқаман.

Яхё афанди хайрон бўлса-да, сездирмади. Демак, султон ваъз эшитиш учун келган экан. Бировга билдирмасдан, сездирмасдан келибди. Султон бўлиб эмас, бир ғариб банда бўлиб келибди. Яхё афанди бундан хурсанд бўлди.

– Султоним қаридик. Қаранг, фарзандларимиз кап-катта йигитлар бўлишди. Урнимизнинг кўпини яшаб бўлдик. Тўғри айтасиз, ўша душман ҳар бир кишининг бошига бало бўлади. Лекин бошқаларга бир бор йўликса ҳам, сизга ўн бор йўликади. Зеро, сизнинг олдингизда дунёвий ҳамма нарса сочилган.

Султоним, дунёда бедаво дард бўлмайди, бу дарднинг ҳам давоси бор. Шундай экан, Аллоҳни эслаш керак эмасми?

Дард бўлса, Аллоҳ ҳам бор, дардни берган ҳам Ўзидир. Яъни, дард ҳам Ўзидан, даво ҳам. Демак, тинимсиз ҳам дардга шукр қилмоқ, ҳам ул дарднинг давосини Аллоҳдан талаб қилмоқ керак.

Мойчиरोқнинг шуъласи ҳар иккисининг юзига тушиб турган эди. Яҳё афанди шеър бошлади:

*Аҳли дарднинг дардига
дармон экан, тақрори «Ху»,
Сир недирки, ингратар
ошиқларни азкори «Ху»!*

– Оҳ! – деди юрагининг туб-тубидан султон Сулаймон.

– Оҳ, оға, кўнглим бу дунё ғавғоларидан қочиб кетмоқ истади, бироқ менинг вазифам шу экан-да. Нафсим овозини ҳар лаҳзада эшитаман ва анчадан бери юрагимни дабдаба ўз тузоғига туширмоқчи бўлади. Бу нафсининг ҳийласи эканини биламан. Оға, мен султон Сулаймон эмас, оддий Сулаймон бўлишни шунчалар хоҳлайманки...

– Султоним, бу дунё хирси кўзларни кўр қилади. Инсон дунё нимани кўрсатса, ўшани кўради. Ким бўлса бўлсин, султон бўлса ҳам, чўпон бўлса ҳам, ҳамманинг бошида шу бало бор. Озроқ масрур, кўпроқ маҳзун қилади. Инсоннинг энг ожиз тарафини топади ва ўша ерга хужумга ўтади. Ҳатто кишига ўз фарзандининг жонини ҳам олдиради.

Охирги сўзларни айтаётиб Яҳё афанди титраб кетди. Атайин ургу бергандек гапирди. Султон Сулаймон эса бу сўзларнинг ҳикматини хозир тушунмади. Вақти келиб, тушуниб олади.

Иккиси ҳам кўзларини юмиб, хаёлга чўмди. Кўнгилларида нима кечяпти? Бир нарсаларни ўйлашяптими ёки бошқа-бошқа масалаларни?.. Бир маҳал Яҳё афанди кўзларини очмасдан:

– Султоним, сўзланг, – деди.

Султон Сулаймоннинг кўзларига ёш тўлди, мойчиروق шуъласида чехраси янада ғамгин тус олди. Юрагидагиларни тилига чиқарди:

*Олам ичра насибам толиби гулдан хордир,
Инграйман булбул каби, жону дилим бемордир.
Душман ўқи бир томон, бир томон зулми ёрдир,
Қай бирини сўйлайин, минг турли дардим бордир...*

Сукутга чўмдилар, кўзларини очмадилар. Баъзан сўз таърифлай олмаган дардларни сукут ортиғи билан ифодалайди. Икки кўнгилнинг орасида меҳр-муҳаббат риштаси бўлса, улар бир-бирини сўзсиз ҳам тушунаверади. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

Султон Сулаймон анчагача Яхё афандининг уйида ўтирди. Сўнг кетишга ижозат сўради ва ўтирган жойидан кўзгалди.

– Оға кўнглим кўнглингиздан нафас олади. Сиз билан бирга бўлганимда дардни ҳам, давони ҳам топаман. Худди ўша, биз Трабзон тоғларида кўрган киши айтганидек, ярмимни тўлдирасиз.

Бирдан тўхтади ва бир нарсани эслагандай, кўзларини кисган кўйи сўради:

– Дарвоқе, ўша киши ким эди-я?

Яхё афанди бу саволни кўпдан бери кутаётганди. Ҳар нарсанинг ўз вақти бор, демак, бу сирни очишнинг ҳам вақти келибди. Худди махфий нарса айтмоқчи бўлгандек султоннинг қулоғига пичирлади:

– Хизр.

Султон нима дейишни билмади, жим қолишни маъқул кўрди.

Эшик олдига борганда Яхё афандига ўгирилди:

– Бир куни мен ҳам уни кўраманми, оға?..

ҲАР КЕЛГАННИ ХИЗР БИЛМОҚ...

Султон Сулаймон бир куни қайиқда бўғозда айлангани чиқди. Чопар юбориб, Яхё афандини ҳам чақиртирди. Яхё афанди бир киши билан келди ва ҳаммалари бирга қайиққа чиқишди. Сайр асносида Яхё афанди билан бирга келган киши султон Сулаймоннинг бармоғидаги қимматбаҳо узукка тез-тез қараб кўярди. Хукмдор буни пайқади ва бироз безовта бўлди.

– Султоним, – деди ҳалиги киши, – қайиққа чиққанимдан бери узугингиз эътиборимни тортяпти. Агар изн берсангиз, яқиндан кўрмоқчи эдим.

Ғазабланган султон шу заҳоти Яхё афандига қараган эди, у боши билан «Беринг» дегандек ишора қилди. Узукни бармоғидан чиқариб, у кишига узатди.

Яхё афандининг ҳамроҳи узукни диққат билан кўздан кечиргач, уни денгизга иргитиб юборди. Ҳамма хайратдан қотиб қолди. Султон Сулаймон ғазаб билан ўрнидан туриб, у кишининг юзига тикилди. Энди нимадир демоқчи бўлганди, Яхё афанди қўлидан ушлаб,

бунга изн бермади. Хукмдор хеч нарса демади, бирок жахлдан қалтираётганди.

Шунда Яхё афанди деди:

– Султоним, бу киши менинг меҳмоним, шундай экан, қандай жазо бўлса, менинг зиммамдадир. Маъзур тутинг...

Султон Сулаймон жавоб бермади, лекин ғазабини босолмаётган эди. Қирғоққа чиқиш учун амр берди.

Қайиқ қирғоққа яқинлашган пайт ҳалиги киши «Бисмиллоҳ» деб қўлини сувга тикиб, мушт ҳолатида чиқарди. Яна бир марта «Бисмиллоҳ» деб муштини очди ва қўлини султонга узатди. Султоннинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди, хайратдан нима дейишни билолмай қолди. Шунчаки қўлини узатди ва кафтига ташланган узукни олди. Бу ўша, сал олдин денгизга ташлаб юборилган узук эди.

Қайиқ қирғоққа келганида у киши ҳаммадан аввал тушди ва тез юриб, кўздан ғойиб бўлди. На бир сўз деди, на ортига қайрилиб қаради. У кишининг қораси ўчгунча султон кўзларини узолмади. Нима бўлганини тушунмаган эди. Ёнида турган Яхё афандининг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

– Оға, нималар бўляпти? У киши ким эди?

Яхё афанди узоқларга тикилиб қолганди. Юзида хузун ва севинч аралаш алланечук ифода акс этган.

– «Мен ҳам кўрармиканман?» дея сўраган кишингиз шу бўлади.

– Эй воҳ! Нега менга айтмадингиз? Нега менга таништирадингиз уни, оғам?

– У сизга ўзини таништирди, султоним. Лекин сиз таниб олишда кечикдингиз...

ИСТАНБУЛ, 1553 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Биродарлик шу ергача экан...

Ҳокимият қанчалик улуғ неъмат бўлса, шунчалик улкан қуфатдир. Кишининг қўлида қудрати бўлса, кўзига ҳеч нарса кўринмайди, кўнгили кўзи хиралашади. Ҳамма нарсани ўзиники ва ҳатто ҳамма нарсани ўзи учун деб ҳисоблашни бошлайди. Қанчалик қудратли бўлса, қучқуввати қанчалик зиёдалашса, нафси ҳам шунчалик кучаяди.

Яхё афанди давлат ишларига аралашмайди. Султон Сулаймон билан оралари қанчалик яқин бўлса-да, ўз ҳаддини билади ва ҳеч қачон ҳаддидан ошмайди. Фақатгина ундан ёрдам сўраган, дардини айтган кишиларнинг муаммоларини султонга етказди, кейин нима бўлишини билмайди.

Яхё афанди Саҳни Сомон мадрасасига мударрис этиб тайинланди, бошқача айтганда, бир мударрис эришиши мумкин бўлган энг юксак мақомга етди. Кўнгилларни обод

этиш учун қўлидан келганича уринади, нима керак бўлса, барини бажаради. Лекин давр ҳам, инсонлару дунё ҳам ўзгаряпти.

Султон Сулаймон энди Яхё афандининг ёнига аввалгидай тез-тез келмаяпти. Хабар ҳам йўлламай қўйди. Яхё афанди бир неча кун бу ҳолат устида мулоҳаза юритди, ўзидан қусур излади, хатою янглиш қидирди, лекин тополмади. Нима бўлиб ораларига бундай совуқлик тушганини билмайди. Айримлар саройда у ҳақида миш-миш тарқатишидан хабари бор, бироқ султон бу гапларга ишонмайди дея ўзидан хотиржам эди. Унда нима учун келмаяпти?..

Яхё афанди сабабини тополмай қийналди, юраги сиқилди. Сўнги пайтларда сарой ичидан ҳам ҳар хил гап-сўзлар қулоғига чалиняпти. Султон Сулаймон кексайиб қолган, халойиқ унинг ўрнига ким тахтга ўтиришини муҳокама қиляпти, бу тўғрида кўп тахмин ва миш-мишлар айланиб юрибди.

Султон Сулаймоннинг тўнғич ўғли, Моҳидаврон хотундан туғилган шаҳзода Мустафо катта йигит бўлиб қолди. Яхё афанди шаҳзода Мустафони туғилганидан бери суяди. Аҳоли ҳам шаҳзодани яхши кўради, тахтга ўтиришини тилаб дуолар қилади.

Кўпчилик шаҳзода Мустафога султонга қарагандек қарайди. Бир пайтлар султон Сулаймон ҳақида мардлик ҳикоялари тилларда қандай дoston бўлган бўлса, худди шундай ҳикоялар энди у ҳақида айланияпти. Ҳатто кўпчилик шаҳзода Мустафони бобоси султон Салимга ўхшатади, уни мархум ҳукмдорни яхши кўргандек яхши кўради.

Аммо бир миш-мишни эшитиб, Яхё афанди қаттиқ сиқилди. Султон Сулаймон шаҳзода Мустафони бартараф қилиши, нафасини йироққа, жисмини тупроққа кўмиши

хақида гап-сўзлар юрибди. Яхё афанди эмиқдошининг бундай қилишига ишонмайди, бироқ тахт ҳирси кўзини кўр қилиб қўйишидан чўчийди. Бир неча бор султон билан учрашишни истаса-да, бунинг уддасидан чиқа олмади. Бир гал муршидига бу хақида сўз очганида, устози шундай жавоб қайтарди:

– Бу султон Сулаймоннинг кўнгли, виждони ва нафси билан имтиҳонидир. Сен анча олдин унга насиҳатингни қилгансан. Энди бу синов майдонида нима бўлишига ўзи қарор қилади, бир ўзи қилич яланғочлаб жангга киришади.

Яхё афанди юрагида бу дард билан кўп вақт изтироб чекди. Ич-этини еди, кечалари султон Сулаймоннинг хақиға дуолар қилди. Хақиқатан ҳам кўрқади, лекин кўрқув ҳеч нарсага чора эмас.

Куз кунларидан бирида, Истанбулда шаррос ёмғир ёғаётган пайт шундай хабар эшитдики, юрагига тушган оташни жала ҳам сўндира олмади.

Шаҳзода Мустафо Кўня томонларга сафарга кетган султон Сулаймоннинг ўтовида камон ўқи билан ўлдирилибди. Истанбулда бу хабарни эшитганларнинг юрак-бағри шундай ёндики, гўё бутун хонадонларга ўт тушди. Ҳар уй мотамхонага, ҳар она шаҳзода Мустафонинг онасига айланди.

Яхё афанди мудхиш воқеани эшитганида аввалига қотиб қолди, тили айланмади. Йиғлади, тинмай йиғлади. Ҳам ёшгина чоғида тахт гавғосини деб жонидан айрилган шаҳзода учун, ҳам фарзандининг жонини олган султон Сулаймон учун ёш тўқди. Бирининг оҳи, бошқасининг гуноҳи учун тунларни тонгга улаб йиғлади.

Яхё афанди бир неча кун ҳеч ким билан гаплашмади, хонадонидаги хосхонасидан чиқмади. На таом еди, на бир

огиз гап гапирди, на келганларни қабул қилди. Ёлғиз ўзи хонасида чўккалаган кўйи ҳам йиғлади, ҳам дуо қилди. Ҳар дуосининг ортидан шундай деди:

– Эҳ, султон Сулаймон! Сизга айтмаганмидим, салтанатнинг куткусига учманг демаганмидим? Нафсингизга мағлуб бўлманг демаганмидим?



Бу ҳодиса халқнинг султон Сулаймонга бўлган муҳаббатига путур етказди. Кимдир султондан газабланса, кимдир унинг кечирилиши учун Аллоҳга илтижолар қилди.

Энди Яҳё афандининг кўнгли синик. Бу дунёнинг аҳволини англагиси ҳам, бу дунёда қолгиси ҳам келмайди. Бош олиб кетишни, узлатда яшашни хоҳлайди. Энди аввалгидек хаяжон билан сўзламайди, ҳар гапининг охирида ох тортади.

Яҳё афанди ўша мудҳиш ҳодисадан бироз вақт ўтиб мактуб олди. Кутилмаган пайт, кутилмаган кишидан келган бу мактуб юрагидаги оловга мой сепгандек бўлди. Мактубдаги сатрлар кўзига қизиган чўғ бўлиб кўринди.

Хатни шаҳзода Мустафонинг онаси Моҳидаврон хотун йўллаганди. Яҳё афанди унинг исмини кўриб аввалига хайрон бўлди. Мактубни ўқий бошлагач, йиғлашга тушди.

*«Кўнгли хаста бир онадан кўнгли табиби Яҳё афандига!
Вақт қизиқ-а, афандим. Одамзодни шундай қулдирадими,
йиғлашни унуттиради. Кейин эса кўз ёш уммонига
гарқ этади. Бир кунни саройда, бир кунни вайронада
ўтказишига мажбур қилади. Давр ўзгариб, султон қулга
айланар эмиш.*

*Дардим аён. Ўлмасдан туриб жоним танамни тарк
этди. Маълумингизким, болажоним, шаҳзодам Мустафо*

тож-тахтнинг дастидан бу оламдан сургун этилди.
Кўксидан нафаси, тилидан овози, бори-йўғи тортиб
олинди-да, ёшгина жисми қаро ер бағрига кўмилди.

Бундан буён мен тирик мурдаман. Кичкина қизим билан
қувгин қилиндим, егани нон тополмайман, мен шунга
лойиқманми?..

Сиздан истагим шуки, султон Сулаймон менга раҳм
қилмаса, иззатимга, ифратимга раҳм қилсин ва бу
ишининг бир чорасини топсин. Зеро, сизни аввалдан
огаси деб билади ва сизнинг каломингиз унинг ҳузурда
мўътабардир, буни биламан.

Хижолат ва уят билан битган ҳар бир сатрим учун афв
этинг.

Моҳидаврон хотун».

Яхё афанди мактубнинг ҳар сатрини қайта-қайта ўқиди.
Ишонгиси келмади, ёзилганларни кўнгли қабул қилолмади.
Не тонгки, Моҳидаврон хотун бунчалик муҳтож аҳволга
тушиб қолибди. Султон Сулаймон шунчаликка борибдими?
Ишониш қийин.

Сўраб-суриштириб, мактубда ёзилганлар чинлигидан
хабар топди. Султон Сулаймон шахзода Мустафо
ўлганидан кейин онаси Моҳидаврон хотунни Бурсага
сургун қилиб, давлат хазинасидан оладиган ақчасини
тўхтатиб қўйибди. Айтишларича, Моҳидаврон хотун уй
ижарасини тўлолмайдиган, ейишга нон тополмайдиган
холатга тушиб қолган. Яхё афанди юрак-бағри ўртаниб
султонга мактуб ёзди:

«Умар ўгли мударрис Яхёдан султон Сулаймонга!

Айтиладиган кўп калом бўлса-да, барини кўксимда
асрайман. Зеро, сукут қилмасам, тилимдан тўкилмоққа
шай сўзлардан ўзим ҳам қўрқаман. Султоним,

эшитдимки, Моҳидаврон хотун сургун қилинибди ва ҳатто хазинадан оладиган ақчаси ҳам тўхтатилибди. Шу тариқа султоннинг завжаси муҳтож бўлиб қолибди. Бу аҳвол на салтанат иззатига, на султонлик шарафига, на мусулмонлик марҳаматига ярашади. Қилмиши нима бўлса бўлсин, аёл кишига бундай жазо раво кўриладими? Бу мушкул ҳолнинг гуноҳи сизнинг зиммангиздадир, султоним. Амр ҳам, фармон ҳам, гуноҳ ҳам сизникидир...»



Яҳё афанди бир неча кун султон Сулаймондан келадиган жавобни кутди. Кўнглида бир илинж бор эди. «Бу воқеалардан султоннинг хабари йўқдир, мактубни ўқиб, ҳақиқатдан хабар топган заҳоти бу мушкулотнинг ечимини топгандир. Хатосини англаб етгани учун жавоб ёзолмаяпти» дея ўйлади. Бир ҳафта ўтган бўлса-да, ҳали ҳам мактубига жавоб келмаяпти. Яҳё афанди бунинг сабабини тушунолмади, шубҳа қиличи юрагини тилка-пора қилди.

Бир куни мадрасада дарсини тугатиб чиқаётганида ёнига чопар келди. Уни аввалдан танийди. Султон Сулаймон унга бирор хабар юбормоқчи бўлса, шу чопар билан йўллайди. Яҳё афанди султондан хабар келганини билиб аввалига севинди. Султон бир олам ишлар билан машғул, аввалроқ ёзишга вақти бўлмаган-да, дея кўнглидан ўтказди.

Мактубни олиб, қўйнига солди. Негадир мактуб кўксига тошдек ботди. Бесабаб юраги сиқила бошлади. Сабри етмади, бир бурчакка ўтиб, хатни очди. Бир қарашдаёқ бу султоннинг ёзуви эмаслигини пайкади. Мактубнинг охирида «Султон Сулаймон» деб ёзилмаган, муҳр эса садриаъзамники. Яҳё афандининг кўз олди қоронғилашди. Оёғидан мадор кетиб, бир чеккага ўтириб қолди. Ҳайратланди, шошиб қолди. Кетма-кет бир неча бор ютинди. Ранги рўйи заъфарондай саргайди. Вужуди куз

изгиринида чирпирак бўлган япроқдай титради. Мактубда шундай сўзлар ёзилганди:

«Умар ўгли мударрис Яхё афандига! Саҳни Сомон мадрасаси мударрислигидан озод қилиниб, эллик ақча билан нафақага чиққанингиз маълум қилинади».

Яхё афанди чуқур ух тортди. Нима ҳам дерди? Нима дея оларди?.. Демак, султон Сулаймон уни нафақага чиқарибди ва вафосини шундай кўрсатибди. «Султонларда вафо бўлмас» деган киши нақадар ҳақ экан.

Ўтирган жойидан зўрға қўзғалди Яхё афанди. Ишонгиси келмади-ю, қўлида далил бор. Ҳеч нарса демади, ортига ҳам қарамади. Юрак-бағрини ўртаган, лекин тилига чиқаролмаган гапни ичида такрорлади:

– Эҳ, султон Сулаймон! Биродарлик шу ергача экан-да...

ХАЛИЛ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

Дунё сендан воз кечмасдан аввал сен дунёдан воз кеч!

Эртаси куни тонгда ётоғимдан туриб, ишга боргим келмади. Туни билан хатто ақдан озган бўлсам керак деб ҳам ўйлаб чиқдим. Зеро, ўша мўйсафидни бир лаҳза бўлса-да, хаёлимдан чиқаролмадим, хатто тушимга ҳам кирди.

Уйга келганимда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Ҳеч нарса қилмадим. Шунчаки хонамга кирдим ва ётоққа чўзилдим. Қўрқдим, айникса ўзимдан. Бўлиб ўтганларнинг бари рўё бўлиши мумкин эди, лекин ундай эмас. Ё мен ақдан озяпман, ёки атрофимда мен тушунмаётган воқеалар содир бўляпти. Қачон ухлаганимни эслолмайман, кўрган тушим миямга қаттиқ ўрнашиб қолди.

Тушимда Яхё афанди хонақохидаги қабристонда янги қазилган қабр ёнида эканман. Атроф анчагина гавжум. Ён-веримда менга нотаниш аллақанча одам. Ҳозирги замоннинг эмас, эски замоннинг одамларига ўхшайди.

Эркагу аёл, бола-бақра – ҳамма йигилган. Шунчалик гавжумки, кўз олдидан минглаб юз лип-лип ўтади. Лекин мен энг олдинда, шундоқ қабр бошида эканман. Ёмғир ёғяпти. Ёмғирга биров парво қилгани йўқ, ҳўл бўлмасликка уринишмаяпти ҳам. Худди жикка ҳўл бўлишни атай хоҳлашяпти. Бундай бўлиши мумкинми-йўқми, билмадим, аммо ёмғир тупроққа тушиши билан димоғимга урилган тупроқ хиди ҳалиям бурнимдан кетгани йўқ. Демак, одамзод тушида ҳам ҳид сезар экан.

Оломон менга қараб турибди, ҳамманинг кўзи менга қадалган. Мендан нимадир кутишаётгандек, кошки нима хоҳлашаётганини тушунсам. Худди улар шу ерлик, мен хорижликман. Бошимни қуйи солдим. Қўлларим тупроққа беланган, оёқларим ерга қадалиб қолгандек, қочишни хоҳлаяпман-у, удадалай олмаяпман. Нега бундайлигини тушунолмаяпман. Оломон орасидан бир овоз қулоғимга чалинди:

– Туғилган онидаяк одамзоднинг оёқлари шу ерга михланган. Хоҳласанг ҳам қочолмайсан, қочсанг ҳам борадиган, келадиган жойинг шу ер бўлади.

Бошимни ердан кўтариб, овоз кимдан келганини кўрмоқчи бўлдим, бироқ ҳеч кимни кўролмадим. Ҳаммаси йўқ бўлибди, гойиб бўлибди. Боя менга қараган одамларнинг ўрнида қабртошлари турибди. Ёмғир тинмай қуйяпти.

Шу пайт ҳалиги мўйсафидни кўриб қолдим. Мен томонга қараб келяпти-ю, менга қараяпти. Яқинлашяпти, қочишга уриндим, бироқ оёқларим ерга боғланган, қочолмадим. Келди-да, шундоқ ёнимдан ўтиб, олдимда қазилган қабрга кирди. Сўзлай олмайганимни, оғзимни очолмайганимни сезиб қолдим. Мўйсафид ерга чўзилди. Кўзлари очик, менга қараб турибди. Ёнида қабртош бор,

унга «Хусайн ўгли Маҳмуд афанди» деб ёзилган. Шу жойида уйғониб кетдим.

Ўша кеча яна ухлаб, яна худди ўша тушни кўрдим. Бунчалик таъсирланишимни ўйламагандим. Бир нималар бўляпти-ю, нималигини тушуна олмаяпман. Қабристондаги мўйсафид нега мени бунчалик ўз таъсирига олди? Нега ундан бошқа нарсани ўйлай олмаяпман?..

Деярли пешин вақтигача уйдан чиқмадим. Хаёлларим алғов-далгов. Ўйланавериб чарчаб кетдим. Ўлим хақида ўйлаш одамга оғирлик қилади, шу боис бу хақида фикр юритишдан қочишга, ўзини чалғитишга уринади. Мен ҳам истамайман, бироқ ўйламасдан ҳам туролмаяпман. Ҳар нарсанинг бир маъноси бўлиши керак. Модомики, бу дунёда тасодиф деган нарса йўқ, бу хонақоҳга йўлим бежиз тушмаган. Ҳалиги мўйсафидга ҳам бекорга дуч келмаганим аниқ, шунча нарсани ўйлаётганимнинг ҳам сабаби бор.

Хонамдаги курсига ўтирганча хаёлга чўмдим. Кўнглим «Тур, борақол» дейди, ақлим эса бунга монелик қилади. Воз кечмоқчи ҳам бўлдим. Кўнғирок қилиб, энди бу ишни бажаролмаслигимни айтсам, албатта, ўрнимга кимнидир жўнатишади. Йўқ, ундай қилолмадим. Миямда бир дунё савол айланяпти, саволларимнинг барига жавобни ўша мўйсафид берадигандек.

Телефоним жириглади. Кўнғирок қилаётган қабристондаги ишчиларнинг каттаси Мустафо бей экан.

– Халил бей, қаердасиз? Сиздан хавотир олдиқ, автомашинангизни эшик олдида кўрдик.

Машинамни хонақоҳда қолдирганимни шундагина эсладим. Ҳеч бўлмаса, машинамни олиш учун у ерга боришим керак.

– Хавотирланманг, яхшиман. Бирор соатларда бораман, – дея олдим холос. Телефонни ўчирдим.

Кўп ўйланиб ўтирмасдан кийиниб, уйдан чиқдим. Яна озроқ кутсам, кўркув устунлик қилиб, у ерга бориш фикримдан қайтишимни биламан.

Хонақоҳга бораману машинамни олиб, дарҳол орқага қайтаман. Чин дилдан шундай қилгим келди. Лекин кишининг ичига қурт тушса, ақлига эмас, кўнглидагига қулоқ солади, айна пайтда кўнглим нима бўлгандаям, хонақоҳга кириб, ўша мўйсафидни излаб топишимни уқтиряпти. Ўз холимга ўзим ҳайронман.

Барибир кўнглимга қулоқ тутдим. Кўрксам ҳам, хонақоҳга кирдим. Ҳамон кўрган тушимнинг таъсиридаман. Худди мусаффо осмон бирдан қоп-қора булутлар билан қопланиб, шаррос ёмғир ёғадигандек туюляпти. Лекин ичкарига кирган захоти хотиржам тортганимни сездим. Аввал ишчиларнинг ёнига бориб, уларга салом бердим. Ўн дақиқача ёнларида ўтирдим. Кейин ишни баҳона қилиб, қабртошлар томонга қараб юрдим. Атрофга аланглаяпман, ҳалиги ёши улуғ кишини излаяпман.

Қизиқишдан кечаси тушимда кўрган қабр томон йўл олдим. Ортимга қарай-қарай кетяпман. Одам «кўркмайман» дегани билан барибир кўрқади, айнан шу «кўркмайман» деганларидан кўпроқ кўрқади. Мана, тушимда кўринган жойдаман. Атрофда ҳеч ким йўқ. Аллақанча қабр ва худди шахсни тасдиқловчи хужжатдек ўрнатилган қабртошлар. Қуёш ерга тушганга ўхшайди, одам нафас олишга кийналади. Ҳатто барглар ҳам қимирламаяпти. Ҳамма нарса худди суратдагидек турибди.

Ерга қарайман, қабр бор-у, қабртоши йўқ. Афтидан суғуриб олинган, синган бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол

ишчилар олиб қўйишгандир ёки вақтга мағлуб бўлиб, парчаланиб кетгандир. Тушимда кўрганим аниқ шу жой.

Мўйсафидни кўра оламанми?.. Кўрсам, кечаги воқеалардан кейин чидай оламанми?.. Оддий бир чолми у ёки?.. «Ёки»дан кейин айтилиши мумкин бўлган ҳар бир сўз мени чўчитяпти. Тушимда кўрганимдек отасининг исми ҳақиқатан ҳам Хусайинмикин?.. Бир томондан уни кўргим, иккинчи томондан эса тезроқ ишимни битириб кетгим келяпти. Балки уни излаётганимни билмас?..

Ўша ерда бирпас туриб қолдим. Кейин фикримни жамлашга уриндим. Фотоаппаратим, ёндафтарчам, сумкам... Ҳеч бири ёнимда эмас. Кеча кечкурун машинада қолдиргандим, ишлашим учун уларни олиб келишим керак. Шу пайт азон овози янграй бошлади, шундагина бугун жума экани эсимга тушди. Унутганимдан уялдим. Шоша-пиша таҳоратхонага ўтиб, таҳорат олдим. Қайтиб келганимда жой топишга қийналдим, шундоққина остонага чўқдим.

Намозни битириб, бошимни қуйи солдим-у, ҳайрат билан яна чапга бурдим. Эътибор қилмабман, шошганимдан кўрмабман шекилли. Олдимда ўтирган кишининг ёнгинасида ўша мўйсафид ўтирарди. Қачон уни изласам, у мени топиб келяпти. Миқ этмадим. Тўғрироғи, оғзимни очолмадим. Намоз тугагунча безовталаниб ўтирдим.

Аҳд қилдим, қочиб кетмайман. Намоз тугагунича кўзимни ундан узмадим. Мендан олдин чиқиши учун бироз кутиб турдим, кейин оркасидан тушдим. Ичимдан бир овоз «Бор, қўлтиғига кир» деяпти, бошқа бир овоз эса «Қўй, кетаверсин» дея фикримдан қайтаришга уриняпти. Қай бирига қулоқ тутишим керак?..

Кўнглимдан нима кечса, ўшани қиламан. Юрагим кўксимдан отилиб чикқудек уряпти. Ўша кекса киши

олдимдан кетиб боряпти, орамизда бир қадамлик масофа бор холос. Бориб, қўлтиғига киришга журъатим етмади, лекин орқасидан чақирдим:

– Маҳмуд амаки!

Ўғирилмади, тўхтамади ҳам. Яна бир бор чақирдим. Йўқ, қарамади. Янглишдимми? Бу бошқа одамми?..

Орқасидан тез юриб бориб, қўлтиғига кирдим. Июль жазирамасига қарамасдан қўли муздай. Бошини буриб, менга қаради. Ҳа, худди ўша, лекин нега орқасидан чақирганимда қарамади? Сўрай олмадим. Нима дейишни ҳам билмадим. Терлаб кетдим шекилли. Шунчаки, оғзимга келганини гапирдим:

– Аллоҳ қабул қилсин.

– Омин, – деди ва жилмайди. Хотиржам тортдим. Бу табассум ичимдаги алангага сув сепгандай бўлди.

– Кеча... – деб гап бошлагандим, гапимни бўлди.

– Болам, баъзи нарсалар айтилмаганида қийматли бўлади. Масалан, сир.

Ҳеч нима деёлмадим. Ҳа, ўртамизда тушуниксиз бир сир бор. Иккимиз ҳам биламиз, бироқ на мен сўрай оламан, на у гапирди.

– Кел, – деди, – бироз юрамиз.

Қўлим ҳалиям унинг қўлтиғида, тортиб олишга журъат қилолмаяпман. Ундан ажойиб хид келяпти. Тупроқдай, ёмғирдай ёқимли, ҳақиқий.

Жамоат тарқалгунча индамасдан юрдик. Тўғрироғи, у кадам ташляптию мени судраяпти. Мени тортқилаб кетаётгандек.

Қабристонда бир жойда тўхтадик. Иккимиз ҳам жиммиз. Бу мен тушимда кўрган жой. Ўша, қабртоши йўқ қабрининг олдида турибмиз. Тушим ўнгимда рўй бераётгандек.

– Сен билан биринчи учрашган кунимизни эслайсанми, ўғлим?

Унга ўзи айтган сўзлар билан жавоб бердим:

– Одамзод унутганини эслайди, амаки. Мен эса ҳеч унутмадим!

– Ўша куни мен билан масжидга келмаганингда, мени бошқа ҳеч қачон кўрмасдинг. Ёнингга келмасдинг. Лекин сен келдинг, мени кутдинг. Бу дунёда тасодиф деган нарса йўқ, тақдир бор. Биров бировни кўрса, биров бировни эшитса ва биров биров билан бирга бўлса, маълум бўлмай туриб амалга ошмайди. Балки сен билмаслигинг, мен билмаслигим мумкин, бироқ ҳар доим биладиган бир зот бор.

Чиройли гапиряпти-ю, нега менга буларни айтяпти? Илғашим керак бўлган нимадир борми? Мен тушуна олмаяпманми? Бу кишига тўкнаш келишим тасодиф эмасми? Ким ўзи у?..

Ҳали ҳам гапиряпти. Орқамдан шамол эсяпти. Унчалик кучли эмас, аммо мени у томонга итаряпти. Дарахтларнинг шовуллаши қулоғимга жуда ёқяпти. У эса отамга, бобомга, ривоятлардаги дарвешларга ўхшаб сўзляяпти.

– Яшаш инсонни кўр қилади, кўролмай қоласан. Қулоқларингни қар қилади, эшитолмай қоласан. Тилингни лол қилади, хоҳласанг ҳам гапиролмайсан.

Яшаш қоронғи қудуқда бўлишдек гап. Шу қудуқда олдини кўра олиши учун Аллоҳ одамзоднинг қўлига шам беради. Ўша шам кўнгалдир, олов билан эмас, ишқ билан ёнади. Билмаган киши умрини зулматда ўтказиб юборади. У шамни ёқолмаганга дунё зиндон бўлади, лекин буни пайқамайди. Қоронғиликка шунчалик ўрганиб кетганки; кўрмаса ҳам кўрдим деб ўйлайди. Ўлмаса ҳам ўлдим деб

билади. Бирок ўлим ўша қудуқдан чиқмоқдир. Зулматда қолган киши қудуқдан чиқишни ўлим деб ўйлаб, чиққиси келмайди. Ўлишни, билишни хоҳламайди. Одамзод қоронғи қудуқдан ёруғликка чиқишдан нега кўрқсин?..

Аллоҳ инсонни бу дунёга бир инжу донасидек юборади. Оппоқ инжу, губори йўк. Лекин «Қайтганинда ҳам шундай кел» дейди. Қирланмасдан, губорланмасдан, поку покиза ҳолатда. Одамзод шундай бора олишига ишончи комил бўлмагани учун ўлимдан кўрқади. Қолаверса, кўркиш хатокорларнинг сифати эмасми? Гуноҳ билан қирланишдан ва кир ҳолатда қайтишдан кўрқадилар.

Кўрқувинг боиси яшашдан айрилишми? Дунёни орқангда қолдиришми? Унутулишми? Яшаш нима ўзи? Қолаверса, бу дунёда вақт ўтказиш яшаш эмас, қаришдир.

Жим бўлиб қолди. Хаёлимдагиларни бирма-бир сўрашимни кутяпти чоғи. Хўш, нега буларни менга айтяпти? Ўлимни англамоғим учунми? Ёки ҳаёт нималигини уқишим учунми?..

– Одам нега ўлади? – дедим ёш боладек хайрон бўлиб.

– Нима учун туғилса, шунинг учун. Аслида одамзод туғилаётибоқ ўлади, болам. Одам боласи бу дунёга билмоқ учун келади, билса, дунё кўзига арзимас матоҳ бўлиб кўринади. Билмаса, ўлганида билади, унда эса кўп изтироб чекади.

– Билган ҳам, билмаган ҳам ўлади-ку.

Соқолини силаб, кўзларини қисганча менга диққат билан қаради.

– Тўғри. Ақлинг билан ўйласанг, шуни ҳақиқат деб биласан. Кўнглинг билан ўйлаганинда эса биласанки, баъзи кишилар ўлмайди. Бу бекатда бир муддат қолиб, ватанига қайтади.

– Ватанига?

– Инсон учун севган жойи ватандир.

– Демак, бу дунё инсон учун эмасми? Аллоҳ ҳамма нарсани

– кўраётганларимни, эшитганларимни, ҳис қилаётганларимни, яъни дунё деб аталадиган нима бўлса, барини одамзод учун яратмаганми?

– Тўғри, бу дунё инсон учун, аммо инсон бу дунё учун эмас. Инсон кўнглини дунёга очса, унга дунёдан бошқаси кирмайди. Қолаверса, «Дарди дунё бўлганнинг дунё қадар дарди бўлар» дейишади. Агар дардинг дунё бўлмаса, андуҳинг аримаса-да, паноҳ топишинг мумкин бўлган жойни биласан. Масалан, бошингга бир мусибат келса, «Аллоҳдан келди» дейсан. Бу дардингга чора изламоқчи бўлсанг, Аллоҳга борасан.

Ўлмасдан аввал ўлган киши шуни яхши биладики, Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса йўқ. Инсоннинг ўзи ҳам йўқ. Одамзод «Борман» дегани билан ёлғон айтган бўлади. Чунки инсон аслида бу дунёда бор бўлиш учун эмас, йўқ бўлиш учун мавжуддир. Атрофингга бир кара-чи, йўқ бўлмаган нима бор?

Индамадим. Ҳа, ҳамма ўлган, йўқ бўлган. Ўлмаган кимдир борми? Ҳеч ким...

– Масалан, ҳозир ўлсанг...

Титраб кетдим. Ҳозир ўлсам...

– Ҳозир ўлсанг, тайёرمىсан? Ўлим келса, кетмайман дея оласанми? Ўзинг билан нимангни олишинг мумкин? Кимни ўзинг билан бирга олиб бора оласан? Кимдан ёрдам сўрайсан?

Юрагим сиқилиб кетди. Ўлимни ўйлашни, хаёлимга келтиришни хоҳламайман. Ўлим келишини биламан, бунга ишонаман, бироқ билишни истамайман.

– Кўнглинда ким бўлса ўшани олиб кетасан.

Бир лаҳза ўйланиб қолдим. Дарҳақиқат, кўнглимда ким бор? Дунёни қаттиқ севганим учун ўлимдан кўркаманми? Яъни, кўнглимни дунё эгаллаганми? Яшаш ишқига кўнгли боғлаганманми? Ҳеч қачон ўлмайман деб ўйлайманми? Кўнглимда кимни яширганман, ким учун асраганман кўнглимни? Ҳозир ўлсам, шу лаҳзаларда жоним узилса, нима бўлади? Бу дунёдан ўзим билан нима олиб бораман? Айбми, гуноҳми, изтиробми?..

– Ўлишни хоҳламайсан, ҳеч ким хоҳламайди. Бироқ ўлим ёмон нарса эмас-ку. Қара, яхши инсонлар ҳам ўлади, уларнинг ўлими гўзал бўлади. Зеро, ўлимнинг ўзи гўзал. Биз ёмон деганимиз билан ёмон бўлармиди?..

Қолаверса, ўлмайдиган кишилар ҳам бор. Жисми ўлса-да, ўзи ўлмайди. Ҳалиги қудуқдан чиққанида ҳайратланмайдиган, кўнглини қора зиндонларда чиритмаган кишилар. Ўлимни хушxabар, Азроилни хушxabарчи деб биладиган инсонлар бор. Аллоҳ учун яшаганлар ўлмайди. Билгинки, жисми эмас, кўнгли ўлганлар аслида ўликдир. Кўрқадиган бўлсанг, мана шу ўлимдан кўрк...

Хатоларимни афсус-надоматларим, гуноҳларимни ўйлай бошладим. Демак, ўлиш эмас, гуноҳлар билан ўлиш ёмон. Юзи ёруғ киши нимадан ҳам кўрқарди?..

Шу пайт елкамда оғир юк борлигини пайқадим. Ҳар бир гуноҳим алоҳида юк ва уларни кўтариш жуда қийин. Кўрқувим ўлимдан эмас, шу юк билан ўлиб кетишдан экан. Камига дунёни ортмоқлаб олибман, шу боис изтиробларим кўп экан.

Қачонлардан бир шеър ўқигандим, беихтиёр ўша сатрларни эслаб, мўйсафидга қарадим. Овози чиқмаяпти-ю, лаблари қимирлаяпти. Мен ичимда такрорлаган сатрлар унинг оғзидан сассиз-садосизгина чиқди:

Бўи қўл билан кетилмас борар манзилга,
Қуруқ келмадим, Роббим, гуноҳ келтирдим.
Кўтаролмас тоғлар ҳам бу огир юкни
Ортмоқлаб елкаларда, эвоҳ, келтирдим...

ИСТАНБУЛ, 1560 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Дунёдан бошқа муродим қолмади...

Яхё афанди мударрисликдан нафақага чиқарилгани хақида хабар топган куни Истанбулга сиғолмади. Юраги сиқилиб, бошига тушганларга тоқат қилолмай қолди. Унга энг кўп султон Сулаймоннинг қилган иши азоб беряпти, қолаверса, вазифасидан четлатилгани ҳам. Зеро, ўзини кўнгилларни обод этишга масъул деб билади. Султоннинг иши нафақат Яхё афандига, балки бутун халққа берилган жазо бўлди.

Аввалги ҳодисалар камдек, Яхё афандининг нафақага чиқарилиши халққа оғир ботди. Ҳар хил гап-сўзлар кўпайди. Яхё афандининг ўзи бу ҳолат хақида бир оғиз ёмон сўз гапирмади.

Куну тун ўйлади. Кўзлари уйқуни, кўнгли хузурни унутди. Наҳотки, шунчаликка бориш мумкин бўлса?.. Тушунолмаяпти, юрагидаги бу изтиробга заррача бўлса-да, даво излаб, тополмаяпти.

Бу ўйлар ниҳоясида кўнглида аввалдан бери бўлган

истаги такрор ўт олди. Бу ерлардан бош олиб кетишни, тоғу тошларда Аллоҳ билан бирга бўлишни шунчалар хохладики, ўзига чора топгандек бўлди. Кўнгилларни обод қилиш, забт этиш учун қандайдир амалда бўлишга хожат йўқ. Зеро, кўнгиллар Аллоҳникидир ва уларга ҳеч ким эгаллик қилолмайди. Шундай экан, бир жойларга кетиши, дунёдан қўлини ювиб, қўлатигига уриши, қолган умрини узлатда, танҳоликда ўтказиши зарур. Бир хонақоҳ, кўнгилхона топиши, тополмаса, ўзи бунёд қилмоғи даркор. Керак бўлса, тоғларни маскан тутуди, лекин кетмоғи шарт. Трабзон тоғларидаги кичик горни эслади. Ўша ерда ўзига қулоқ тутган, ўзини таниган, нафсини билганди, ана шундай жой бўлиши керак. Қолаверса, ҳаммининг ҳам қаерга борса, кўнгида олиб юрадиган ўз Ҳироси бўлади. Шундай экан, бир жойни маскан тутиши, бутун дунёни мазорга кўмиб, ўлмасдан аввал ўлмоғи лозим.

Яхё афанди тунларни ана шундай ўйлар оғушида ўтказди. Юраги исқанжага олингандек бўлди, азоблангани сари руҳи қочишни, халос бўлишни хоҳлаётганини сизди. Демак, кетадиган пайт келди. Модомики, уни тушунадиган ҳеч ким йўқ, жигарим-иним дегани ҳам уни тушунмаяпти, бехуда овора бўлишининг кераги йўқ, кетмоқ даркор.

Бир кеча яна кўзларига ғам пардаси тортилиб, жисмини изтироб чулғаб, кўзда ёш билан сажда қилаётганида бирдан уйқу босди.

Тушида ўзини ям-яшил дарахтзорда кўрди. Бир қарич ҳам қора тупроқ кўринмайди. Денгизнинг шундоқ қирғоғида, еру осмон бирлашиб кетгандек кўринадиган жой. Бир қўлини узатса денгизга, бир қўлини узатса қўкка етади. Гўё ҳар бир япроқ, ҳар бир дарахт, ҳар бир шох «Аллоҳ» деяпти. Яхё афанди бу ер қаерлигини билмайди. Лекин

енгил тортди, дарди ариб, юраги хотиржам бўлди.

Саждада ўзига келганида юрагига сакинат инган эди. Худди бутун дарду изтироблари тушида кўрган жойда қолиб кетгандек. Қандай гўзал, қандай ажойиб жой эди! Қизик, қаерда экан-а?..

Бу тушни уч кун кетма-кет кўрди. Охирги тунда яна ўша жойда ўзини йўқотиб қўйганида, «Бу ер жаннатмикан?» дея ўйлади. Бир маҳал бир дарахт остида ўтирган кишини кўриб қолди. Хурсанд бўлиб кетди, зеро, уни танийди. Хизр эди у киши.

– Энди дунёвий нарсаларнинг барини тарк этиш, кетиш вақтидир. Зеро, кетсанг камаймайсан, аксинча зиёда бўласан. Сен кетсанг ҳам кўнглини бу йўлга буришни хоҳлаганлар келаверади. Исминг кўнгилаарга ёзилгуси. Мударрисликдан халос бўлиб, дарвеш бўласан. Кетмоқ вақти келди, Яхё афанди.

– Хўш, қаерга бораман?

– Мана шу ерга... У ер қалбингнинг Ҳироси, сен эса синган қалбларнинг табибисан.

– У ерни қандай топаман?

– Изласанг, топасан...

Яхё афанди уйғониб кетди. Уйқудан уйғонгандек эмас, ўлимга уйғонгандек уйғонди. Юрагида на заррача дард, на хафалик, на ғазаб қолган. Нохушдек кўринса-да, бошига тушган ходисалар хайрга васила бўлди.

Уйғонган захоти хонасидан чиқди. Югургудек бўлиб денгиз бўйига борди. Модомики, топмоқ учун изламоқ керак, излайди ва топади.

Соҳил бўйлаб юриб, бирорта қайиқ учрамади. Ҳали эрта бўлгани учун қайиқчилар иш бошлагани йўқ. Яхё афанди қидираверди. Ниҳоят қайиғининг ёнига бўйра

жойнамозини солиб, намоз ўқиётган кишига кўзи тушди. Намозини тугатгунча кутди. Сўнг ёнига яқинлашиб, салом берди.

– Мен сизни танидим, – деди қайиқчи. – Сиз Яхё афанди эмасмисиз?

Яхё афанди «ҳа» дегандек бош ирғади.

– Афандим, доим суҳбатларингизни тингладим. Аллоҳ сиздан рози бўлсин, кўнглим шод бўлди, сизнинг шарофатингиз билан хузурга эришдим. Мени Турок дейдилар, қайиқчи Турок.

– Хузур топганингдан хурсандман. Қани, унда йўлга тушайлик, менинг ҳам кўнглим хузур топсин.

Қайиққа ўтиришди. Яхё афанди сўз сўзламади, фақат соҳилга қараб тушида кўрган жойни излади. Қайиқчи ҳам савол бермади, бир ҳикмати бордир деб ўйлаб, эшакларни иштиёқ билан эшди.

Бир ярим соатча денгизда сузиб юришди, лекин қаерга кетишаётганини билишмайди. Яхё афанди фақат аланглапти, қидиряпти. Бир пайт узоқларга тикилганча қотиб қолди, кўзини узмади.

– Мана шу ер, – деди кутилмаганда.

Қайиқчига ўша томонга сузишни тайинлади. Тушида кўрган жой ҳудди шу ер. Бу жаннатсифат ерни олдинроқ нега пайқамади экан?.. Демак, кўзлари энди кўра бошлаяпти.

Қайиқчи ҳайрон. Яхё афанди кимсасиз, қирғоғигача дарахтлар билан қопланган бу ерда эрталабдан нима қилиши мумкин?.. Лекин эътироз билдирмади. Қайиқни ўша томонга қараб бурди. Бир неча марта эшак эшганидан кейин қирғоққа яқинлашишди.

Яхё афанди тушиш учун жойидан кўзгалганди, қайиқчи ҳам ҳаракатга тушди. Атрофга кўз ташлади, ҳеч зог йўқ.

– Афандим, бу ерда ҳеч ким йўқ. Бу пайтда бирор мусибатга йўлиқманг. Истасангиз, мен ҳам сиз билан келай.

– Йўқ, – деди Яхё афанди. Сўнг чопонини пайпаслади. – Ёнимда ақча йўқ экан, ҳақингни кўнглим билан тўласам, рози бўласанми?

Бошини қуйи солди Турок.

– Афандим, бунинг ҳаққи анча олдин тўланган, – деди.



Яхё афанди қайиқдан тушиб, ям-яшил ўтлар, баланд сарв дарахтларини оралаб юриб кетди. Олтмиш ёшдан ошган, ёш йигит эмас, лекин қирчиллама йигитдек қадам босди ва ҳар одимда бу маконга меҳри ортаверди. Юрди, юраверди. Дам олмасдан кетаверди. Бир орқасига ўгирилиб денгизга қарайди, бир олдиндаги дарахтларга. Тоза хаводан симирди, ўзини бутунлай бошқа диёрга тушиб қолгандек хис қилди. Дунёдан узоқлашгандек, ҳамма нарсани орқасида қолдиргандек...

Тик қияликка чиққанида турган жойи айнан тушида кўрган ерлигини пайқади. Демак, туши ҳақиқат эди. Аллоҳга шуқр қилди. Бир муддат ўзини йўқотиб қўйиб, атрофни томоша қилишга тушди. Излаган жойи, бўлгиси келган жой, балки бўлиши керак бўлган жой мана шу. Кўзларини юмди ва фақат қулоқ тутди. Ўша лахзаларда бир овоз эшитилди:

– Келдингми?

Яхё афанди бу овозни таниди. Дарҳол кўзларини очди ва одоб билан қўл ковуштирди. Худди тушида кўргандек, муршиди шу жойда турибди.

– Келдим, афандим, – деди ва унга яқинлашди. Бир дарахт тагида юзма-юз ўтиришди. Нимани гаплашишди, нима дейишди, маълум эмас, лекин ҳеч қачон ортга қайтишмади.



Яхё афанди қайиққа ўтириб кетганига уч кун бўлди. Ўша кундан кейин уни ҳеч ким кўрмади. Халқ хавотирга тушди. Кап-катта киши қаерда бўлиши мумкин?..

Шарифа хоним уч кундан кейин бошқа тоқат қилолмай, ҳаммадан Яхё афандини сўраттира бошлади. Уни севганлар, суҳбатини тинглаганлар, талабалари тўрт томондан уни излашга тушди. Лекин ҳеч қаердан дараги чиқмади. Охири соҳилдаги қайиқчилар томонга йўл олишди. Сўраб-суриштириб, ниҳоят бир из топишди.

Қайиқчи Туроқ бўлган воқеани айтиб берди. Нималар бўлганини, нималар қилишганини ва қаерга боришганини бирма-бир гапирди. Бу гапларни эшитган талабаларидан бири Туроқнинг қайиғига ўтирди. Яхё афанди ўша тонгда тушиб қолган қирғоққа боришди. Кимсасиз қирғоқда Яхё афандини узоқ қидириб, алалокибат топишди.

Яхё афанди бир дарахтнинг тагида чўккалаб олганча, бутун дунёни унутган кўйи, худди юрак-бағри куйгандек «Ху» деб инграрди. Уч кундан бери шу ахволда, туну кун дуолар қилиб, Аллоҳни эслади.

Уни кўрган заҳоти ёнига югуриб боришди. Яхё афанди ўзида эмас. На қулоқлари эшитяпти, на кўзлари кўряпти. Аввалига кўрқиб кетишди. Бир неча бор исмини айтишгач, ўзига келгандай бўлди. Уни олиб кетмоқчи бўлишди, лекин Яхё афанди рад этди.

– Бундан кейин маконимиз шу ер, – деди.

Қош қорайгунча уринишди, қор қилмади. Ноилож ортга қайтишди ва Яхё афанди хонадонига бориб, бор гапни

айтиб беришди. Шарифа хоним нима қилишини билолмай, султон Сулаймонга мактуб ёзди. Ҳол-аҳволини баён қилди. Биргина умиди ундан.

Султон Сулаймон мактубни ўқиганида ухлаб қолган виждони уйғонди. «Бу хатони мен қилдим» дея кўнгилдан ўтказди. Дарҳол уламолар ва давлат арбобларини Яхё афандининг олдига юборди.

– Нима қилсангиз қилинг, уни олиб келинг! Айтингки, шайхулисломлик мақомини у кишига бердик!

Яхё афандини яна ўша дарахт остида, ўйга толган ҳолатда учратишди. Аввалига унинг сўз бошлашини кутишди, бироқ у миқ этмади. Қимирламай кутишди. Бир пайт Яхё афанди кўзларини очмасдан:

– Гапиринг! – деди. Келганлар бир-бирига қаради. Сўнг ораларидан бири гап бошлади:

– Султон Сулаймон сизни чорламоқда. Ортга қайтишингизни, хатоси не бўлса, ислоҳ этишни истайди. Халқ бир тану бир жон бўлиб сизни излаяпти, сўраяпти, барчанинг юрак-бағри ёнаяпти. Султонимиз бу воқеалардан қайғуга ботди. Сизга шайхулисломлик мақомини таклиф этмоқда.

Яхё афанди кўзларини очди. Олпоқ соқоли титрагандек бўлди. Катъий нигоҳи бу сўзларни айтган кишига қадалган эди.

– Истамайман! – деди. – Менга на мақом, на мавқе керак. Дунёдан қўлимни ювиб, қўлтиғимга урдим. Дунё сизларники бўлсин, менинг ҳеч қандай талабим йўқ. Билингларки, Яхё афанди кўнглини бу тупроққа кўмган ва талабгорлар учун кўнгилхона бунёд этган. Энди менинг дунём шу ер, ортга қайтмайман.

Келганларнинг қўлига бир қоғоз тутказиб, султон Сулаймонга топширишни тайинлади.

Нома етиб келганида султон ҳаммани хузуридан чиқариб юборди. Ёлғиз қолгач, қоғозни очди. Унда фақатгина шеър битилган эди:

*Сўфи эмасдирман истамоқ учун хилват,
Энди чекиниб тоғларга, айлайин узлат.*

*Тоғда тутаб, тоғда ёнайин бўлгунча кул,
Шаҳарда ўтим кимсага бермагай заҳмат.*

*Тоғлару богларда айлагач бунлар жавлон
Дунёда топмишлар чиндан лаззати жаннат.*

*Қофи қаноатда муқим бўлган муқаррар
Сабаби узлат-ла топар иззату давлат.*

Мулки жаҳондан тортди қўлини Мударрис,
Ул жафокашга озор бермаганга раҳмат.*

* Яхё афандининг таҳаллуси

*Маъти асвад**

*Бўлганлар ва бўладиганларнинг
ортидаги асл мусаббибни билмоқдир.
Дардни Аллоҳдан деб билмаганга даво
ҳам Аллоҳдан келмас...*

* «Қора ўлим» деган маънони билдиради. Тасаввуфда нафсни ўлдиршни ифодалайди.

ИСТАНБУЛ, 1566 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Ёш кўздан оқса-да, кўнгилдан келар.

Султон Сулаймон кейинчалик ҳам Яхё афандини ортга қайтариш учун бир неча бор уринди-ю, ҳеч фойдаси бўлмади. Яхё афанди қайтмади, давлат хазинасидан берилган ақчаларни ҳам қабул қилмади.

Яхё афандининг узлатга чекиниб, тоғу тошларни маскан тутганини эшитган талабалари ва унга мухаббат қўйган кишилар бирин-кетин у ерга келди. Ҳар қанча ялиниб-ёлворишса ҳам, Яхё афандини қайтишга кўндира олишмади. Қайтмаслигини англаб, у ерни ўзлари учун хонақоҳ деб билдилар.

Доимо Яхё афандининг ёнида бўлган Ҳожи Қосим ҳам қайтиб кетмади. Қайиқчи Туроқ ҳам қолди, у ўзини Яхё афандининг хизматига бағишлади.

Яхё афанди ўзига бир кулба қурмоқчи бўлди. Авваллари ҳам бундай ишлар қўлидан келарди. Бир неча ой ишлади, уринди, ҳаракат қилди. Уни зиёрат қилиш учун келган талабалари ҳам қарашишди ва ниҳоят баланд дарахтлар орасида, шундоқ тепаликнинг устида ёғоч кулба қурилди. Шундай гўзал жойдаки, у ердан қараганда денгиз мовий гилам бўлиб тўшалгандек туюлади. Денгиз, кемалар ва қаршидаги соҳил ҳам аниқ-тиниқ кўринади. Шундай жойда яшаган, ҳатто шундай жойда ўлган маъқул.

Ҳали кулбасининг кам-кўсти бўлса-да, Яхё афанди онаси Афифа хоним, хотини Шарифа хоним, болалари Иброҳим ва Алини ҳам ёнига чақириб олди. Аввалига улар Яхё афандини қайтиб кетар деб ўйлашди, кейин эса унинг бир мақсади борлигини тушунишди. Зеро, ўша мақсадни деб бу дунёдан воз кечган.

Яхё афанди қўлидан келганича бу ерни яшнатди, экин-тикин билан шуғулланди, тирикчилигини шу ердан ўтказадиган бўлди. Ҳеч бир жойдан бир чақа ҳам олмади.

Суатон Сулаймонга нисбатан гинаси ҳам қолмади. Уни кечирди. Ҳукмдор унинг хонақоҳ қурмоқчилигини эшитиб, меъморларини юборганида Яхё афанди эътироз билдирмади. Жароҳат битса-да, изи қолади. Яхё афандининг ҳам жароҳати тузалди-ю, изи турибди, қачон шу изни кўрса, яралаган кишини эслайди. Лекин ҳеч нарса демайди. Бу ер унга ҳам ҳузур беради, кўнглига дармон бўлади. Ўзи каби кўнглига дармон излаганлар учун хонақоҳ бунёд этишга киришди.

Кўп вақтини тафаккур билан ўтказди. Ҳамма нарсадан воз кечиб, ўзини топди. Зеро, дунё боқий бўлмагани боис Боқийни топмоқ кўйида ҳар фонийни тарк қилди. Бу ерга келган илк кунларда муршиди шундай деган эди:

– Кетмоқ ҳар доим ҳам тарк этмоқ дегани эмас. Ҳатто кетмоқ пайгамбарларга хос ҳолдир, ҳижрат демақдир. Аслида яшамокнинг ўзи кетмоқдир. Биламан, кетиш, тарк этиш, узоқлашиш азоб беради, юрак-бағрингни ўртайди. Бироқ тутун олов бор жойдангина чиқади, оташ ёнмаса, кулбадагилар исинмайди. Бу ерда ёнадиган ҳам ўзинг, ёқадиган ҳам. Ёнсанг, бошқаларга ҳам тафтинг ўтади. Ана шунда ўтин алангаси билан эмас, кўнгил оташи билан олам исинади. Зеро, ўтин алангаси сўнади, кўнгил оташи эса сўнмайди.

Сен, Яхё афанди, бу диёрда фақат кўрганларингга эмас, сендан кейин, анча вақт ўтиб келадиганларга кўнгил берасан.

Бу ерда хонақоҳ барпо қил. Шундай бўлсинки, на замон, на макон, на инсон уни вайрон қила олсин. Зилзилалар, ёнгинлар бўлади, кўп жойларни вайрон қилади, бироқ бу ерга зарар етказмайди. Зеро, хонақоҳ тупрогига кўнглингни кўмиб, деворларига тош дея имонингни, лой дея кўз ёшингни, мих дея нафасингни жо қиласан.

Ҳа, Аллоҳ бор, Аллоҳ ҳар жойда бор. Лекин «Аллоҳ» дейилган жойда Аллоҳ ёрдир.

Энди тинмай Аллоҳ дегинки, ёринг Аллоҳ бўлсин...

Яхё афанди муршидининг айтганларига амал қияпти. Мақсади, яшашдан воз кечмоқ, хилватга чекиниб, инсонлардан қочмоқ эмас. Бу ерларни ўзига Ватан дея билди. Аввалгилар «Аёлга кўнгил берсанг, хотин бўлар, эрга кўнгил берсанг дўстинг бўлар, сўзга кўнгил берсанг дoston бўлар, тупроққа кўнгил берсанг Ватан бўлар» деб бекорга айтмаган. Яхё афанди ҳам бу ерларга кўнгил берди.

Энди атрофига одамлар жам бўла бошлади. Унинг кўнглидан кўнгилаарига шифо излаганлар келяпти,

дарахтларнинг остига, ям-яшил майсалар устида, қаер маъкул келса, ўша ерда ўтириб, унинг тилидан тўкиладиган шифоларни даво дея тинглаяпти. Талабаларини ҳам шу ерда етиштиряпти, мударрисликдан четлатилган бўлса-да, Аллоҳ йўлидаги вазифасидан бир лаҳза бўлсин тўхтагани йўқ. Эшиги ҳаммага очик.

Одамлар бу ерни Яхё афанди хонақоҳи деб атай бошлади.



Бир куни Яхё афанди уч-тўрт муриди билан экинларни парвариш қилаётган эди, қайиқчи Туроқ келиб қолди. Энди уни қайиқчи Туроқ эмас, Туроқ ота деб қақаришяпти.

Хонақоҳдаги талабаларининг сони йигирмадан ошди. Келмоқчи бўлганларнинг сони кўп, лекин жой йўқ. Шунинг учун янги бинолар бунёд этишяпти. Туроқ ота шу ишлар билан шуғалланади, келган-кетганга жой кўрсатади.

– Афандим, – деди Туроқ ота ва Яхё афанди гапиришига рухсат беришини кутиб турди.

– Сўйла, ошиқ.

– Бир киши келди, сизни кўрмоқчи экан.

– Хўш, ошиқ, нега уни ичкарига киритмадинг? Эшигимиз ҳар келганга очиклигини билмайсанми?

– Афандим, келган киши насроний экан, – деди Туроқ ота бироз хижолат бўлиб. Яхё афанди куйи солинган бошини кўтариб унга тикилди.

– Ким бўлса ҳам инсондир. Аллоҳ таоло ҳеч кимга тавба эшигини бекитмайди-ю, биз ким бўлибмизки, хонақомиз эшигини ёпамиз?

Туроқ ота бошқа ҳеч нарса демади, эшик олдида кутиб турган кишини олиб келгани кетди. У кетгач, Яхё афанди

бир дарахтнинг тагида чўккалади, муридлари ҳам атрофида тизилиб ўтиришди. Анчадан бери иссиқда ишлашаётгани учун терлаб, чанқашган. Яхё афанди барчасининг юзига бир-бир қараб чиқди.

– Ҳозир анор шарбати бўлганида ичардик. Жуда яхши бўларди, тўғрими, ошиқлар?

Ҳеч бири жавоб бермади, бироқ анор шарбатининг номиёк ёқимли туюлди.

Бироздан кейин ёнида бир киши билан Туроқ ота келди. Ҳалиги киши орқасига каттакон меш осиб олган, негадир хижолат бўлаётгандек турибди. Кўрқяптими, уяляптими, билиб бўлмайди.

Қимтинибгина Яхё афандига яқинлашиб, унга ҳайрат билан қаради. Елкасидаги мешни ерга қўйди. Бошини қуйи солганча Яхё афанди томонга яна бир қадам қўйди. Бир неча бор ютинди, сўнг атрофидагиларга қаради.

– Афандим, менинг исмим Апостал. Мени танидингизми? Яхё афанди жилмайди. Аввалига ҳеч нарса демади, кейин румча гапира кетди. Ҳамманинг нигоҳи Яхё афандига қадалди, унинг бу тилни билишидан ҳеч бирининг хабари йўқ эди. Яхё афанди ва Апосталнинг суҳбатини ҳеч ким тушунмади. Апостал денгизда бўронга дуч келган, энди ўлим муқаррар дея ўйлаганида қайиқда кетаётган Яхё афандини учратган ва у кўрсатган йўлдан юриб, омон қолган эди.

Апостал ёнидаги мешга ишора қилди:

– Афандим, мен ўша куни омон қолганимда, шаробларим ичидан энг яхшисини сизга ҳадя қилмоққа оғт ичдим. Мана, келтирдим!

Ҳамманинг оғзи ланг очилди. Нималар деяпти бу киши? Бемалол масхара қияпти-ку!.. Шивир-шивирлар

бошланди. Ҳатто баъзи толиби илмлар Апосталнинг устига ташланмокчи бўлди. Лекин Яҳё афанди ҳамон жилмайиб турар, ҳеч нарса демаётган эди. Юзида газаб ва жаҳлдан асар ҳам йўқ.

– Раҳмат сенга, ошиқ. Ҳадаянгни олдик ва қабул қилдик.

Муридларнинг ҳайрати яна бир ҳисса ортди. Яҳё афанди бир меш шаробни қабул қилдими?.. Бир-бирларига қараб кўйишиди. Бироздан кейин Яҳё афанди ёнгинасида ўтирган муриди Хўжа Кўсага қараб деди:

– Қани, ошиқ, бизга бир нечта пиёла олиб кел!

Хўжа Кўса қотиб қолди. Ҳайрати аршга етган, Яҳё афандига миқ этмай қараб турарди.

– Олиб кел, ошиқ!

Хўжа Кўса кетди ва сал кейин қўлида иккита пиёла билан қайтиб келди. Ҳали ҳам ҳайратда. Пиёлаларни Яҳё афандига узатди, у эса Апосталга берди:

– Қани, тўлдир-чи!

Ҳамма тош қотиб қолди. Яҳё афанди ақлдан оздими? Шароб ичадими?.. Кимлардир гапиришга чоғланганди, Яҳё афанди рухсат бермади. Апостал пиёлаларни тўлдирди. Бирини ўзи олди, иккинчисини Яҳё афандига узатди.

Яҳё афанди аввал «Бисмиллоҳ», деди ва қултумлади. Тоқати етмаган муридлардан бири:

– Афандим! – деди ва ўрнидан ирғиб турди. Шу пайт Апостал ҳам бақирди:

– Анор шарбати!..

Ҳамма бирданига унга ўгирилди. Апостал ақлдан озгандек ўзига-ўзи гапирарди:

– Қанақасига ахир? Ўз кўлларим билан олиб келдим буни. Бу шароб эди, шароб!..

Ҳамма ичиб кўриб, хайратга тушди.

– Анор шарбати... Мешдаги шароб анор шарбатига айланиб қолибди. Бу қандай бўлиши мумкин?

– Бўлиши мумкин, – деди Яхё афанди.

Шу пайт Апостал унинг қўлларига ёпишди:

– Мен ҳам биродарингиз бўлай!..

Яхё афанди муридларига қаради. Хайратдан кўзлари катта-катта бўлиб кетган, нималар бўлаётганини тушунишга уринишяпти. Яхё афанди ҳалиям жилмайиб турибди. Бирдан Туроқ отага ўгирилиб деди:

– Эй ошиқ, сен мешнинг ташига қарайсану бунда шароб бор дейсан. Лекин биз ичига қараймиз, ташига эътибор бермаймиз. Ташига карасанг, янглишасан, зеро, не-не жавохирлар харобаларнинг ичида бўлади, не-не несъматлар қора қобиқнинг ичида, не-не тенгсиз гуллар тиконлар ичида. Инсон ҳам шундай. У фақатгина жисмдан иборат эмас. Аксини ўйласанг, хато қиласан. Зоҳир чалғитувчидир, ботин эса алдамас. Ёш кўздан окса ҳам, аслида кўнгиладан келган бўлади. Бизнинг дардимиз ва вазифамиз ичдагини кўриш эмасми?...



Яхё афанди хонақоҳи доимо гавжум. Бу ерга келганига ўн йилдан ошди. Номини эшитмаган қолмади, унинг суҳбатини эшитиш, талабаси бўлиш учун узоқ-узоқлардан ҳам одамлар келади.

Ёши етмишга етди. Лекин ҳали ҳам экинларга қарайди, қўлидан келганича ғайрат қилади. Қундузлари шу ишлар билан вақтини ўткази, толиби илмларга илм, хикмат, тиббиётдан сабоқ беради.

Оқшом пайти Яхё афанди талабалар билан суҳбатлашиб ўтирганди. Улардан бири ўлим ҳақида сўради:

– Ўлим азоб беради, афандим. Одам ўлса, яқинларининг юрак-бағри ўртанади. Бу оташга тасалли йўқми?

– Ўлим – оташ эмас, ўлим охир ҳам, дард ҳам эмас, – дея жавоб қайтарди Яхё афанди. – Ўлим аслида гўзалдир, биз эса уни ёмон деб ўйлаймиз. Яқинингнинг бу дунё билан видолашиши жонингни қийнайди, вафоти юрак-бағрингга чўғу аланга ташлайди, бу ҳақиқат. Бироқ туғилмоқда тўй қилиб, ўлганда мотам тутиш ғалати эмасми? Зеро, ҳар бир туғилган алалоқибат вафот этади. Бу ҳақиқатни биламиз. Шундай экан, билганимизга амал қилиб яшашимиз даркор. Ўлимни ўзи билан омонатдек кўтариб юрган кишига ўлим ғам келтирмайди. Шуни яхши билингки, ўласиз, лекин йўқ бўлмайсиз. Ўлганлар йўқ бўлиб кетмаган. Юнус Эмро айтганидек:

*Жисм фоний, жон ўлмас,
Кунлар қайта кун бўлмас,
Ўлса, фақат тан ўлгай,
Жон аталган гул сўлмас.*

Жон ўлмайди, ошиқлар. Қолаверса, Аллоҳ билан бирга бўлгандан кейин ўлим ҳақида қайғурмоқдан маъни не?..

Яхё афанди шундай дея бошини қуйи солди. Ҳали айтмоқчи бўлган сўзлари кўп эди, бироқ жим бўлиб қолди. Талабалар унинг тиззасига кўз ёшлари томаётганига гувоҳ бўлишди. Яхё афанди йиғлаётган эди.

Бироздан кейин бошини кўтарди. Ёш тўла кўзларининг оқи қон рангига бўялибди, юзи сарғайиб кетибди. Бошини самога бурди. Тўйиб-тўйиб нафас олди. Лаблари қимирляпти-ю, овози чиқмаяпти. Бир муддат шундай туриб қолди. Сўнг оғзидан тушуниксиз овозлар чиқа бошлади. Ўртага қўйилган мойчироқнинг пилиги титраяпти, ҳамма хадик билан унга қараб турибди. Яхё

афандининг кўзларидан ҳамон ёш оқяпти. Қўккисдан мойчирокнинг шуъласи сўниб, атрофга зулмат чўкди. Яхё афандининг «Розиман...» деган овози эшитилди.

Нима бўлаётганини ҳеч ким тушунмади. Яхё афанди яна бир бор такрорлади: «Розиман...»

Ҳеч ким билмаса-да, Яхё афанди билади. Султон Сулаймон фаранглар юрти томон юришга чиққан, кексалигига парво қилмай, отга миниб, ёш жангчидек йўлга тушганди. Бирок хасталанди ва бу юришни яқунлашга умри етмади. Шу кеча жонини Эгасига таслим қилди.

Буни атрофдагилар билмади, лекин Яхё афанди билди. Яна бир бор ўкириб йиглаганча «Розиман...» деди.



ХАЛИЛ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

*Тупроқни Ватан қилганлар унинг устига қадам
босаётганлар эмас, остида ётганлардир...*

Яхё афанди хонақоҳига келиб, бу ерда ишлаётганимга ҳам бир ойдан ошди. Аслида ишни бир ойда тугатишни режалаштиргандим, лекин бўлмади. Бўлаганига ўзим сабабчиман. Ҳалиги мўйсафидни кўрган кунимдан бери ўлим ва ўликлар билан боғлиқ ўй-фикрларим ўзгара бошлади. Ичимдаги кўркувнинг ўрнини хижолат ҳисси эгаллаб бормоқда. Ҳа, ҳамон кўркаман, бироқ ўлимдан, ўлишдан эмас, Аллоҳга уятли алпозда учрашдан кўркаман. Кўркувимнинг сабаби ўлиш эмас, ўлимга тайёр эмаслик.

Ўша жума куни намоздан чиқиб, суҳбатлашганимиздан кейин орадан икки ҳафтача ўтди. Деярли, ҳар куни у билан учрашдим ва менга жуда кўп нарсаларни айтиб берди. Фақат ўзи ҳақида ҳеч нарса демади, бунинг сабабини сўрай олмадим. Тўғриси, сўрагим ҳам келмади, чунки вокиф бўлаганимдан кейин сир йўқолади, ҳамма нарса йўқ бўлади.

У билан боғлиқ фақат бир нарсани – исмининг Махмуд эканини биламан.

Менга шунчалик кўп нарсани айтиб бердики, назаримда, дунёдаги ҳамма нарсанинг маъноси ўзгариб кетди. Мен кадрлайдиган нарсалар аслида қанчалар қийматсизлигини, менга бекадр бўлиб кўринганлар эса қийматли эканини билдим. Кўзим кўриш учун бор деб ўйлардим, аммо кўзнинг ўзи кўриш учун, қулоқ эшитиш, тил сўзлаш учун кифоя эмаслигини тушуниб етдим. Одамзод ўлимни ҳар доим ёдида тутиши кераклигини ўргандим. Бир куни ундан сўрадим:

– Ўлишни хохламай, уни ҳар доим ёдда тутиш қандай бўлади?

– Ўлмасдан аввал ўлмоқлик билан.

– Хўш, ўлмасдан аввал ўлмоқ қандай бўлади?

– Инсон ўлимни тушга ўхшатади. Ҳолбуки, адашади. Киши ўлганида уйғонган бўлади. Ўлган пайтинг уйғонасан, ҳаётинг бир тушлигини, ўлди деб ўйлаганларинг аслида ўлмаганини тушуниб етасан.

Бу дунёда кўрганларинг ҳақиқат эмаслигини ва вақти-соати етиб, ўлишингни билсанг, ана ўшанда ўлмасдан аввал ўлган бўласан.

Агар ўлим дунёни тарк этиш бўлса, тириклигидаёқ дунёдан воз кечганлар уни ўлдирган бўлади. Улар жисм занжирини парчалаб, нафс оташини сўндира олади. Инсон эмас, унинг нафси ўлимдан кўрқади. Ишонма унга. Ишонмасанг, яшай оласан. Аслида дунё билан яшаётганлар ҳақиқий ўликлардир, ўлмасдан аввал ўлганлар эса тупроқ остига киргани билан тирикдир!..

Бу сўзларини асло унутмадим ва ичимдаги дунёни ўлдирмоқчи бўлдим. Ўша мўйсафиднинг шарофати билан

бўйнимга осилган дунё занжирини парчалаб ташладим.
Бироқ излари ҳамон турибди.

Айрим кунларда шунчаки гаплашмай ўтирдик ва бу сукутлардан жуда кўп нарсани англаб етдим. Инсонлар огиз очмасдан ҳам сўзлай олар, сўзсиз ҳам бир-бирини тушуна олар экан. Сукут сўздан кўра кўпроқ нарсани тушунтириб бераркан.

«Бу киши Хизрмикан?» деб ўйладим, лекин асло ўзидан сўрамадим. Ҳалигача билмайман. Фақат хонақоҳда ишимни тугатган кунимни биламан. Барча қабртошларни қайд қилдим, ҳаммасини бир-бир ўкиб чиқиб, фотосуратга муҳраладим. Нақ икки минг юз қирқта қабртош...

Сўнги кун ишчилар билан хайрлашдим, ҳаммасидан рози-ризолик сўрадим. Зеро, мўйсафиднинг айтганлари ҳали-ҳамон қулоқларимда жаранглаб турибди: «Бу дунёдан қандай кетсанг кет-у, зинҳор бир синиқ кўнгилинг уволи билан кетма!»

Қабристонни айландим, ўтганларнинг хақиға дуо қилдим. Балки сизга беъмани туюлар, лекин улардан ҳам рози-ризолик сўрадим. Мўйсафидни ўша куни сўнги бор кўрдим. Хайрлашмадим, чунки уни яна кўришимга ишончим комил эди.

– Амаки, бу ерда қилишим керак бўлган ишлар тугади, аммо сизни кўргани келаман.

– Кўргани келасан, ҳатто жуда кўп мартаба келасан.

– Сизни қаердан топсам бўлади?

– Шу ердан. Мен ҳар доим шу ерда бўламан.

Ўша куни кўп гаплашмадик. Бир нималар дегим келди-ю, айта олмадим. Зеро, саволлар жавобларга чегара қўйишини тушуниб етганман. Қўлларини қайта-қайта тавоф қилдим. Йиғлагим келди, лекин ўзимни тутдим.

Кечаси яна бир бор ўша тушни кўрдим. Деярли бутун Истанбул шу қабристонда, кўзим тушган ҳамма жойда одамлар бор ва челақлаб ёмғир ёгяпти, мен эса яна ўша қабрнинг бошидаман. Ичи бўм-бўш қабр. Гўё ҳамма менга қараб турибди, жилмайяпти. Асло қўрмаяпман. Шу пайт ўша мўйсафидни кўриб қолдим. Узоқдан мен томонга қараб келяпти. Жуда кўркам кўринди. Устида оппоқ либос, бошида оқ салла. Ёмғирдан ҳўл бўлаяпти. Яқинлашди, қабр ёнигача келди. Яхё афанди масжиди томонга бармоғи билан ишора қилди. Эгилиб, қулоғимга шивирлади:

– Қара, кўряпсанми?

Бошимни ўша томонга ўгирдим. Юзи ойдек бир кишини кўрдим. Кўнглим ёришиб кетди бирданига, чор атроф ёришиб кетгандек туюлди. Ҳалиги киши таҳорат олаётган эди. Ундан кўз узгим келмади. Мўйсафид қулоғимга шивирлашда давом этди:

– Яхё афандини сўраган эдинг-а? Кўрмоқ учун қарагани эмас, кўргани келмоқ лозим. Айримлар вафот этганида ҳам тирик бўлади, ўлганида ҳам вазифаси тугамайди. Ўлганидан кейин ҳам ҳақни ўргатаверади, бироқ билмоқ учун келмоқ даркор...

Яна гапиролмайман, гапирсам ҳам овозим чиқмайди деб ўйлаган эдим. Лекин гапирдим, овозсиз гапирдим.

– Сиз...

Сўзимни бўлди, гапиртирмади.

– Менинг сирим ўша ерда, билиб оласан.

Бармоғи билан яна Яхё афанди масжидига ишора қилди. Мен унга қараяпман, у эса бошқа одамга.

– Сенга Яхё афанди ҳақида ҳам, менинг сирим ҳақида ҳам шу киши гапириб беради.

Бошимни ўша томонга бурдим ва сизни кўрдим! Ишончим
комил, у – сизсиз. Ҳозир кўриб турганимдек, ҳақиқатан
сизсиз.

Қайта ўгирилганимда мўйсафид кўринмади. Ҳеч ким
йўқ. Атроф қабрлар билан тўла. Олдимдаги қабр бошида
қабртош турибди. Ўқидим:

«Хусайн ўғли Махмуд афандининг руҳига дуо. 1781 йил».

Ва уйғониб кетдим...

Мўйсафидни қайтиб ҳеч қачон кўрмадим. Кутдим, сўрадим,
қидирдим, лекин тополмадим. Тополмаслигимни билсам
ҳам қидиравердим. Модомики, уни тополмайман, у ишора
қилган кишини топаман.

Бу тушга ишондим. Туш бўлса ҳам, ишондим. Ўша кундан
кейин бу ерга ҳар куни келдим. Фақат сизни қидирдим.
Кўролмасам ҳам, қидирдим. Ўша сиз билан учрашган
кунимиз, ўша бомдод намози вақтида кўз олдимда сиз
турардингиз ва мен яна бир бор тасодиф деган нарса
йўқлигини англадим. Сизни кўрганимда нима қилишимни
билмай қолдим. Кўрдингизми-йўқми, билмайман, аммо
ўпкам тўлиб йиғладим. Тиззамдан мадор кетгандек бўлди.
Ишонгим келмай қайта-қайта қарадим. Сўнгра югургилаб
ёнингизга келдим. Қўлингиздан маҳкам ушладим.

– Сизни топдим, – дедим ва йиғлайвердим...

ИСТАНБУЛ, 1571 ЙИЛ

ЯХЁ АФАНДИ

Ҳу...

– Ох, дунё, ох! – деди Яхё афанди. – Кимга насиб бўлгандиники, менга насиб қилсанг! Сенга «Меникисан!» деганлар ер остида ётибди. Султон Сулаймондан ҳам қолган дунё, мен Яхёдан қолмайдими?.. Энди мендан қўлингни торт, токи Севганимга борай, зеро, сен билан яшаш сургунда яшашдек туюлади. Мен сени Аллоҳ яратгани учунгина ёқтираман. Аслида мен учун заррача қийматинг йўқ!..

Яхё афанди шу сўзларни айта-айта хонақоҳ ортидаги дарахтзорда айланиб юрди. Хар куни субҳидамда шу ерда айланади, ўзини тафтиш қилади. Султон Сулаймоннинг вафотидан кейин аввалгидан ҳам маҳзун бўлиб қолган. Юрагида бу дунёга нисбатан ҳеч қандай майл йўқ. Биргина нарсани ўйлайди – соликлари ундан кейин ҳам маслагини давом эттиришса бас. Маслаги, мақсади бор инсонгина

55, 00

яшаган ҳисобланади, бир ғоя йўлида ўтган вақтга умр деса бўлади. Яхё афанди биладики, вазифаси адоғига етмай туриб ажал келмайди.

Султон Сулаймоннинг ҳақиға бир неча кун дуо қилди, Куръон ўқиди, кўз ёшларга ўралган саломларини йўллади. Ўлимнинг йўқлик эмаслигини билса-да, юрак-бағри ўртанади. Энди ўзининг ҳам умри поёнига етаётганини сезиб турибди. Ўлимнинг фироқ эмас, дийдор эканини ҳам биледи.

Халқ султон Сулаймоннинг ўлганига ишонолмади. Аммо ўлим – ҳақ, ўз вақтида келади. Бутун бошли усмонийлар диёрида мотам шамоли эсди. Дўстга кайғу, душманга сурур бўлди бу ўлим. Султон Сулаймондан кейин тахтга шаҳзода Салим ўтирди. Яхё афандига у ҳам отаси каби, хатто ундан кўпроқ эътибор кўрсатди.

Одамлар Яхё афандини авлиё деб билди, уни севганлар хонақоҳ атрофига кўчиб кела бошлади. Денгизчилар Яхё афандини ўзларининг пири деб ҳисоблайди, бўғоздан ўтаётиб Яхё афандига салом бериб, дуосини олишади.

Яхё афанди эрта тонгда, атрофда ҳеч ким йўқлигида кўнглидан эшитиладиган садоларга қулоқ тутди. Қирғоққа яқин жойда, баланд дарахтга суянганча ўтирибди. Кўзлари денгизга қадалган. Хаёлига алланималар қуйилиб келмоқда. Ўша аввалги пайтларни, Трабзон тоғларини ёдга олди. Отаси Умар афандини, тоғда кезган пайтларини эслади. Ҳамма нарса, бутун умр йўли кўз олдидан ўтди. Вақт гизиллаб ўтиб кетди, ҳамма нарса жуда тез кексайди. Ана энди умрининг сўнгги дамларини яшамоқда. Одамзод қариса-да, ўзини ёш ҳисоблайди. Ваҳоланки, ҳар туғилган ўлимга маҳқумдир. Инсон туғилган куниданок ўла бошлайди.

Бир маҳал ўрнидан туриб, денгизга қараб юра бошлади. Ортидан бутун бошли умрини эргаштириб келаётгандек.

Қирғоққа келганида тўхтади. Қараб тураверди. Кейин денгизга яқинлашди. Чопонининг енгини шимариб, эгилди ва денгиздан бир ховуч сув олди. Кафтида тутиб турди. Кўзларини юмди, алланималарни пичирлади. Кафтидаги сувга тилидаги дуони пуфлади ва денгизга сочди. Яна бир ховуч сув олди, яна ўқиди, яна пуфлади. Субҳидам изгиринида пешонасидан тер оқяпти. Кўзларига ёш тўлди. Сўнги бор ховучида сув олди. Қалтираганча дуо қилди. Бироз тўхтади, сўнг баланд овозда гапирди:

– Аллоҳим! Қиёматгача бу шаҳарнинг сувлари ҳам «Ху» десин. Ўзинг асра, Аллоҳим!..

Сўнги бор сувга пуфлаб, денгизга қайтариб тўкди.



Ўша куннинг шомида Яхё афандининг ахволи бошқача эди. Кексайиб қолган, анчадан бери бетоб, лекин бугун ўзгача. Худди ёшгина йигитчадек, еру кўкка сиғмайди. Кўзлари қувончдан порлаяпти, ёноқлари қип-қизил. Ичига сиғмай севинаётгани аниқ. Қувончининг сабаби не?.. Талабалари буни ҳайит келганига йўйишди. Бугун арафа, эртага қурбон ҳайити. Яхё афандининг бу ҳолатидан ҳамма хурсанд бўлди.

Талабаларнинг бари мадрасада ўтирибди. Ҳар томонга мойчироқлар ёқилди, ҳайитни эрта байрам қилаётгандек шарбатлар ичишди, хурсандчилик килишди.

Яхё афанди курсисида ўтирган кўйи, барининг юз-кўзига алоҳида назар солди. Нигоҳлари орқали худди кўнгилларида кириб бораётгандек. Жуда ажиб, жуда чиройли ҳолат. Бақувват йигитдек ўтирибди. Кўзлари чакнаяпти, юзига қон тепиб, сўлгин ёноғи оқ рангга кирапти.

Ҳаммининг нигоҳи унга қадалган, сўзларини сабрсизлик билан кутишяпти.

– Ошиқлар, – деди Яхё афанди, – ҳар бирингизни фарзандимдек кўраман. Бугунгача бир сирни изладим мен, сирли хазинага мафтун бўлиб яшадим. Топдимми, йўқми, билмайман, бироқ уни топиш учун боримни бағишладим ва Аллоҳ билан бирга бўлганнинг қайғуси йўқлигини билиб олдим. Дунё дардини дунёга ташлаб қўйдим ва ундан бошқа дардимга шукр қилдим.

Бу дунё бир хароба карвонсаройдир, баҳори ҳам ёлгончи баҳордир ва яшадим деганинг ҳам ёлгондир. Зеро, инсон бу ерда яшамайди, қарийди холос. Шундай экан, нимасига ҳам чекай, нимасига қайғурай? Нимагадир эгалик қилган, ундан жуда бўлганида қайғуради. Бизнинг эса қайғуга сабаб бўладиган ҳеч нарсамиз йўқ. Келинлар, «Ху» дейлик, токи ҳар бир қулоқ эгасининг номини эшитсин.

Талабалар бир овоздан айтди:

– Ху!..

– Яна бир бор айтинглар! – деди Яхё афанди икки қўлини кўтариб.

– Ху!..

– Кўнгли ишқ оташи билан ёнмаганлар ошиқман демасин. Ишқ хурмати яна бир бор айтинг, ошиқлар!

– Ху!.. – дейишди яна бир бор ва юракларига титроқ инди.

Яхё афанди бир олдинга, бир орқага тебранар, сўзлар лабларидан эмас, қалбидан тўкилаётгандек эди гўё.

– Бу дунёга покиза ҳолатда келдик, покиза кетмоқ керак. Лекин дунёнинг кирини уммон ҳам поклай олмас. Кўнглини покламасдан дийдор тиламоқ қандай жаҳолат? – деди ва шу мисраларни айтди:

*Ошиқ, жигар қони ила қилмадинг сен таҳорат,
Васли жонон истамогинг баайниким жаҳолат.*

Хамма ўзини унутиб қўйди. Турган жойлари, ҳатто дунё хам торлик қияпти. Кўнгиллари ишққа тўлиб-тошиб, тилларидан тўкилди:

– Ху!..

Шундай ҳолатда эдиларки, худди самода кезишяпти, ишқ дарёсида сузишяпти, нафсни оёқлари остида эзишяпти. Киприк қоқмай Яхё афандига қараб туришибди. Шу пайт нимадир бўлди, Яхё афанди нигоҳини талабаларидан узиб, мадрасанинг эшигига ўгирилди. Ҳамон юзида табассум, жуда масрур кўриняпти. Бирдан ўрнидан турди. Худди бировга пешвоз чиқяпти, бироқ у томонда ҳеч ким кўринмади. Бўшлиққа қараб турибди, ниманидир кузатяпти. Талабалар Яхё афандидан кўз узмаяпти.

Яхё афанди турган жойида ўтирди. Ён томонига қараяпти. Кўзлари қувончдан порляяпти-ю, сабабини ҳеч ким билмайди. Бироздан кейин «Вақт бўлдимиз?» деди эшитилар-эшитилмас. Жуда хурсанд, табассум қилмаяпти, аниқ-тиниқ куляпти. Бошини буриб, талабаларининг юзига синчиклаб қаради. Сўнг боши аста-секин олдинга эгилди. Жим бўлиб қолди, кўзи юмилди ва нафаси тўхтади... Сўнгги бор оғзидан бир сўз чиқди. Умрининг хулосаси ва ҳар сирнинг маъноси бўлган сўз:

– Ху...

Ўлдими? Ўлим ўзи нима?

Бу ўлиш эмас. Яхё афанди бу қарвонсаройда бир муддат меҳмон бўлди ва яна йўлга тушди. Ғурбатдан ўз диёрига қайтди. Балки туш кўрган бўлиши мумкин...

ЁҚУБ

ИСТАНБУЛ, 2015 ЙИЛ

Ҳикоясини тугатгач, нима дейишни билмай қолдим. Бу йигит ким ўзи? Девонами?.. Билмайман, бироқ айтган ҳар бир сўзи ҳақиқат. Гапираётиб тинимсиз йиғлади. Сўнги сўзлари миямда чироқ ёққандек бўлди, бир нарсаларни эсладим ва бундан ҳайрон бўлдим. Бунчалик тасодиф бўлиши мумкин эмас.

У айтган исмни эслагандай бўлдим. Таъмирлаш учун келган ишчилар қабртошларни бир жойга тўплашган экан. Кейин эса бирма-бир қаёққадир ташишди. Бир куни бомдод вақтида келганимда, бир қабртош ўша жойда қолганини кўрдим. Ерда ағанаб ётганди. Кўнглим хижил бўлди, лекин қайси қабрга тегишли эканини билолдим. Ўша ерда шундоқ қолдириб кетгим келмади, масжиднинг орқасидаги бир жойга олиб бордим. Қийналиб, чала-чулпа бўлса ҳам устидаги исмни ўқидим. Шу йигит айтаётган исм эди чоғи. Адашяпманми ёки?..

– Мен билан юр-чи, – дедим. Бирга қўзгалдик.

Масжиддан чиқиб, орқа томонга қараб юрдик. Юрагим уришдан тўхтаб қоладигандек, кўз ўнгимда рўй бераётган воқеалардан хайратдаман. Бу йигитнинг эс-хуши жойидами-йўқми, хозир билиб оламиз.

Орқа томонга ўтиб, қабртош қўйилган жойга келдим. Қандай қолдирган бўлсам, шундай турибди.

Қабртошни йигитга кўрсатмоқчи эдим, не кўз билан кўрайки, чўккалаб қолибди. Мен кўрсатмасдан аввал кўрган экан.

– Мана шу, – деди, – худди шу.

Тинимсиз йиғлади. Нима қилишни билмай қолдим. Хайратланган кўйи унга қараб турибман. У эса қабртошдаги ёзувни ўқиди:

– Хусайн ўғли Маҳмуд афанди рухига дуо. 1781 йил...